

**ЖУМА ХОЛМУМИНОВ**  
**НУРИДДИН НАРМАТОВ**

**“ҚЎРИҚЛАШ” ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ФУҚАРОЛИК-  
ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

**ТОШКЕНТ 2004**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ**  
**А К А Д Е М И Я**

**Ж. Т. ХОЛМУМИНОВ**  
**Н. С. НАРМАТОВ**

**“ҚЎРИҚЛАШ” ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ**  
**ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

*Ўқув қўлланма*

**ТОШКЕНТ 2004**

**М-92**            **Холмўминов Ж. Т., Нарматов Н.С.** "Қўриқлаш" хизмати фаолиятининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиниши: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. –\_\_ бет

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмасининг юридик шахс сифатида фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган бўлиб, унда бу муаммоларнинг ечимини топишга ҳаракат қилинган. Қўлланма "Фуқаролик ва оила ҳуқуқи" фанининг "Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг мулкларини қўриқлаш шартномаси" мавзусига оид масалаларни ёритиш мақсадида яратилди. Бундан ташқари, "Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти" фанидан "«Қўриқлаш» бирлашмаси хизматининг ташкилий тузилиши ва вазифалари. Мулк ва объектларни қўриқлашнинг тактик асослари" мавзуси бўйича, "Ички ишлар органларининг хизмат ва бўлинмаларини жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятини ташкиллаштириш" фанидан "Ички ишлар органларининг «Қўриқлаш» бирлашмаси хизматлари фаолиятини ташкиллаштириш" мавзуси бўйича машғулотларни олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Ички ишлар вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари ҳамда бошқа юридик олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, адъюнктлари, аспирантлари, тингловчилари ва талабаларига, шу соҳа мутахассислари ҳамда илмий ходимларига мўлжалланган.

### **Масъул муҳаррир:**

Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор  
**Ҳ.Р.Раҳмонқулов.**

### **Тақризчилар:**

юридик фанлари доктори, профессор **Ш. Н. Рўзиназаров;**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси бошлиғи, милиция полковниги **А. Н. Юсупов.**

## КИРИШ

Ўзбекистонда иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг амалга оширилиши мулкчиликнинг барча шакллари ривожланиши учун баб-баравар шароит яратилиши, жумладан хусусий мулкнинг таркиб топиши ва улар асосида бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида жамиятнинг бошқарув тизимида тегишли демократик шакл ва усуллардан фойдаланиш, тадбиркорликнинг барча соҳаларида, чунончи, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам эркин фаолият юритилиши билан ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида назарда тутилганидек, “бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”<sup>1</sup>. Ушбу қоида мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотларнинг ўтказилиши учун асос бўлди. Натижада, эндиликда вужудга келаётган турли хил мулк шакллариининг ривожланиши ва улар асосида ташкил топган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатишига, шунингдек, уларни ҳуқуққа хилоф тажовузлардан қўриқлашга шароит яратилди.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш Ички ишлар вазирлиги тизимидаги “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқий ҳолатини аниқлашни тақозо этди. Шу боис ҳам ички ишлар органлари тизимида ислоҳотларни амалга ошириш, қўриқлаш бўлинмаларининг ҳуқуқий ҳолатини мустаҳкамлаб, уларни нафақат мулк шакллариини қўриқлашда эркин фаолият кўрсатувчи, балки мустақил хўжалик юритувчи субъектга айлантириш муаммолари ҳам келиб чиқди.

Бу муаммоларни ҳал қилиш ва республикаимизда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар Олий Мажлис қонунларида<sup>2</sup>, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорларда<sup>3</sup> ва асосан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2001.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 170-м.; Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2000. – № 5–6. – 140-м.

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари

ИИВнинг буйруқларида ўз аксини топди.

Республикаимиз Президенти иқтисодиётимизни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ривожлантиришга бағишланган асарларида, маърузаларида ва нутқларида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор берди. Жумладан, И. А. Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида: “Ташкил этилган ижро этувчи ҳокимият органлари тизими олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Улар режалаш-тақсимлаш вазифаларидан холи бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда”<sup>1</sup>, – деган эди. Айтилган бу фикрда барча ижро этувчи идоралар, жумладан ички ишлар органлари тизимидаги “Қўриқлаш” хизмати фаолиятини ҳам такомиллаштиришнинг ҳозирги иқтисодий шароитда муҳимлиги, уларни такомиллаштиришда учраётган тўсиқларни бартараф этишнинг нечоғли зарурлиги акс этган. Бундан ташқари, бугунги кунда корхоналар, муассасалар ва бошқа хўжалик субъектларига қарашли объектларни ҳамда фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш бўйича муносабатларни яхшилашга қаратилган қатор норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши муносабати билан “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бошқарма (бўлим)лари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа шартлари тубдан ўзгармоқдаки, уларни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш бугунги куннинг асосий муаммоларидан биридир.

Шунингдек, жамиятимизда юз бераётган туб ўзгаришлар, хусусан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида шартнома тузиш ва унга амал қилиш маданиятининг юқори босқичга кўтариш эҳтиёжи ҳамда ички ишлар органлари тизимида ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги назарий ва амалий томондан ривожлантирилаётган қўриқлаш шартномаларини шунчаки ҳуқуқий жиҳатдан таъмирлашни эмас, балки тубдан янги асосда кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Юридик фан олдида нафақат “Қўриқлаш” бирлашмаси, балки бутун ИИВ тизимида юзага келаётган ва фуқаролик ҳуқуқининг

---

ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари томонидан объектларни қўриқлаш тўғрисидаги Намунавий шартномани тасдиқлаш ҳақида”ги 450-Ф-сонли 1992 йил 15 декабрь фармойиши // ИИВ буйруғи билан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари рўйхати. – 1992. – Декабрь.

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари // *Каримов И. А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т., 1998. – Т. 6. – Б. 138–139.

замонавий талабларига жавоб берадиган янги шартномалар маданиятини тадқиқ этиш вазифаси турибди. Ушбу масалада кўриқлаш шартномаларининг, *бир томондан*, илгаридан мавжуд бўлган ва ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган; *бошқа томондан эса*, бугунги ижтимоий ҳаёт талабига жавоб бера оладиган асосларини топиш зарур. Зеро, иқтисодий ислохотларнинг ривожланиши ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шаклланишининг асосий ҳуқуқий пойдевори шартномалардир. Кўриқлаш шартномалари эса мулк шакллари кўриқлаш, бошқача айтганда, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш воситасидир. Юқорида баён этилган ҳолатлар ушбу мавзунини танлаб олиш учун хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Кўриқлаш" бирлашмасининг юридик шахс сифатида фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш мавзусини ўрганилиши лозим бўлган кўп қиррали муаммолардан бири бўлиб, айни вақтда унинг айрим йўналишлари, хусусан, бирлашманинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати, бошқарув фаолиятининг асосларигина ўрганилган, холос. Лекин бирлашманинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий ҳолати, унинг корхоналар, хўжалик объектлари, муассасалар ҳамда бошқа ташкилотларнинг мол-мулкни ва хўжалик фаолиятини турли хавф-хатардан сақлаш билан боғлиқ вазифалари хусусида давлат бошқаруви доирасида етарли даражада ва махсус шунга бағишланган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Бошқача айтганда, "Кўриқлаш" бирлашмасининг фуқаровий-ҳуқуқий ҳолати илмий ва амалий жиҳатдан умуман ўрганилмаган. Аммо, суд амалиётидан маълумки, "Кўриқлаш" бирлашмаси судда ҳам даъвогар, ҳам жавобгар сифатида қатнашади, шу сабабдан "Кўриқлаш" бирлашмасининг фуқаровий-ҳуқуқий ҳолатини ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Умуман олганда, ушбу мавзунинг баъзи жиҳатларини ҳуқуқшунос олимлар у ёки бу даражада тадқиқ этиб келганлар. Хусусан, фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институти сифатида юридик шахслар ва шартномаларни хорижлик олимлардан Мирьяна Поленак-Акимовская, Вильямс, Ива Пухан, Салмонд ва бошқалар чуқур таҳлил этганлар<sup>1</sup>. Собиқ совет даврининг ҳуқуқ фанида "Кўриқлаш" хизматининг юридик шахс сифатидаги фаолиятига эътибор берилмаган, шу боис ўша даврларда ушбу мавзуга бағишланган махсус тадқиқотлар олиб борилмаган. С. С. Алексеев, С. Н. Братусь, Д. М. Генкин, В. П. Грибанов, В. С. Ем, Р. Иеринг, О. А. Красавчиков, Н. С. Малеин, Г. К. Матвеев, В. П. Мозолин, В. А. Рясенцева, Е. А. Флейшиц каби олимлар

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Ива Пухан, Мирьяна Поленак-Акимовская. Римское право.* – М., 1999. – С. 92; *Салмонд и Вильямс. Основы договорного право.* – М., 1955. – С. 386.

фуқаролик ҳуқуқининг умумий масалаларига, Н. Волошин, А. И. Губарев, М. Г. Маркова, В. Мальцев каби олимлар эса собиқ Иттифоқ даврида “Қўриқлаш” хизматининг давлат органи сифатидаги фаолиятига оид айрим муаммоларни ёритганлар, холос.

Шу ўринда, ҳуқуқшунос олим Э. Х. Чантуриянинг<sup>1</sup> меҳнатига алоҳида тўхталиб ўтса бўлади. Унинг илмий ишларида қўриқлаш шартномаларига оид масалалар тадқиқ этилган, бироқ “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий ҳолати ўрганилмаган.

Мустабид тузум инқирозга юз тутганидан кейин янги ташкил этилган давлатларда фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида юридик шахсларнинг янги турлари вужудга келишига, шу жумладан фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар масалаларига оид анча холисона илмий ишлар пайдо бўла бошлади. Мисол тариқасида А. В. Брызгалин, Л. П. Дашков, Б. Д. Завидов, А. А. Костин, В. А. Рахмилович, А. П. Сергеев, Ю. К. Толстой, В. В. Лаптев, А. И. Яфаев каби россиялик олимларнинг ишларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда фуқаролик ҳуқуқининг муҳим институтлари бўлмиш юридик шахслар ва фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларга оид муаммоларга Х. Азизов, М. Э. Абдусаламов, М. К. Азимов, И. Ж. Жалилов, И. Б. Зокиров, Б. И. Ибратов, Н. М. Исмаилов, О. Оқюлов, Ф. Х. Отахонов, Ҳ. Р. Раҳмонқулов, М. Ҳ. Раҳмонқулов, Ш. Н. Рўзиназаров, Р. Ж. Рўзиев, Ф. Сайфуллаев, М. Б. Усмонов, Ж. Т. Холмўминов, С. Б. Холбоев, Ш. Шораҳметов, Т. Ш. Қаллибеков каби ҳуқуқшунос олимларнинг ишларида тўхтаб ўтилган.

Сўнгги пайтларда нафақат “Қўриқлаш” бирлашмаси, балки бутун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига эътибор кучайди. Ушбу масалалар А. Х. Саидов, У. Таджиханов ва бошқа олимларнинг асарларида таҳлил этилган<sup>2</sup>.

Аmmo, бу ишлар муаммони тадқиқ этиш борасидаги ишларни поёнига етказиш учун етарли эмас. Зеро, асарларнинг аксариятида “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги фаолияти фақат муайян жиҳатдан

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Чантурия Э. Х.* Договор об охране квартир и других помещений с личным имуществом граждан вневедомственной охраной органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1989. – С. 13.

<sup>2</sup> Қаранг: *Таджиханов У., Саидов А.* Жамият ҳуқуқий маданияти назариясининг долзарб муаммолари // *Ҳуқуқ–Право.* – 1998. – № 1. – Б. 17; *Таджиханов У.* Ҳуқуқий ислохотлар: муаммолар ва истиқболлар // *Ҳуқуқ–Право–Law.* – 2000. – № 3. – Б. 19.

қисман акс эттирилган<sup>1</sup>. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасидаги ҳозирги ҳуқуқий адабиётлар орасида юридик шахс сифатида “Қўриқлаш” бирлашмаси фаолиятининг назарий масалаларига бағишланган монографик тадқиқот ҳали мавжуд эмас. Тадқиқот мавзуининг назарий ва амалий жиҳатдан ҳал этилиши келгусида қўриқлаш шартномаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ҳуқуқининг мустақил илмий йўналиши бўлишига кўмаклашади, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмасининг юридик шахс сифатида фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни тадқиқ этишдан асосий мақсад – “Қўриқлаш” бирлашмасининг фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти — юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий ҳолатини ҳамда фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни яхлит тарзда тадқиқ этиш, бирлашма фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга изоҳ бериш, уларнинг ҳозирги замон талабларига жавоб бериши даражасини аниқлаш ва такомиллаштириш борасида тегишли таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур асар бозор иқтисодиёти шароитида юридик шахс сифатида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмасининг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини назарий ва амалий жиҳатдан комплекс ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган махсус тадқиқотдир. Ушбу қўлланмани яратилишида яқиндан ёрдам берган ва бевосита раҳбарлик қилган академик Ҳ.Р.Раҳмонқулов, юридик фанлари доктори, профессор У.Таджиханов, юридик фанлари докторлари Ҳ.Т.Одилқориев ва М.Б.Усмоновларга самимий миннатдорчилик билдирамыз.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Холмўминов Ж., Нарматов Н., Саримсақов И., Бекимбетов Н.* Фуқаролик ва оила ҳуқуқи. 2-қисм. Чизмалар альбоми: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – Б. 173-176.



# I боб. “ҚЎРИҚЛАШ” ХИЗМАТИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНING ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида “Қўриқлаш” хизмати ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий мақомининг ривожланиши

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий негизини турли хил шакллардаги мулкчилик муносабатлари ташкил қилади. Мамлакатимизда мулкнинг барча шакллари, шу жумладан, хусусий мулкнинг ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенглиги эълон қилинди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида шундай деб ёзилган: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”

Республика Президентининг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган маърузасида иқтисодиётни эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини оширишга алоҳида эътибор берилди<sup>1</sup>.

Ушбу маърузада белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари тизимидаги “Қўриқлаш” бўлимлари ўз фаолиятида масъулиятни кучайтириб, иқтисодий-молиявий натижаларга эришиш борасидаги вазифаларини амалга ошириши лозим. Бу ўринда улар маълум даражада муваффақиятга эришмоқдалар. Зеро, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги бош стратегик вазифа 2000 йил июнь ойида қабул қилинган жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳалардаги ислохотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштиришга оид дастурни амалга оширишдан иборат<sup>2</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишга, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини яхшилашга қаратилган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олдида турган асосий вазифалардан бири республикаимизда иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш на-

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон XXI асрга интилоқда // *Каримов И. А.* Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Т., 1999. – Т. 7. – Б. 395.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Адолат – қонун устуворлигида // Халқ сўзи. – 2001. – 30 авг.

тижасида вужудга келаётган барча мулк шакллари жиноий ва жамиятга зид ҳаракатлардан муҳофаза қилишдан иборат. Бу фаолиятни эса асосан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмаси<sup>1</sup> ва унинг жойлардаги бўлинмалари амалга оширадilar. Зеро, “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ИИВ тизимидаги асосий бўғинлардан бири ҳисобланади.

Кенг маънода қўриқлаш хизмати ўзининг маълум бир тарихига эга. “Айрим қарашларда талқин этилишича, давлатнинг келиб чиқиши ҳам бево-сита қўриқлашга алоқадор. Айтишларича, Қадимги Мисрда суғориш тармоқларини қуриш ва уларни қўриқлаш учун кишилар бирлашган ҳамда кишилиқ жамияти ташкил топган”<sup>2</sup>. Ёки бошқа тарихий мисолларга назар ташлайдиган бўлсак, минглаб йилларга бориб тақаладиган Буюк Хитой девори ёки Хива, Афросиёбнинг эски деворларини ўша давр халқлари ўз давлати-ни босқинчилардан қўриқлаш мақсадида қурганлар. Шунингдек, ўша давр-ларда ушбу марказлашган давлатларда ўз ҳудудини махсус бўлинмалар орқали қўриқлаш йўлга қўйилган.

Буларнинг барчаси аждодларимизнинг қўриқлаш соҳасига берган эъти-боридан ва бу соҳанинг бизгача этиб келган кўҳна тарихидан далолат беради. Чунончи, Амир Темур замонида ҳам ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда, йўлларда махсус ҳимоячи кишилар тайинланган. Улар фуқароларнинг, йўловчи ва савдогарларнинг хавфсизлиги, мол-мулкининг бутлиги учун жа-вобгар бўлганлар. Бу мисол ҳам буюк соҳибқирон бобомизнинг қўриқлаш соҳасига катта эътибор қаратганидан дарак беради.

Шу маънода, қўриқлаш соҳасининг нақадар муҳимлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, Буюк Хитой деворининг қурилиши учун минг йилдан ортиқ вақт кетган ва катта маблағлар сарфланган. Демак, бу соҳа бутун бир халқнинг ҳаёт тарзига айланган. “Қўриқлаш” тушунчаси нафақат мол-мулкни бут сақлаш маъносини, балки хавфсизлик, ҳимояланганлик, тавак-калчиликнинг олдини олиш, хотиржамлик каби бир қатор маъноларни ҳам қамраб олади. Бугунги кунда бутун жаҳонда, айниқса, ривожланган мамла-катларда “қўриқлаш” соҳасига катта миқдордаги маблағлар ажратилаётган-лигини кўриш мумкин. Чунончи, АҚШда аҳолининг ҳар 250 кишидан бир нафари, Россияда эса ҳар 100 кишидан бири қўриқлаш тизимида хизмат қилади. Бошқача айтганда, АҚШда қўриқлашни таъминлаш мақсадида йи-

---

<sup>1</sup> Бундан кейин “Қўриқлаш” бирлашмаси.

<sup>2</sup> Қаранг: Юсунов А. Инсон ҳар томонлама тўқ бўлгани сари ўзининг хавфсизлигини ўйлаб қолади // Халқ сўзи. – 2001. – 28 нояб.

лига ўрта ҳисобда ҳар бир фуқарога 40 доллар миқдорда маблағ сарфланади ёки 70-йилларда Америкада ялпи миллий маҳсулотнинг 0,85 фоизи қўриқлаш тармоғи учун сарфланган ва бу мамлакатда қўриқлаш соҳасида ишлайдиганлар сони Адлия вазирлигида хизмат қиладиганлардан икки баробар ортиқдир (ҳолбуки, полициянинг айрим бўлинмалари ҳам мазкур вазирлик таркибига киради)<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда эса, 2000 йил маълумотларига қараганда, республика-миздаги барча ички ишлар идоралари ҳузуридаги “Қўриқлаш” бўлинмаларида бошлиқлар таркиби 1999 йилда 1690 нафар бўлса, 2000 йилда эса 1705 нафар (+0,9%)га, оддий ходимлар таркиби 1999 йилда 17257 нафар бўлса, 2000 йилда 17755 нафар (+2,9%)га етганлиги ҳам ҳукуматимизнинг қўриқлаш соҳасига катта эътибор қаратаётганлигидан дарак беради<sup>2</sup>.

Собиқ Иттифоқ даврида СССР Министрлар Совети “Вазирликлар ва идораларнинг хўжалик объектларини қўриқлашни ташкил этиш ишларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4633-1835 сонли 1952 йил 29 октябрь қарори қабул қилинганидан сўнг, у асосда милиция органлари тизимида янги бўлинмалар – қўриқлаш бўлимлари қоровуллик хизмати сифатида ташкил топди. 1965–1968 йиллар мобайнида корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларни қўриқлашни ташкил қилишни яхшилашга қаратилган бир қанча норматив ҳужжатлар қабул қилинди<sup>3</sup>. Аммо республика-мизда узоқ йиллар мобайнида давом этган мустабид тузум “Қўриқлаш” хизмати фаолиятига ҳам таъсир этмай қолмади. Оқибатда “Қўриқлаш” хизмати маъмурий буйруқбозлик каби жамиятга зид иллатлар таъсирида “белгиланган объектлар”нигина қўриқлаш туфайли ўз хўжалик фаолиятини бир томонлама ривожлантирган. Бошқача айтганда, “”Қўриқлаш” хизматининг таъсир доираси фақат моддий бойликларгагина, шунда ҳам деярли фақат давлат мулкини қўриқлашга нисбатан татбиқ этилди”<sup>4</sup>.

Ушбу узоқ йиллар ичида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш учун республика-миз ўз мустақиллигини эълон қилган кундан бошлаб давлатимиз ички сиёсатининг асосий йўналишларидан бири – барча мулк шаклларини қўриқлаш шартномалари тузиш орқали ҳимоя қиладиган кўп қиррали бозор

---

<sup>1</sup> “Қўриқлаш” бирлашмасининг архив материалларидан. – Т., 2001.

<sup>2</sup> “Қўриқлаш” бирлашмасининг архив материалларидан. – Т., 2001.

<sup>3</sup> Қаранг: собиқ СССР Министрлар Советининг “Ташкилотлар, муассасалар ва корхоналарни қўриқлашни ташкил этишни яхшилаш тўғрисида”ги 76-30-сонли 1965 йил 8 февраль қарори; собиқ СССР Министрлар Советининг “Қўриқлаш бўлинмаларининг намунавий низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги 129-сонли 1966 йил 18 февраль қарори.

<sup>4</sup> Юсунов А. Инсон ҳар томонлама тўқ бўлгани сари ўзининг хавфсизлигини ўйлаб

иктисодиётини барпо этишга қаратиб, бу йўлда иқтисодий ислохотларни жорий этиш ўта муҳим ўрин тутди. Бунда “ўзини оқламаган маъмурий-буйруқбозлик бошқарув принципларидан, ўта марказлаштирилган тақсимлаш системасидан, шаклланган текисчилик ва боқимандалик психологиясидан қатъиян воз кечиш лозим”<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам, республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш йўлининг асосий принциплари ишлаб чиқилди, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос йўли танлаб олинди ва иқтисодиётни ривожлантиришда вужудга келаётган турли мулк шакллари муҳофаза қилишнинг асосий субъектларидан ҳисобланган “Қўриқлаш” бирлашмаси фаолиятида ҳам ислохотлар ўтказишга алоҳида эътибор берилди. Чунки “ислохотларнинг мақсади иқтисодий фаолиятга эркинлик беришдир. Шундай бир механизм ишга туширилиши керакки, бунда ҳар бир киши ислохотларнинг афзаллигини яққол сезсин. Уларнинг натижаларидан ҳақиқий манфаатдорлик пайдо бўлсин. Ислохотлар жараёни аниқ самара билан боғлиқ бўлиши зарур”<sup>2</sup>. Бинобарин, мустақиллигимизнинг илк йилларида давлатимизда иқтисодиётнинг айнан мулк шакллари қўриқлаш соҳаси катта аҳамиятга эга бўлиб, уни “Қўриқлаш” хизматининг фаолияти кўмагида амалга ошириш республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига боғлиқ муҳим натижалар бериши мумкин бўлди. Бу борада белгиланган ислохотлар нафақат “Қўриқлаш” бирлашмаси, балки Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек — мулкчилик шаклидан қатъи назар – корхона, ташкилот, хўжалик меҳнат жамоаларининг иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг масъулиятини оширишга қаратилиши лозим<sup>3</sup>.

Бу соҳада бевосита раҳбарликни амалга оширадиган мамлакат ҳукумати – Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Қўриқлаш” хизмати фаолиятини, ташкилотлар ва фуқароларнинг мулкларини қўриқлашни ривожлантиришга бағишланган кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу соҳадаги ислохотлар давомида мулк шакллари қўриқлаш борасида фаолият кўрсатувчи хўжалик субъекти бўлмиш “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқий ҳолати ўзгариб, ташкилотлар ва фуқароларнинг хонадонларини қўриқлашда мустақил равишда хўжалик юритувчи субъектга айлана бошлади. Қисқача

---

қолади // Халқ сўзи. – 2001. – 28 нояб.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари // Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т., 1996. – Т. 2. – Б. 5.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари // Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Т., 1996. – Т. 2. – Б. 26.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик // Каримов И. А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Т., 1996. – Т. 2. – Б. 298.

айтганда, “Кўриқлаш” бирлашмаси, бир томондан, ваколатли расмий давлат органи, яъни муассасадир; иккинчи томондан, – хўжалик юритувчи субъект, яъни юридик шахс. Шу маънода, “Кўриқлаш” бирлашмаси фаолиятининг қуйидаги бир қатор хусусиятларига эътибор бериш лозим:

– “Кўриқлаш” бирлашмасининг фаолияти ҳам давлат органи сифатидаги, ҳам тижоратчи юридик шахс, яъни унитар корхона сифатидаги ташкилотнинг фаолияти бўлиб ҳисобланади;

– Бирлашма фаолияти расмий фаолият бўлиб ҳисобланиши билан бир қаторда, махсус, яъни зарур бўлганда эҳтиёт чораси кўриш, курол қўллаш билан боғлиқ фаолиятдир.

“Кўриқлаш” хизматининг ташкилотлар ва фуқаролар хонадонларини кўриқлашда мустақил тарзда фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шароит, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлаган икки муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатда – 1992 йил 15 декабрдаги 450-Ф сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмалари томонидан объектларни кўриқлаш тўғрисидаги намунавий шартнома”да ва 1993 йил 1 мартдаги 110-сонли қарор билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги “Кўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низом”да яратилди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда республикада “Кўриқлаш” хизмати фаолиятини янада ривожлантириш учун алоҳида қоидалар белгиланди. Хусусан, Низомнинг 4-бандида “Кўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс эканлиги, 6-бандида мулк шакллари кўриқлашга оид шартномавий муносабатлар асосида ўз фаолиятини молиявий таъминлаши назарда тутилди ва айни вақтда “Кўриқлаш” бирлашмаси шартнома асосида мулкни кўриқлаш туфайли тушган пул маблағларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлди.

Шу билан бирга, кўриқлаш шартномаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йилнинг 29 августида “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун<sup>1</sup> қабул қилинди, қонунда хўжалик шартномаларини тузиш ва бажаришнинг ҳуқуқий асослари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқи ва мажбуриятлари кўрсатилган.

“Кўриқлаш” хизматининг шартномавий фаолиятини янада ривожлантириш учун ушбу қонун ва Вазирлар Маҳкамаси қарорининг аҳамияти жуда

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 170-м.

катта бўлди. Чунки юқорида номлари келтирилган қонун ҳамда қарорда белгиланган қоида ва чора-тадбирлар бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида фаолият юритаётган “Қўриқлаш” хизматининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тенг ҳуқуқларда фаолият кўрсатишига, шунингдек, унинг моддий-техникавий жиҳатдан мустаҳкамланишига ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлар яратди. Ушбу қонун ва махсус қарор қабул қилинишининг ижобий натижаларини қуйидаги маълумотлар ҳам кўрсатди: республикада 1999 йилнинг 1 апрелига қадар шартномалар асосида 17685 та объект ҳамда марказлашган қўриқлаш пуьлтлари орқали 23,5 мингдан ортиқ хонадон қўриқланмоқда; қўриқланаётган объектлардан майда ўғриликлар содир этгани учун ушланган шахслардан 25,1 миллион сўмликдан ортиқ моддий-товар бойликлари олинган бўлса<sup>1</sup>, 2001 йилнинг декабрь ойига қадар “Қўриқлаш” хизмати ходимлари қўриқланаётган объектларда майда ўғриликлар содир этган 22 мингдан ортиқ шахсни ушлаб, улардан 38 млн. сўмликдан ортиқ нархдаги моддий-товар бойликларни тортиб олиб, эгаларига қайтарганлар<sup>2</sup>.

Республикада Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ижро этиш борасидаги ҳаракатлар вилоятларда ҳам жадал тус олди. Биргина, Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бўлим ва бўлинмалари қўриқлашаётган объектлар сони 1999 йилнинг 2-ярим йиллигида — 1331 та, 2000 йилда — 1371 та, 2001 йилнинг август ойигача — 1329 тани; фуқароларнинг хонадонлари эса 1999 йилда — 845 та, 2000 йилда — 902 та, 2001 йилни август ойигача — 945 тани ташкил этган<sup>3</sup>.

Кўрсатилган ушбу мисоллардан “Қўриқлаш” хизмати республикадаги иқтисодий сиёсатнинг маъносини аниқ тушунганлигини ҳамда қўриқлаш шартномаларини ривожлантиришга ва уларнинг республикада иқтисодиётида тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратганини кўришимиз мумкин.

Айни вақтда, “Қўриқлаш” хизматининг фаолиятида учраётган муаммолардан бири “Қўриқлаш” хизматининг шартнома асосида кўрсатган хизматини қабул қилиб олган ташкилотларнинг ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширмаслигида намоён бўлади (масалан, биргина 1999 йилнинг ноябрь-декабрь ойлари ва 2000 йил бўйича қўриқлаш бўлинмаларининг ҳисоб

<sup>1</sup> Қаранг: Постда. – 1999. – 30 апр.

<sup>2</sup> Қаранг: Юсунов А. Инсон ҳар томонлама тўқ бўлгани сари ўзининг хавфсизлигини ўйлаб қолади // Халқ сўзи. – 2001. – 28 нояб.

<sup>3</sup> Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бошқармаси архив материаллари. – Фарғона, 2001.

рақамларига дебитор қарзларни ундириш борасида 180 млн. сўмдан ортиқ маблағ келиб тушди). Бу ҳолат “Қўриқлаш” хизматининг ходимларига ўз вақтида ойлик маош тўлашга тўсиқ бўлмоқда. Масалан, Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бошқармаси ва жавобгар Қува тумани “Шаҳристон” меъморий мажмуаси ўртасида 1999 йил 1 апрель куни тузилган 8-сонли қўриқлаш шартномасига биноан, даъвогар Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бошқармаси Қува тумани ал-Фарғоний кўчасида жойлашган “Шаҳристон” меъморий мажмуасини қўриқлашни, жавобгар тараф эса кўрсатилган хизматлар эвазига даъвогарнинг ҳисоб-варағига пул ўтказиб бериш мажбуриятини олган. Тарафлар ўртасида тузилган қўриқлаш шартномасига асосан, даъвогар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариб келган. Жавобгарнинг ҳисоб-китобларни ўз вақтида қилмаганлиги сабабли, 2000 йил 1 июнга келиб унинг қарзи 2 100 504 сўмни ташкил қилган<sup>1</sup>.

Фикримизча, бундай ҳолатнинг давом этиши “Қўриқлаш” хизматининг аҳволини қийинлаштиради, яъни “Қўриқлаш” хизмати янги техника сотиб олиши, ходимларга маош тўлаши ва бошқа ишларни амалга ошириши зарур, буларнинг ҳаммаси эса охир-оқибатда маблағга бориб тақалади ва уларнинг фаолиятини, хусусан, қўриқлаш бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни оғирлаштиради. Масалан, биргина 2000 йил бўйича “Қўриқлаш” бирлашмаси томонидан 54 млн. сўмлик газ-сув-электр ҳисоблагичлари, 18,0 млн. сўмлик автотранспорт ва унинг эҳтиёт қисмлари, 34,0 млн. сўмлик сигнализация воситалари харид қилинди ва жойлардаги қўриқлаш бўлинмаларига тақсимланди, шунингдек шахсий таркибни кийим-кечак билан таъминлашга 98,0 млн. сўм сарф қилинди. Масалан, Фарғона вилояти бўйича “Қўриқлаш” хизматига Бешариқ тумани Тўқимачилик ҳиссадорлик жамияти, Риштон тумани АТП-54, Марғилон шаҳар “Туроншойиси” ҳиссадорлик жамияти ва Сувоқава иншооти, Қиргули тумани “Сунъий чарм” заводи, Фарғона шаҳар ал-Фарғоний истироҳат боғи, Қўқон шаҳар “Улуғбек” ҳиссадорлик жамияти, Охунбобоев тумани Машина-трактор давлат акциядорлик жамиятлари ўз вақтида пул ўтказмай келмоқдалар<sup>2</sup>. Бу эса, ўз навбатида, қўриқлаш таннархининг бошқа объектлар учун ошиб кетишига олиб келади. Бошқача айтганда, “хизматнинг рентабеллик даражасини туширади”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бошқармаси архив материаллари. – Фарғона, 2001.

<sup>2</sup> Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бошқармаси архив материаллари. – Фарғона, 2001.

<sup>3</sup> Қаранг: Юсунов А. Қўриқлаш хизмати: кеча ва бугун //Постда. 2001. 20 сентябрь.

Юқорида келтирилган мисолларда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларининг талаблари бузилган, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 декабрдаги фармойиши билан тасдиқланган Намунавий шартноманинг 7-бандида объектларни қўриқлаш бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб амалга оширилмаган тақдирда, муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган пул суммасининг 5 % миқдорида пеня ундирилиши белгиланган. Фикримизча, бу фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик турининг қўлланилиши етарли эмас. “Қўриқлаш” хизмати ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майда қабул қилган “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1154-сонли фармоннинг<sup>1</sup> 2-бандида кўрсатилган қуйидаги қонидани Намунавий шартнома бандларига киритиш мумкин: “кўрсатилган хизматлар, ишлар бажарилганидан тўқсон<sup>2</sup> кун ўтганидан кейин ҳам ҳисоб-китобни амалга оширмаган корхона раҳбарларига ва бош ҳисобчиларига маъмурий, моддий жавобгарликдан бошлаб жиноий жавобгарликка қадар чоралар қўлланилсин” ва бунда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги 1998 йил 29 август қонунининг<sup>3</sup> 37-моддасига асосан, ҳисоб-китобни амалга оширмаган ташкилот раҳбарларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45, 48-моддаларига мувофиқ – фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, 176-1, 176-2, 212, 214-моддаларига мувофиқ – маъмурий жавобгарлик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207, 209-моддаларига мувофиқ – жиноий жавобгарлик чораларини қўллаш зарур, деб ҳам фикр юритиш мумкин. Аммо бу фикрга қарама-қарши фикр ҳам туғилиши табиий. Чунончи, биринчидан, бундай жавобгарликнинг белгиланиши амалдаги Фуқаролик кодексининг талабларига зид ҳисобланади. Негаки, Фуқаролик кодексининг нормаларига асосан, ҳисоб-китобни амалга оширмаган ташкилотларга нисбатан фақат моддий жавобгарлик қўлланилиши зарур. Иккинчидан, бу жавобгарликнинг белгиланиши охир-оқибатда ҳеч бир “буюртмачи” ташкилот “Қўриқлаш” хизмати

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. – 2000. – № 4. – Б. 17–19.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги 2340-сонли Фармони билан “олтмиш” сўзи “тўқсон” сўзи билан алмаштирилди (Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. – 2000. – № 4. – Б. 319).

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. № 9. – 170-м.



билан шартнома тузмасликларига ҳам олиб келиши мумкин. Шу маънода, мазкур жавобгарлик чораларини “эркинлаштириш ғояси билан уйғунлаштириш”<sup>1</sup> мақсадида, фикримизча, “Қўриқлаш” хизмати билан тузилган шартномага асосан, ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширмаган ташкилотларга нисбатан фақат фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаган маъкул. Шунингдек, ташкилот, корхона ва муассасалар “Қўриқлаш” хизмати талабларини бажариш муддати бошланган кундан эътиборан уч ой мобайнида уларни бажармаганда, Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик” тўғрисида”ги 1998 йил 28 август қонунига<sup>2</sup> биноан, яъни юқорида қайд қилинган ташкилотларга нисбатан уларнинг банк-ротлиги ҳақидаги масала ҳал қилиниши лозим. Зеро, “банкротлик масаласи ҳозирги кунда хўжалик субъектлари ўртасидаги шартномавий муносабатларни йўлга қўйиш, ўзаро тўлов интизомини кучайтириш, йиғилиб қолган кредиторлик ва дебиторлик қарзларини ундириш, натижада ишлаб чиқаришни”<sup>3</sup>, хизматлар кўрсатишни нормаллаштириш борасида катта аҳамият касб этади.

Республикамызда “Қўриқлаш” хизмати фаолиятининг ривожланишида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан бири қўриқлаш шартномалари асосида хизматлар кўрсатишда нарх паритети (тенглиги)нинг сақланмаётганидир. Оқибатда, шартнома асосида ўз хизматини кўрсатган “Қўриқлаш” хизмати ходимларига маош тўлашга, нархи юқори бўлган техника воситаларини харид қилишга маблағ етишмаслиги ҳолатлари рўй бермоқда. Шунинг учун ҳам бу муаммони ҳал қилиш учун давлат нарх паритетининг қатъий сақланишини таъминлаши (масалан, Намунавий шартнома бандларига зарур ўзгартишлар киритиш орқали ва ҳоказо) шарт. Бунда республикамызда нарх-наво ўзгарган пайтда, қўриқлаш шартномаларига ҳам тарафларнинг ўзаро келишуви асосида амалдаги нарх-навога тенглаштирилган ҳолда ўзгартишлар киритиш лозим, нарх паритети сақланмаган тақдирда давлат “Қўриқлаш” хизматига қўшимча ёрдам пули (субсидия) бериши зарур. Субсидиялар учун харажат давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланмоғи лозим. Негаки, биринчидан, “Қўриқлаш” хизматини давлат органи сифатида банкрот деб топиш мақсадга мувофиқ эмас; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 48-моддасининг 4-бандига асосан, “Қўриқлаш” бирлашмасининг банкротлиги “Қўриқлаш” бирлашмаси

<sup>1</sup> Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида // Халқ сўзи. – 2001. – 30 авг.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. № 9. – 168-м.

<sup>3</sup> Қаранг: Холбоев С. “Банкротлик тўғрисида”ги қонунни амалиётга татбиқ этиш хусусида айрим мулоҳазалар // Хўжалик ва ҳуқук. – 1999. – № 8. – Б. 30.

учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли давлат органи томонидан вужудга келтирилган бўлса, бирлашманинг мол-мулклари етарли бўлмаган тақдирда мазкур ваколатли давлат органлари зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

“Кўриқлаш” хизмати фаолиятида учраётган мазкур қийинчиликлардан ташқари, ҳал қилиниши зарур бўлган ташкилий муаммолар ҳам мавжуд.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари “Кўриқлаш” бирлашмаси фаолиятини ривожлантириш мақсадида ходимлардан юксак малака талаб қилади, шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги ўрта ва олий маълумотли ходимлар тайёрлайдиган ўқув юртларида “Кўриқлаш” хизмати учун мутахассислар тайёрлайдиган бўлимларни, вилоятлардаги “Кўриқлаш” бошқармаларида эса юқори малакали мутахассислар машғул олтиб борадиган қисқа муддатли курсларни ташкил этишнинг аҳамияти катта. Ана шундагина “Кўриқлаш” хизмати ходимлари бозор иқтисодиёти муносабатлари, кўриқлаш шартномалари, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳуқуқий масалаларга доир замонавий билим олган бўлур эди. Зеро, республика Президенти таъкидлаганидек, “одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади”<sup>1</sup>.

Фикримизча, бундан ташқари, республикада “Кўриқлаш” хизмати фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, “Кўриқлаш” бирлашмаси таркибида жойларда тузилган кўриқлаш шартномаларининг бажарилишини кузатадиган ва таҳлил қиладиган бўлим (юримдик хизмат) ёки кузатув (илмий маслаҳат) кенгашини ташкил этиш, қуйидагиларни унинг муҳим вазифалари қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир:

– амалдаги қонунлар ва “Кўриқлаш” бирлашмаси фаолиятини тартибга солиб турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тартибли ҳисобга олиш ва сақлашни ташкил қилган ҳолда уларнинг тўғри қўлланилишини таъминлаш чораларини кўриш;

– ислоҳотларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида таклифлар тайёрлашда фаол иштирок этиш;

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин // *Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т., 1999. – Т. 7. – Б. 245.

– “қўриқлаш” шартномаси лойиҳаларини тайёрлаш, уни тузиш ва ижросини назорат қилиш борасидаги ишларда қатнашиш;

– “Қўриқлаш” бирлашмасининг шартномавий фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш мақсадида тегишли ҳуқуқий чоратадбирларни кўриш. Шу ўринда “Қўриқлаш” бирлашмаси ИИВнинг бош бўғинларидан бири бўлиб ҳисобланади-ку?” деган саволнинг ҳам туғилиши табиий. Фикримизча, ИИВ фақатгина “Қўриқлаш” бирлашмасининг давлат органи сифатидаги фаолиятига бошқа вазирликлар, идоралар томонидан ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш бўйича тегишли ҳуқуқий чоратадбирларни кўриши (масалан, судда ва бошқа органларда “Қўриқлаш” бирлашмаси манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳоказо) мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқий ҳолати ўзгарди: у давлат тузилмасидан давлат-тижорат корхонасига айланди. “Қўриқлаш” хизмати ҳозирги даврда тўлиқ бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бир қаторда, юқорида кўриб чиқилган муаммоларни тезда ҳал қилиш, “Қўриқлаш” бирлашмасининг бозор иқтисодиёти шароитидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина жамиятимиз ва давлатимиз олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мумкин бўлади.

## **1.2. “Қўриқлаш” бирлашмасининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларни тубдан ўзгартиришда ҳуқуқий ислохотларни ўтказишнинг ҳам аҳамияти катта бўлди. Республикамизда 1990 йилдан бошлаб бозор муносабатларини ривожлантириш йўлида мулкчиликнинг турли хил шакллари асосланган корхона ва ташкилотларни, фуқароларнинг хонадонларини қўриқлашга қаратилган бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Шу билан бирга, “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш, фаолиятини ривожлантириш борасида жуда катта саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда “Қўриқлаш” бирлашмасининг турли шакллардаги мулкни қўриқлаш фаолиятини ривожлантиришга оид ҳуқуқий асослари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 март

қарори билан тасдиқланган “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низом ва 1992 йил 15 декабрь фармойиши билан тасдиқланган Намунавий шартномада ўз ифодасини топган эди. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши бозор иқтисодиёти муносабатларини жорий этиш, уни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришда ижобий натижалар берди.

Хусусан, “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомда “Қўриқлаш” бирлашмасининг турли мулк шаклларига асосланган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, чет эл фирмалари, қўшма корхоналар ва фуқароларнинг мулклари, моддий бойликларини жинойий тажовузлардан ҳимоя қилиши кафолатланган бўлса, Намунавий шартнома бандларида эса объектларни шартнома асосида қўриқлаш учун ҳуқуқий шароит яратилди. Шу билан бирга, “Қўриқлаш” бирлашмасининг қонунлар доирасида хизмат кўрсатиши ҳамда фойда ёки даромад олишга қаратилган иш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг<sup>1</sup> аҳамияти ҳам катта.

Хўжалик юритишга тааллуқли янги қабул қилинган қонунлар амал қилишининг муҳим жиҳати, нафақат мулк шаклларини қўриқлаш жараёнига, балки “Қўриқлаш” бирлашмаси билан фуқаролар ва ташкилотлар ўртасидаги муносабатларнинг бутун тизимини тубдан ўзгартириш, иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб ҳисобланишидадир.

Юқорида қайд қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар республикамизда “Қўриқлаш” бирлашмаси ҳуқуқий ҳолатининг вужудга келишига ва мустақамланишига шароит яратган бўлса, Ички ишлар вазирлигининг банк муассасаларини, фуқароларнинг хусусий мулклари ҳамда мулкчиликнинг турли шаклларидаги бошқа объектларни қўриқлаш тартибига оид буйруқлар ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар “Қўриқлаш” бирлашмасининг фаолияти учун қулай шароит яратиб берди. Чунончи, узоқ йиллар давомида турли хил мулкларни қўриқлашга доир мажбуриятларнинг деярли кўпчилиги режалаштириш ҳужжатлари асосида вужудга келар эди. Бошқача айтганда, “собиқ совет давлатининг марказлашган режалаштириш тизими ҳар қандай иқтисодий фаолиятни ёппасига назорат қилишга шароит яратди”<sup>2</sup>. Бозор муносабатлари эса мулк шаклларини қўриқлашга оид мажбуриятларнинг шартномага асосан

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2000. – № 5-6. – 140-м.

<sup>2</sup> Қаранг: *Ибратов Б.* Тадбиркорликнинг келиб чиқиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари // *Хўжалик ва ҳуқуқ.* – 2001. – № 8. – Б. 40.

вужудга келишини тақозо этади ва шу боис шартнома мажбуриятларининг вужудга келиши янги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси қоидаларига асосий юридик факт сифатида киритилди. Зеро, “шартнома унинг тарафларининг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигидан, муносабатларда иштирок қилиш учун ўз хоҳиш ва мақсадларини эркин равишда расмий ифода этишларидан дарак беради”<sup>1</sup>.

Янги Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши республикамизда нафақат “Қўриқлаш” бирлашмасининг, балки барча юридик шахсларнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Маълумки, мусулмон ҳуқуқида “юридик шахс” тушунчаси бўлмаган. Совет тузуми даврида эса социалистик қоидалар ҳамда янги устав ва низомларга риоя қилинган ҳолда вужудга келган юридик шахслар ўртасидаги мажбуриятларнинг юзага келиши, ўзгариши, бекор бўлиши тегишли давлат идораларида режалаштириш ҳужжатларининг қабул қилиниши, ўзгариши, муддатининг тугатилиши билан боғлиқ эди. Ўша даврларда, нафақат қўриқлаш шартномалари, балки деярли барча шартнома турлари режа асосида тузилмаган бўлса, “арбитраж” (ҳозир хўжалик суди дейилади) шартнома юзасидан вужудга келган низони кўришдан воз кечарди. Қисқача айтганда, “Қўриқлаш” хизмати фаолиятида юзага келадиган масалаларни маъмурий усуллар билан ҳал қилиш ўзининг салбий натижаларини кўрсатди. Янги Фуқаролик кодекси “Қўриқлаш” хизматининг шундай ҳолатлардан қутулишига, унинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақоми, мулк шакллари кўриқлашга доир шартномалар, мажбурият юзасидан вужудга келадиган жавобгарлик ва бошқа масалалар юзасидан ўрнатилган қоидаларни ўз ичига олади.

“Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг бўлинмалари фаолияти шартнома билан бевосита боғлиқ, яъни шартномасиз объектларни ҳам, фуқароларнинг хонадонларини ҳам, қисқаси ҳеч бир мулкни кўриқлаш мумкин эмас. “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқий ҳолати юқорида таъкидлаб ўтилганидек, “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомда мустаҳкамланган бўлиб, низомнинг 4-бандида “Қўриқлаш” бирлашмаси юридик шахс деб номланди, 14-бандида эса объектларни кўриқлашнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланди ва ушбу низомга асосланиб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хўжалик юрителигининг янги шакли сифатида фаолият кўрсата бошлади.

Бундан ташқари, “Қўриқлаш” бирлашмаси ҳуқуқий ҳолатининг мустаҳкамланишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1998 йил 29

---

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 480.

августда қабул қилган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун<sup>1</sup> катта аҳамиятга эга бўлиб, у хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Ушбу қонунга асосан, объектларни қўриқлаш бўйича Намунавий шартнома бандларига зарур қўшимча ва ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Хусусан, Намунавий шартномадаги “хўжалик органи” сўзини “буюртмачи” сўзи билан алмаштирган маъқул. Чунки, биринчидан, “буюртмачи” сўзи кенг маънода ишлатилиб, бунга ташкилот, муассаса, корхона ва бошқа мулк шакллари асосида вужудга келган фирмалар киради. Иккинчидан, Фуқаролик кодексининг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” бобида белгиланган қоидаларга асосан, қўриқлаш шартномасининг тарафларидан бирини ифодаловчи “хўжалик органи” сўзини ҳам “буюртмачи” сўзи билан алмаштириш лозим. Ана шу маънода, “Қўриқлаш” бирлашмасининг фуқаролик муомаласида, хусусан товар-пул муносабатларида иштирок этиши ҳақ эвазига хизмат кўрсатишдан иборат бўлиб, унинг молиявий манбаини шартнома асосида кўрсатган хизмати эвазига тўланадиган ҳақ (пул) ташкил этади.

Иқтисодий муносабатларда “Қўриқлаш” бирлашмасининг фаолият юритиш тартиби юқорида кўрсатилган қонунларда, низом ва буйруқларда ифодаланган. Ушбу ҳужжатлар “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг бўлинмалари фаолиятининг асосий йўналишларини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб беради. “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низом қабул қилингунга қадар унинг ҳуқуқий ҳолатини ҳимояловчи, эркин шартномавий фаолиятини тартибга солувчи ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида мустақил ривожланишни таъминловчи бошқа махсус қарор ёки низом бўлмади. Шунинг учун ҳам “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг бўлинмаларига мулк шакллари кўриқлашда эркин шартномавий муносабатларга киришишига ҳуқуқий кафолат йўқ эди. “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг аҳамияти шундаки, у юқорида кўрсатиб ўтилган бўшлиқнинг ўрнини тўлдириб, “Қўриқлаш” бирлашмасининг шартномавий муносабатларда тенг ҳуқуқий ҳолатда фаолият кўрсатишига ҳуқуқий шароит яратди.

Жумладан, “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низом ва янги Намунавий шартноманинг амалда бўлиши мулк шакллари кўриқлашга оид шартномавий муносабатларни такомиллаштиришда жуда катта аҳамиятга эга

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 170-м.

бўлди, хусусан, 2000 йил 1 март ҳолатига кўра “Қўриқлаш” бўлинмалари 17641 та (1999 йилда – 17552 та ёки + 0,5%) халқ хўжалиги объектини, фуқароларнинг 23659 та хонадонини (1999 йилда – 23490 та ёки + 0,7%) қўриқлаш билан боғлиқ ишларни амалга оширдилар<sup>1</sup>.

Албатта, юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, “Қўриқлаш” бирлашмаси фаолиятини ривожлантириш билан бир қаторда, уни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий асосларни ҳозирги замон талабларига мос тарзда такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” боби ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун нормаларини Намунавий шартнома бандларига киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Зеро, ҳозирги даврда “ўтказилаётган ислохотлар қонуний равишда янги ҳуқуқий шароитлар ва воқеликнинг юзага келишини тақозо этади”<sup>2</sup>. Бунинг учун қуйидагиларни таклиф этиш мумкин:

– “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низом бандларига “Қўриқлаш” бирлашмасининг жойлардаги тизимларига тузилган қўриқлаш шартномалари орқали тушган пул маблағларини мустақил тарзда тасарруф этиш ҳуқуқини киритиш лозим. Негаки, биринчидан, жойлардаги “Қўриқлаш” бўлимлари шартнома асосида тушган пул маблағларига қизиқади ва охир-оқибатда бу ҳолат ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларидан бири – “Қўриқлаш” бўлинмалари ўртасида соғлом рақобатнинг юзага келишига олиб келади. Иккинчидан, жойлардаги “Қўриқлаш” бўлимлари шартномавий мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда ўз мол-мулки билан судда ёки хўжалик судида жавобгар бўлиб қатнашади;

– Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” боби ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун талабларига мувофиқ, қўриқлаш шартномалари иштирокчилари “Қўриқлаш” хизматини “ижрочи” ва ташкилот, корхона, муассаса ва фуқароларни “буюртмачи” деб аташ ва бу қайдани “Намунавий шартнома” бандларига киритиш зарур.

Бундан ташқари, бозор муносабатлари шароитида фуқаролар ва юридик шахсларнинг мол-мулкларига нисбатан қўриқлаш хизматини кўрсатиш соҳасида турли давлат ва нодавлат тижорат тузилмаларининг фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, ушбу соҳада бирор субъектнинг мо-

<sup>1</sup> Қўриқлаш бирлашмасининг архив материалларидан. – Т., 2000.

<sup>2</sup> Қаранг: *Таджиханов У.* Ҳуқуқий ислохотлар: муаммолар ва истиқболлар // *Ҳуқуқ-Право-Law.* – 2000. – № 1. – Б. 19.

нопол мавқега эга бўлиши қонунга хилоф бўлур эди. Бироқ айти вақтда қўриқлаш хизмати ўзига хос жиҳатларга эга бўлган фаолиятдир. Бинобарин, бу жараёнда қўриқлаш объектига нисбатан турли хусусиятга эга бўлган тажовузлар содир бўлиши мумкин (Масалан, хорижий мамлакатларда пул ва қимматбаҳо бойликларни қўриқлаш соҳасида хизмат кўрсатувчи субъектларга нисбатан пухта ўйланган режа асосида қуролли ҳужумлар уюштириш кенг тарқалган).

Бундай қуролли тажовузларга “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг тегишли тайёргарликка эга бўлган, ташкилий жиҳатдан уюшган ва махсус воситалар, шу жумладан ўқотар қуроллар билан қуролланган ходимларигина қарши туриши ва уларни бартараф этиши мумкин.

Шу боисдан ҳам ИИВ тизимида унитар корхона мақомида қўриқлаш хизматини амалга оширувчи махсус муассасалар фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур муассасалар муҳим объектларни қўриқлаш борасида хизмат кўрсатувчи ўқотар қуроллар олиб юриш ва уларни қўллашга ҳақли бўлмаган бошқа нодавлат тижорат тузилмаларига нисбатан самаралироқ фаолият кўрсатиши табиий.

Бу ўринда шуни ҳам назардан қочирмаслик лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига асосан нодавлат тузилмалари ҳарбийлаштирилган ҳолда бўлиши ва 121-моддасига биноан, ҳуқуқбузарликларни очиш бўйича оператив қидирув ҳаракатларини амалга ошириши мумкин эмас. Бинобарин, ИИВ тизимидаги “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари муҳим объектларни қўриқлашда ўзининг муқобилига эга эмас.

Шу боис, фикримизча, республикамизда турли мулк шакллариининг вужудга келаётганлиги сабабли, хусусий қўриқлаш ташкилотларини таъсис этиш ҳамда шартнома асосида қуйидаги функцияларни амалга ошириш ва қонун ҳужжатларида белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш;
- мулкдорларнинг мол-мулкини қўриқлаш;
- қўриқлаш ва ёнғиндан сақлаш сигнализация воситаларини лойиҳалаштириш ва таъмирлаш;
- миждозларга ғайриқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар ва тавсиялар бериш;
- жамоат тадбирларини ўтказиш жойларида тартибни таъминлаш ва ҳоказо.



Хусусий қўриқлаш ташкилотларининг фаолияти тегишли ички ишлар органлари берадиган рухсатнома (лицензия) асосида амалга оширилиши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати тасдиқлаган ва қўриқланиши лозим бўлган объектлар рўйхатида кўрсатилмаган объектларгагина татбиқ этилиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, республикамызда мавжуд ижтимоий-иқтисодий ҳолат хусусий қўриқлаш ташкилотларини тузишни тақозо этганлиги боис, мазкур қўриқлаш ташкилотлари ва ИИВ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида, парламентимиз – Олий Мажлис “Қўриқлаш тўғрисида” махсус қонунни қабул қилишини замоннинг ўзи талаб этмоқда.

## II боб. ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ “ҚЎРИҚЛАШ” БИРЛАШМАСИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

### 2.1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмаси – фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти

“Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг юридик шахс сифатидаги фаолиятини таҳлил қилиш нафақат ушбу идора фаолиятининг моддий ва хўжалик асосларини ўрганиш учун, балки фуқароларнинг мулклари ҳамда ташкилот, муассаса ва корхоналарга тегишли объектларни қўриқлашда фуқаровий-ҳуқуқий нормаларнинг аҳамиятини билиш учун ҳам зарур. Чунки фуқаролик ҳуқуқининг нормалари “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқий ҳолатини, фуқаровий муносабатларда иштирок этиши учун зарур бўлган мулквий мустақиллик даражасини, мулквий ва шахсий номулкий муносабатларнинг субъекти сифатида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради ва мустаҳкамлайди. Зеро, “Қўриқлаш” бирлашмасининг хўжалик юритиш жараёнига фуқаролик ҳуқуқи нормаларини татбиқ этиш механизмини ишга тушириш, уларнинг фаолияти учун зарур моддий шароитларни яратиш юридик фан олдида турган энг долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 1 мартда тасдиқланган “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низом, “Қўриқлаш” бирлашмасини шартнома асосида эркин фаолият кўрсатувчи мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида (4, 6-бандлар) белгилаб қўйилди. Шунинг учун ҳам биз “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқ субъекти, жумладан фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишини тадқиқ этишдан аввал, умуман ҳуқуқ субъектлиги ва шу жумладан, фуқаролик ҳуқуқининг субъектлиги нима, деган масалага тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир. Чунки бу масала бўйича ҳуқуқшунос олимлар орасида маълум мунозаралар бўлиб, умумий ҳуқуқ назариясига доир адабиётда ва “ҳуқуқ субъектлиги” тушунчасини тадқиқ этишда турли фикрлар мавжуд. Масалан, шундай олимларнинг бир гуруҳи “ҳуқуқ субъектлиги” (правосубъектность) тушунчасини “ҳуқуқий лаёқат” ва “муомала лаёқати” категориялари билан бирлаштириб, “шахснинг ҳуқуқ субъектлиги унинг таркибий элементлари – “ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатидан иборат”<sup>1</sup>, деб фикр бил-

<sup>1</sup> Қаранг: *Красавчиков О. А.* Возмещение вреда, причиненного источником повышенной опасности. – М., 1966. – С. 69; *Ерошенко А.* Проблемы гражданского состояния в развитии социалистическом обществе. – Краснодар, 1980.

дирсалар, С. С. Алексеев, ҳуқуқий лаёқатга ҳуқуқ субъектлиги маъносида қараб, “ҳуқуқ субъекти” (субъект права) ва “ҳуқуқ субъектлиги” (правосубъектность) категориялари бир-бирига мос келади, чунки ҳуқуқ субъектлиги ўзининг табиати бўйича шахсдан ажралмайдиган хусусият<sup>1</sup>, деб юқорида номи келтирилган О. А. Красавчиковнинг фикрига қўшилади. Ҳуқуқ лаёқатининг ўзи ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ҳуқуқшунос М. А. Акаеванинг фикрича, “ҳуқуқий лаёқатлилик – бу ҳуқуқ ва бурчларга субъект бўлиш ҳуқуқидир”<sup>2</sup>.

Е. А. Флейшицнинг фикрича, ҳуқуқ субъектлиги ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи шахсни тан олиш демакдир, лекин бунинг учун барча ҳуқуқ соҳаларида ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиш зарур эмас, ҳуқуқий лаёқат фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар учунгина керак. Фуқаролик билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга шахслар, бу мажбуриятларни уларга эга бўлишни хоҳлагани учун эмас, балки қонуний ёки бошқа асослар туфайли олади, яъни ҳуқуқ субъектлигини ҳуқуқий лаёқат билан боғлаш шарт эмас<sup>3</sup>.

Т. Ш. Қаллибековнинг фикрича, шахс ҳуқуқий лаёқат билан фуқаролик ҳуқуқида субъект бўлиши мумкин, лекин айрим бошқа ҳуқуқ соҳалари (меҳнат, жиноят, оила ва ҳ.к.)да муомала лаёқатига эга бўлмасдан субъект бўлмаслик ҳоллари учрайди. Шунинг учун ҳам, “ҳуқуқ субъектлиги” тушунчаси ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатидан иборат бўлиши зарур<sup>4</sup>. Албатта, бу фикрга қўшилган ҳолда ҳамда фуқаролик қонунчилигида белгиланганидек, ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-моддасига мувофиқ барча юридик шахслар умумий ёки махсус ҳуқуқий лаёқатга эгадирлар. Бу ҳақда В. В. Лаптев қуйидаги тўғри фикрни таклиф қилди: “Махсус ҳуқуқий лаёқат юридик шахснинг фаолият предметига мос келувчи ҳуқуқларни ва ҳаракатларни амалга оширишга имкон яратади”<sup>5</sup>. Шу боис, фикримизча, “Қўриқлаш” бирлашмасининг махсус ҳуқуқий лаёқати деганда,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Алексеев С. С. Общая теория права. Т. 2. – М., 1982. – С. 139.

<sup>2</sup> Қаранг: Акаева М. А. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилишнинг ҳуқуқий муаммолари: юрид. фанлар номзоди ... дис. автореферати. – Т., 2000. – Б. 17.

<sup>3</sup> Қаранг: Флейшиц Е. А. Соотношение правосубъектности и субъективных прав // Вопросы общей теории советского права. – М., 1960. – С. 28.

<sup>4</sup> Қаранг: Қаллибеков Т. Ш. Дехқон хўжалигининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми: юрид. фанлар номзоди ... дис. – Т., 1997. – Б. 67.

<sup>5</sup> Қаранг: Лаптев В. В. Предпринимательское право: понятие и субъекты. – М., 1997. – С. 45.

унинг қонунда бевосита кўрсатилган ва ўз низомида белгиланган мақсадларга мос келадиган юридик ҳаракатларни амалга оширишини тушуниш керак.

Юридик шахсларнинг махсус ҳуқуқий лаёқатга риоя қилмасдан тузган битимлари ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (ФКнинг 125-моддаси).

Цивилист олим Ҳ. Р. Раҳмонқуловнинг фикрича, “махсус ҳуқуқ ёки умумий ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишларидан қатъи назар, юридик шахсларнинг ҳуқуқларини қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари чеклашга йўл қўйилмайди”<sup>1</sup>. Шу боис, “Қўриқлаш” бирлашмаси махсус ҳуқуқий лаёқат институтининг асослари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини белгилайдиган бошқа қонунлар, шунингдек, “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомда назарда тутилади. Аммо баъзи ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, “ҳуқуқий лаёқат мазмунига фуқаровий-ҳуқуқий шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни ҳам киритиш мумкин”<sup>2</sup>. Ушбу фикр Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 41-моддасига зид келади. Чунки мажбурият ҳуқуқий лаёқатнинг маҳсули бўлиши мумкин.

Россиялик ҳуқуқшунос олим В. А. Рахмилович юридик шахсларнинг махсус ҳуқуқий лаёқати асосларини уч гуруҳга ажратади:

- а) қонун;
- б) бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар;
- в) мақсад ва фаолият предмети кўрсатилган юридик шахсларнинг устави, низоми, таъсис ҳужжатлари<sup>3</sup>.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, “Қўриқлаш” бирлашмасининг фуқаровий-ҳуқуқий лаёқати унинг давлат бошқарув идораси сифатида эга бўлган ваколатлари таркибига кирмайди ва унинг фуқаровий-ҳуқуқий лаёқатининг нафақат мазмуни, балки махсус хусусияти ҳам хўжалик вазифаларини бажариш орқали аниқланади. Бошқча айтганда, “Қўриқлаш” бирлашмасининг хўжалик фаолияти қўриқлаш, пудрат, олди-сотди ва бошқа тегишли шартномаларни тузиш орқали ифодаланади.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 163.

<sup>2</sup> Қаранг: Грибанов В. П., Ем В. С. Гражданско-правовые обязанности: содержание и факторы и его определяющие // Вестник Московского университета. Сер. 11. Право. – М., 1984. – № 6. – С. 3–10.

<sup>3</sup> Қаранг: Рахмилович В. А. Основные положения о юридических лицах в Гражданском кодексе РФ. Комментарий // Адвокат. – 1997. – № 11. – С. 6; Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации части первой / Отв. ред. Садиков О. Н. – М., 1997. – С. 120.

Аммо, “Қўриқлаш” бирлашмасининг умумий ҳуқуқ субъектлиги соҳалараро (маъмурий, молиявий, фуқаровий ва ҳ.к.) ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олади. Айтиш жоизки, улар ўртасида марказий ўринни маъмурий ҳуқуқ субъектлиги эгаллайди, чунки маъмурий ҳуқуқ субъектлиги “Қўриқлаш” бирлашмаси бошқарув идораси сифатида қатнашаётган муносабатлар доирасида бош бўғин сифатида амалга ошади.

Маълумки, “Қўриқлаш” бирлашмаси давлат бошқарув идорасидир, шунинг учун унинг ҳуқуқ субъектчилигининг асосий шакли — ваколатлари. Айни вақтда, “ваколат” тушунчаси, унинг тизими ҳақидаги масалалар ҳам мунозарали хусусиятга эгадир. Ваколат – ҳуқуқ ва мажбуриятлар, функциялар, вазифаларнинг ҳуқуқ нормалари билан мустаҳкамланган мажмуи. “Қўриқлаш” бирлашмасининг ваколатларига унинг давлат ва ҳокимиятга оид ҳуқуқ ва мажбуриятларигина киради. Шунинг учун “Қўриқлаш” бирлашмасининг бошқарув идораси сифатидаги ваколатларига унинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқлари ҳам киради. Лекин “Қўриқлаш” бирлашмаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда унинг бошқарув идораси сифатидаги ташкилий тузилмаси (бирлашма аппарати ҳамда унга бўйсунувчи бошқарма ва бўлимлар) юридик шахс сифатидаги ташкилий тузилмасига тенглаштирилмаган. Ушбу масалага ойдинлик киритиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисида”ги низомда унинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида норма қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир, чунки юридик шахс сифатида “Қўриқлаш” бирлашмасининг фуқаролик муомаласида ўз номидан иштирок этиши бошқарув фаолиятдан фарқ қилади.

Юридик адабиётда “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқий лаёқатига бир хил баҳо берилмаган. Лекин амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг юридик шахс ҳуқуқларини амалга оширишига ишонч ҳосил қиламиз.

“Қўриқлаш” бирлашмасининг фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатидаги ваколоти юридик шахс шакли орқали намоён бўлади. “Қўриқлаш” бирлашмаси, албатта, юридик шахс ҳисобланади, ҳуқуқ субъектликка эга. “Қўриқлаш” бирлашмасининг фуқаролик ҳуқуқ субъектчилигининг мазмунини фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат ва фуқаролик муомала лаёқатининг мажмуи ташкил этади. И. Б. Зокировнинг фикрича, “юридик шахс ўз фаолиятида ўз таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ фуқаролик

хукукий лаёқатга эга бўлади”<sup>1</sup>.

“Қўриқлаш” бирлашмасининг субъект сифатида хукукий муносабатларда иштирок этиши Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий ҳужжатларида ўз ифодасини топди. “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 4, 6-бандларида юридик шахс хукуқига эга бўлган “Қўриқлаш” бирлашмаси қўриқлаш шартномаларидан келиб тушадиган маблағлар эвазига ўзининг фаолиятини мустақил тарзда таъминлайди, деб айтилган, яъни “Қўриқлаш” бирлашмаси хуқуқ субъекти сифатида ташкил топишда ва фаолиятини амалга оширишда ўзига хос жиҳатларга эгадир. Биринчидан, “Қўриқлаш” бирлашмаси мулк хуқуқининг субъекти сифатида мулк шакллари шартнома асосида қўриқлаш натижасида келиб тушадиган пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф қилади ва унинг молиявий сметаси шу хусусияти билан Ички ишлар вазирлиги тизимидаги ва давлат бюджетида турувчи бошқа ташкилотларнинг сметаларидан фарқ қилади.

Иккинчидан, “Қўриқлаш” бирлашмаси ўз фаолияти натижаларига кўра иқтисодий мустақилликга эга, яъни ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва фуқаролар билан тузилган қўриқлаш шартномалари юзасидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ўз мол-мулки билан жавоб беради ва унинг мустақил мулк жавобгарлиги хусусиятлари ўзининг бюджет воситаларига бириктирилган молиявий-сметали принципга асосланади.

Юқорида кўрсатилган асосий жиҳатлар “Қўриқлаш” бирлашмаси фуқаролик хуқуқининг субъекти сифатида фуқаровий-хукукий муносабатларда иштирок этишини таъминлайди ва фуқаролик хуқуқининг бошқа субъектлари билан тенг хуқуқларда фаолият кўрсатиши учун хукукий манба бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, “Қўриқлаш” бирлашмасининг низомда мустаҳкамланган вазифалари бирлашма фуқаровий-хукукий лаёқатининг хусусиятларини аниқ очиб бермайди, балки “Қўриқлаш” бирлашмаси маъмурий ва жиноят-процессуал фаолиятининг мазмунини, хусусиятини ифодалаб беради, чунки “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги вазифалари унинг хўжалик вазифалари ҳисобланади. Айни пайтда, ушбу вазифалар “Қўриқлаш” бирлашмасининг фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлашга қаратилган ва айнан шу оператив-хўжалик вазифалари “Қўриқлаш” бирлашмаси фуқаровий-хукукий лаёқатининг мазмунини, махсус хусусиятини бел-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик хуқуқи. Умумий қисм. – Т., 1996. – Б. 54.

гилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, банкротлик, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “Қўриқлаш” бирлашмаси ҳуқуқий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида иштирок этиши учун ҳуқуқий шароитлар яратилди. Хусусан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 май қонунининг 3-моддасида: “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият”, — деб белгиланган бўлса, 2-моддасининг 2-қисмида: “Нотижоратчи ташкилотларга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг ўз хусусиятларига кўра тадбиркорликдан иборат бўлган қисмига татбиқ этилади”<sup>1</sup>, — деб кўрсатилган. Ҳуқуқшунос олим Ҳ. Р. Раҳмонқуловнинг фикрича, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар асосан тижоратчи ташкилотлардан иборатдир<sup>2</sup>. “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, “Қўриқлаш” бирлашмаси ҳам юридик шахс сифатида ўзининг фаолияти жиҳатидан юқорида қайд этилган моддаларнинг қоидаларига жавоб беради. Низомнинг 6-бандида тузилган қўриқлаш шартномалари юзасидан келиб тушадиган пул маблағлари эвазига бирлашма ўзининг фаолиятини амалга ошириши белгиланган бўлса, 9-бандида қўриқлаш бўлинмаларининг мулкдорлар билан ўзаро ҳамкорликлари ва томонларнинг жавобгарликлари ўрнатилган тартибда тасдиқланган “Намунавий шартнома” асосида тузилган объектларни қўриқлаш шартномалари бўйича амалга оширилади, деб белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг фаолиятини “тадбиркорлик фаолияти” деб аташ ҳуқуқшунос олимлар ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, россиялик ҳуқуқшунос И. В. Титовнинг фикрича, қўриқлаш бўлинмаларининг фаолияти тадбиркорликдан иборат эмас. Чунки улар ўзларининг асосий фаолият йўналишларини ва қўриқланиши лозим бўлган объектларни танлашда, меҳнатга ҳақ тўлашда мустақил эмасдирлар<sup>3</sup>. Аммо, “Қўриқлаш” бирлашма-

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2000. – № 5-6. – 140-м.

<sup>2</sup> Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 161.

<sup>3</sup> Қаранг: Титов Е.В. Экономическая деятельность органов внутренних дел, приносящая

си тўғрисидаги низомнинг 6-бандига асосан, “Қўриқлаш” бирлашмаси ўзи учун объектларни қўриқлашда зарур асосий воситаларни тузилган қўриқлаш шартномалари асосида тушган пул маблағлари эвазига сотиб олишга ҳақлидирлар. “Қўриқлаш” бирлашмасининг бундай молиявий муносабатларда иштирок этиши унинг ҳуқуқ субъектлигининг яна бир исботидир. Шунинг таъкидлаш лозимки, “Қўриқлаш” бирлашмаси ўз фаолиятини моддий таъминлашда, авваламбор, товар-пул муносабатлари тизимига асосланади ва шу билан бирга, “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳисоб-китоб, молиявий-ҳуқуқий муносабатларининг мустақил субъекти сифатида пулли операцияларни юритиш ва пул маблағларини эркин тасарруф этиш ҳуқуқига эгаллиги юридик адабиётда ҳам кўрсатилган<sup>1</sup>.

Юқоридаги таҳлил ва мулоҳазалардан, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 70-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, “Қўриқлаш” бирлашмасининг фаолияти давлат-тижоратчи ташкилотларга хос бўлган белгилар билан уйғунлашганлиги боис, уни фуқаролик ҳуқуқининг субъекти тижоратчи юридик шахс – унитар корхоналар жумласига киритиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, “Қўриқлаш” бирлашмасига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс – унитар корхона эканлигидан дарак беради. Шундай қилиб, “Қўриқлаш” бирлашмаси – қўриқланаётган объектларни ҳуқуққа хилоф тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида, давлат ҳокимиятининг ваколатли органи ташкил этадиган ҳамда унитар корхона мақомига эга бўладиган тижоратчи ташкилотдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида”ги 38-сонли 1994 йил 26 январь қарорига<sup>2</sup> асосан, ички ишлар идоралари ходимлари, шу жумладан “Қўриқлаш” хизмати ходимларининг ҳаёти, соғлиғи, меҳнат қобилияти мажбурий суғурта қилинади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги 2002 йил 5 апрель қонунининг<sup>3</sup> 3-моддасига мувофиқ, “Қўриқлаш” бирлаш-

---

доходы. – М., 2000. – С. 15.

<sup>1</sup> Қаранг: Чантурия Э. Х. Договор об охране квартир и других помещений с личным имуществом граждан вневедомственной охраной органов внутренних дел: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1989. – С. 13.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1994. – № 1. – 6-м.

<sup>3</sup> Қаранг: Халқ сўзи. – 2002. – 28 май.



маси юридик шахс сифатида жавобгарлик мажбуриятларини суғурта қилиши лозим ва бу қондани “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомга алоҳида банд сифатида киритиш зарур, яъни шартнома асосида қўриқланаётган объектларнинг шикастланиш хавфини, чунончи, табиий офат, фавқулодда ҳодисалар натижасида қўриқланаётган объектга зарар етказиш хавфини мулкӣ суғурта қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Фикримизча, “Қўриқлаш” хизмати фақат суғурта қилинган мол-мулкларга нисбатан қўриқлаш шартномаларини тузиш ва бу қондани Намунавий шартнома бандларига киритиш унинг шартномавий фаолиятини бирмунча яхшилаган бўлур эди.

“Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқ субъектлиги, жумладан фуқаролик ҳуқуқининг субъекти масаласида айтилган фикрларни умумлаштириб, шундай хулоса қилиш мумкин: *фуқаролик-ҳуқуқий муносабат* деб шахслар ўртасида бўладиган ва фуқаролик ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга айтилади<sup>1</sup>.

Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар ушбу муносабатларда иштирок этувчи шахсларнинг иродаси билан вужудга келиб, бунда шахслар бири-бирига нисбатан тенг ҳуқуқларда фаолият кўрсатадилар. “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш жараёни ҳам фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларга хос бўлган хусусиятларга эга.

“Қўриқлаш” бирлашмаси ва буюртмачилар ўртасида юзага келадиган фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар объектларни қўриқлашга қаратилган фуқаровий-ҳуқуқий мажбуриятлардан келиб чиқадиган ҳаракатлардан иборат бўлади. Фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлар эса фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари бўлган “Қўриқлаш” бирлашмаси ҳамда “буюртмачи” идоралар ва фуқаролар фаолиятида муҳим ўрин тутуди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 234-моддасининг 1-бандига асосан, мажбурият – фуқаровий-ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатларни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолларда, тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари (ижрочи – “Қўриқлаш” бирлашмаси, “буюртмачи” – ташкилот ва фуқаролар) ўртасида юзага келади-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т., 1996. – Б. 26.

ган фуқаролик муносабатлари нафақат мулкӣ хусусиятга эга бўлган мажбуриятлар, балки муайян мулкни қўриқлаш бўйича тузиладиган ҳар қандай фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар – мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи Бирлашмага ўтиши ёки мулкнинг ўзи топширилишидан қатъи назар – ўз-ўзидан фуқаролик муомаласини ташкил этадиган муносабатлар доирасини қамраб олади. Шу билан бирга, “муомала” тушунчаси фақатгина мулк ҳуқуқининг ўтиши бўйича битимлар билан чекланмайди, балки унинг таркибига бошқа фуқаровий-ҳуқуқий битимлар ҳам киради”.

“Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 4–6, 21-бандларига биноан, “Қўриқлаш” бирлашмаси юридик шахс сифатида ўз хизмат фаолиятида қўриқлаш ва бошқа шартномаларни тузишга ҳақлидир. “Қўриқлаш” бирлашмасининг бундай ҳуқуқларга эгаллиги унинг фуқаролик ҳуқуқий лаёқатга эгаллигидан дарак берса, номининг ўзи шартномалар тузиш мажбуриятларига эга бўлишини билдириб, унинг фуқаролик муомала лаёқатига эгаллигини тасдиқлайди, яъни шартномаларнинг тузилиши фуқаролик ҳуқуқи ва бурчларини вужудга келтиради (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 8-моддасининг 1-қисми).

Хулоса қилиб айтганда, “Қўриқлаш” бирлашмаси давлат бошқарув органи сифатида ташкил этилади. У ўз фаолиятини тузилган қўриқлаш шартномалари асосида келиб тушадиган пул маблағлари эвазига амалга оширади. “Қўриқлаш” бирлашмаси фуқаролик ҳуқуқининг субъекти – юридик шахс мақомига эга бўлиб, тадбиркорлик фаолиятининг субъекти сифатида иқтисодий муносабатларда иштирок этади. Шу боис бу ҳолатни “Қўриқлаш” бирлашмаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга аниқлик киритиш ёки парламентимиз – Олий Мажлисда “Қўриқлаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш орқали ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш лозим. Бунинг учун:

1) “Қўриқлаш” бирлашмаси юридик шахс сифатида махсус ҳуқуқий лаёқатга эга ва шунинг учун “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомда ёхуд Олий Мажлис қабул қилиши лозим бўлган “Қўриқлаш тўғрисида”ги қонунда бирлашманинг юридик шахс сифатидаги ва давлат бошқарув органи сифатидаги ҳуқуқий ҳолатини алоҳида белгилаш лозим;

2) “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги жавобгарлик мажбуриятларини суғурта қилиш ва бу қоида “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомда белгилаб қўйиш керак;

3) “Қўриқлаш” хизмати фақат суғурта қилинган мол-мулкларга нисбатан қўриқлаш шартномаларини тузиши ва бу қоида ҳам Намунавий шартнома

бандларига киритилиши зарур.

## 2.2. “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатида ташкил топиши ва ҳуқуқий ҳолати

Фуқаролик ҳуқуқида “юридик шахс” институти корхона, ташкилот ва муассасаларнинг хўжалик (маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, хизматлар кўрсатиш каби) фаолиятларини амалга ошириш жараёнида унинг оператив мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уларни фуқаровий-ҳуқуқий тартибда расмийлаштириш мақсадида қўлланилади.

Юридик адабиётда “юридик шахс” тушунчасининг вужудга келиши тадқиқ этилган бўлиб, унинг илдизи Қадимги Рим ҳуқуқига бориб тақалиши, лекин у даврларда кулдорлик жамияти ҳукмрон бўлганлиги, ишлаб чиқаришнинг фақат оддий (натурал) шакли ривожланганлиги туфайли “юридик шахс” категорияси Рим ҳуқуқида тўлиқ ёритилмаганлиги айтилади. Македониялик ҳуқуқшунос олимлар Ива Пухан ва Мирьяна Поленак–Акимовскаяларнинг фикрича, Рим давлати нафақат юридик шахснинг оммавий ҳуқуқдаги маъмурий функциясига, балки хусусий ҳуқуқдаги юридик шахснинг аниқ ифодаланган функцияларига ҳам эга бўлган, яъни ўша даврда Рим давлати умумдавлат эҳтиёжларини қондириш мақсадида мулкка (*res publicae*) эга бўлиши билан бирга, олди-сотди, ерни тақсимлаш ва бошқа йўллар билан хусусий муносабатларда ҳам иштирок этган.

Шу билан бирга, Қадимги Рим ҳуқуқида асосан, кейинчалик Рим давлатидан ташқари, аниқ белгиланган вазифаларга эга бўлган алоҳида давлат муассасалари ҳам юридик шахс сифатида тан олинган. Бундай мустақил ташкилотларга ибодатхоналар, давлат хизматчилари ҳайъати кабилар кирган. Юқорида кўрсатилган барча ҳолларда Қадимги Рим ҳуқуқи оммавий ҳуқуқий лаёқатдан хусусий ҳуқуқий лаёқатни ажратмаган<sup>1</sup>.

“Юридик шахс” тўлақонли юридик категория сифатида XIX аср бошларида француз ҳуқуқшуносларининг асарларида ишлаб чиқилган. Ўша даврда қабул қилинган Франция савдо кодексида савдо ширкатлари юридик шахслар деб ҳисоблаган бўлса, Швейцариянинг 1907 йилда қабул қилинган Фуқаролик қонунлари тўпламининг 52-моддасига асосан, юридик шахс корпоратив тузумга эга бўлган ва бирорта мақсад учун таъсис этилган фаолият юритувчи шахслар ташкилоти ҳисобланган. Ёки бунга қарама-қарши бўлган

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Ива Пухан, Мирьяна Поленак–Акимовская*. Римское право. – М., 1999. – С. 92.

фикция назариясига кўра, Чили давлатининг 1855 йилдаги Фуқаролик кодексига асосан, юридик шахслар деганда ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган муносабатларда иштирок этадиган, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини лаёқатли амалга ошира оладиган сохта шахслар тушуниланган<sup>1</sup>.

Мусулмон ҳуқуқида эса “юридик шахс” тушунчаси бўлмаган, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида асосан фуқаролар тан олинган<sup>2</sup>.

Юқорида кўрсатилган тушунчаларни ўрганиш борасида Т. Ш. Қаллибековнинг қуйидаги фикрига қўшилса бўлади. Унинг фикрича, юридик шахснинг ижтимоий мавжудлигини рад этувчи фикция назариясига қўшилсак, ҳақиқий мавжуд давлат ва қонунни ҳам, сохта ёки ёлғондакам мавжудлик деб ҳисоблашга тўғри келади, яъни давлатни юридик шахс билан таққослаб кўрсак, уларнинг жисмоний шахс эмаслиги, лекин инсоният жамиятида муайян манфаатлар учун хизмат қилиши маълум бўлади. “Шунинг учун ҳам, давлат ва қонун инсоният жамиятининг ривожланиши борасида вужудга келган ижтимоий субстрат экан, юридик шахс ҳам, давлатчилик ва қонунчиликнинг ривожланиши борасида вужудга келган ижтимоий воқелиқдир”<sup>3</sup>.

Ҳозирги ривожланган давлатларнинг фуқаролик қонунларидаги юридик шахсларга оид тушунчаларни таққослаб кўрадиган бўлсак, АҚШ ва Англия давлатларида барча юридик шахслар корпорация (corporation) шаклида ифодаланади, хусусан Англияда муассаса шаклидаги юридик шахслар йўқ, уларнинг вазифаларини корпорациялар бажарадилар. Корпорациялар, ўз навбатида, — иккига: якка (corporation sole) ва шахслар бирлашмаси (corporation aggregate) шаклидаги корпорацияларга бўлинади.

Инглиз олимлари Салмонд ва Вильямсларнинг фикрича, “якка корпорация деб ягона бўлинмас юридик шахсни ифодалайдиган, бир-бири билан кетма-кет қандайдир оммавий мансабни эгаллайдиган шахсга айтилади”<sup>4</sup>.

АҚШ давлатида корпорацияларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш мустақил штатлар ваколатига кириши билан бирга, қонунчилик ҳам амалдаги фарқларга эга (масалан, Нью-Йорк штатида 1963 йилда қабул қилинган “Тадбиркорлик корпорациялари тўғрисида”ги қонун ва ҳоказо).

---

<sup>1</sup> Қаранг: Советское и иностранное гражданское право (проблемы взаимодействия и развития) / Под ред. В. П. Мозолина. – М., 1989. – С. 178–179.

<sup>2</sup> Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 23.

<sup>3</sup> Қаранг: Қаллибеков Т. Ш. Дехқон хўжалигининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми: юрид. фанлар номзоди ... дис. – Т., 1997. – Б. 86.

<sup>4</sup> Қаранг: Салмонд и Вильямс. Основы договорного права. – М., 1955. – С. 386.

Германия, Япония, Швейцария, Англия, АҚШ, Франция ва бошқа бир қатор давлатларнинг фуқаролик қонунларидан фарқли ўларок, Ўзбекистон ва Россия давлатларининг фуқаролик қонунларида юридик шахслар оммавий ва хусусий юридик шахсларга ажратилмаса-да, амалиётда бундай тақсимланиш мавжуд.

Бизнинг юридик адабиётда ўз ифодасини топган “юридик шахс” тушунчаси XX асрнинг 70–90-йилларга келиб, цивилист олимлар С. Н. Братусь, О. А. Красавчиков, А. Собчак, С. К. Толстой, Ҳ. Р. Раҳмонкулов, И. Б. Зокиров<sup>1</sup> ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида тўлдирилди ва ривожлантирилди.

Лекин “юридик шахс” тушунчаси ва унинг турларини таърифлаш бора-сидаги мунозаралар ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Жумладан, айрим ҳуқуқшуносларнинг тадқиқотларида “юридик шахс”га берилган таъриф бозор иқтисодиёти даври талабларига жавоб беролмаслиги айтилади. Ҳозир Ўзбекистон Республикасида жаҳон ҳуқуқий тажрибаси ўрганиб чиқилиб, янги Фуқаролик кодексининг 39-моддасида юридик шахсга янгича таъриф берилди, яъни ўз мулкида, хўжалик юрителишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс деб ҳисобланиб, улар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак. Ушбу кодекснинг 40-моддасига мувофиқ, юридик шахслар тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотлар бўлиб, икки турга бўлинади.

Маълумки, умумий қоидага биноан, судлар “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлимларини, улар судда иш бўйича (масалан, объектларни қўриқлаш шартномасининг томони сифатида ўз мажбуриятларини бажармаганда ва ҳ. к.) жавобгар сифатида қатнашгандагина юридик шахс сифатида эътироф этадилар. Шу билан бирга, “юридик шахс” институти орқали “Қўриқлаш” бирлашмаси иқтисодий манфаатларини қондириш мақсадида ўзининг банк операцияларини ва шартномавий фаолиятини амалга оширади. Айни вақтда, “юридик шахс” институти нафақат мулкий доирада “Қўриқлаш” бирлашмасининг жамоавий манфаатларини расмийлаштириш

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Братусь С. Н.* Субъекты гражданского права. – М., 1950. – С. 152; *Красавчиков О. А.* Сущность юридического лица // Советское государство и право. – М., 1976. – № 6. – С. 48-52; *Раҳмонкулов Ҳ. Р.* Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар – Т., 1997. – Б. 158.; *Зокиров И. Б.* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т., 1996. – Б. 52.

мақсадларида ишлатилади, балки бошқа “юридик шахс” мақомини олган ташкилотлар ва фуқароларнинг манфаатларини, хусусан, уларнинг мулкини қўриқлаш мақсадида қўлланилади. Шунинг учун “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги хусусиятларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизча, “Қўриқлаш” бирлашмасини тижоратчи ташкилотларга, хусусан (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 70-моддасига биноан), унитар корхоналар тизимига киритиш мумкин, чунки, *биринчидан*, “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 6-бандига кўра, “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг бўлинмалари қўриқлаш шартномалари бўйича тушадиган пул маблағлари эвазига фаолият кўрсатадилар; *иккинчидан*, Фуқаролик кодексининг юқорида қайд этилган моддасининг 1-қисмида, ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади.

Шу маънода, “Қўриқлаш” бирлашмаси тижоратчи юридик шахс - унитар корхона сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

- “Қўриқлаш” бирлашмасининг мол-мулки бир бутун ва бўлинмасдир;
- бирлашманинг мол-мулки давлат мулки ҳисобланиб, унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи билан берилади.

Бундан ташқари, фикримизча, “Қўриқлаш” бирлашмаси фаолияти ҳам хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона, ҳам оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган унитар корхоналарга хос бўлган белгилар билан уйғунлашган. Хусусан, “Қўриқлаш” бирлашмаси хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона сифатида ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк ҳисобидан жавоб беради. Оператив бошқариш ҳуқуқига асосланган корхона сифатида эса, бирлашманинг мол-мулки етарли бўлмаганида, Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Шу билан бирга, оператив бошқариш ҳуқуқига асосланган корхона, яъни “Қўриқлаш” бирлашмаси Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига асосан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

“Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 4 ва 6-бандларига мувофиқ, “Қўриқлаш” бирлашмаси юридик шахс ҳисобланади ва шунинг учун ҳам юридик шахс белгиларига эга бўлиши лозим. Бундай белгилар,

ҳуқуқий адабиётда<sup>1</sup> кўрсатилганидек, ташкилий бирлик, мулкӣ мустақиллик, мулкӣ жавобгарлик ва фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиш кабилардан иборат.

**Ташкилий бирлик** жамоалашган ташкилотнинг, яъни юридик шахснинг бир бутун ҳолда фаолият кўрсатишини таъминлайди, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда, ички тузилиши, органининг ваколоти, улар фаолиятининг тартиби, юридик шахснинг тугатилиш тартибини ва ушбу бирликнинг мавжудлигини кўрсатишда ифодаланиб, юридик шахснинг уставида мустаҳкамланади<sup>2</sup> ёхуд у тўғрисидаги махсус низомда ўз аксини топади<sup>3</sup>.

Албатта, бу ўринда юридик шахснинг ташкилий бирлик белгисини жамоага боғлаб эмас, балки бошқа ҳуқуқ субъектларидан алоҳида ташкил топган, ўз мол-мулкига эга бўлган ташкилот бўлиш хусусияти билан боғлаб таърифлаш мақсадга мувофиқ. Чунки “Кўриқлаш” бирлашмаси юридик шахс сифатида ички ишлар вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган субъектлардан ўзгача хусусиятларга эга. Чунончи, “Кўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 6-бандига мувофиқ, “Кўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари тузилган кўриқлаш шартномалари асосида келиб тушадиган пул маблағлари эвазига ўз фаолиятларини молиявий таъминлайди. Ички ишлар вазирлиги тизимидаги бошқа бўлимлар (жиноят-қидирув, ёнғиндан сақлаш, тергов, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва ҳ. к.), хусусан, туман ва шаҳар ички ишлар органлари эса, аксинча, давлат бюджети томонидан маблағ билан таъминланадиган сметали юридик шахс ҳисобланади<sup>4</sup>.

“Кўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги ташкилий тузилишини бирлашма аппарати ва жойлардаги бўлинмалари ташкил этади, бирлашма раҳбари эса ИИВ томонидан тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига биноан, юридик шахслар адлия органларида давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Бир қарашда юридик шахсларни ташкил этишнинг барча хусусиятлари қонунда аниқ белгилаб берилгандек тую-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Братусь С. Н.* Субъекты гражданского права. – М., 1950. – С. 152; *Рахмонкулов Х. Р.* Правовые формы регулирования имущественных отношений социалистических хозяйственных организации. – Т., 1976. – С. 35; *Зокиров И. Б.* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т., 1996. – Б. 53.;

<sup>2</sup> Қаранг: *Субъекты гражданского права / Под ред. докт. юрид. наук. С. Н. Братуся.* – М., 1984. – С. 52.

<sup>3</sup> Қаранг: *Советское гражданское право. Ч. 1. / Под ред. В. А. Рясенцева.* – М., 1986. – С. 118.

<sup>4</sup> Қаранг: *Комаров П. М.* Юридические лица в системе МВД СССР (горрайорганы внутренних дел и их подразделения): Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1989. – С. 7.

лади. Айни пайтда худди шу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга биноан, “Қўриқлаш” бирлашмаси республика аҳамиятига эга бўлган ташкилот бўлганлиги туфайли бирлашма юридик шахс сифатида Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтади. Аммо, амалиётдаги тажриба “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатида ташкил топиши билан боғлиқ масалалар ҳозирги қонунчиликда жуда бўш ишланганлигини кўрсатмоқда. Тўғри, “Қўриқлаш” бирлашмаси фуқаролик муомаласида унинг тўлиқ ва тенг ҳуқуқли субъекти сифатида қатнашган ва қатнашиб келмоқда, шу билан бирга, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ҳуқуқий лаёқатни беради ва унга мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ҳам юклайди. Шу маънода, нафақат “Қўриқлаш” бирлашмасини юридик шахс сифатида, балки ҳуқуқшунос олим Ш. Н. Рўзиназаров тўғри айтганидек, барча корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатиш жараёнини давлат рўйхатидан ўтказишни ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатишни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқдир<sup>1</sup>. Ушбу қонунда корхоналарни ташкил этиш ва тугатишни давлат рўйхатидан ўтказишнинг барча қоидалари, хусусан “хизмат сири”га эга бўлган муассаса, ташкилот ва корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳам акс эттирилиши лозим. Айнан ушбу қонуннинг қабул қилиниши ва унда юқорида таъкидланган фикрларнинг акс эттирилиши билан “Қўриқлаш” бирлашмасини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказишнинг аниқ тартибига амал қилиш учун ҳуқуқий замин яратилар эди. Зеро, “юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқнинг янги субъекти ташкил этилганлиги фактини қайд этади”<sup>2</sup>.

Айни пайтда, республика Президенти И. А. Каримов уқтирганидек, “фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва бурчларни бажариш вақтида фуқаролар ва ташкилотлар давлатимиз бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида қонунларга ва норматив ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир”<sup>3</sup>.

Бундан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, тегишли давлат органлари

---

<sup>1</sup>Қаранг: *Рузиназаров Ш. Н.* Гражданско-правовой статус сельскохозяйственных производственных структурных образований в условиях рынка: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Т., 1995. – С. 25.

<sup>2</sup>Қаранг: *Овсянников К.* Правовая природа государственной регистрации юридического лица // *Российская юстиция.* – 2000. – № 4. – С. 22.

<sup>3</sup>Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // *Каримов И. А.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т., 1996.



“Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларини юридик шахс сифатида рўйхатга олиш ва фуқаролик муомаласида унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини ишлаб чиқиш чораларини кўриши лозим. ФКнинг 44-моддасига асосан, яъни юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барча танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади. Унинг биринчи механизми “Қўриқлаш” бирлашмасини ягона давлат реестридан ўтказиш муаммосини ҳал этишдир. Бунда “давлат сири”, “хизмат сири” каби тушунчалар амал қилганлиги сабабли, “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлимларини ягона давлат реестрига киритишнинг бошқача қондасини ишлаб чиқиш талаб этилади. Иккинчи механизмни ташкил этишнинг зарурати шундан иборатки, “Қўриқлаш” бирлашмаси давлатнинг, хусусан ИИВнинг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланганлиги туфайли унинг фуқаролик муомаласидаги ҳуқуқларини амалга ошириши, нормал фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмаси юридик шахс сифатида фаолият кўрсатишининг ажралмас белгиси унинг *мулкий мустақиллигидир*, чунки фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиш учун юридик шахс ҳисобланган ҳар қандай тузилманинг ўзига хос мулки бўлиб, юридик шахслар фуқаролик муносабатларида ушбу мулки билан иштирок этишлари зарур. “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 6-бандига биноан, унинг объектларни ва фуқароларнинг хонадонларини қўриқлашлари учун тузган шартномалари туфайли келиб тушган пул воситаларига нисбатан мустақил тарзда эгалик қилишга ҳақлидир. Шу ўринда ушбу низомга “Қўриқлаш” бирлашмаси айнан қандай нарсаларга нисбатан мулк эгаси бўлишини аниқ кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, “Қўриқлаш” бирлашмаси ҳокимият органлари томонидан ажратилган мол-мулк (бино, иншоот каби)ларга нисбатан оператив бошқарув ҳуқуқига, шартнома асосида топилган даромадга нисбатан эса хўжалик юритиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 48-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, *юридик шахслар ўз мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бўлган бутун мол-мулк билан жавоб берадилар*. Шу боис ушбу ҳуқуқий нормани ҳам “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомга алоҳида банд сифатида қуйидаги тарзда киритиш зарур: ““Қўриқлаш” бирлашмаси ўз мажбуриятлари бўйича тегишли мол-мулки билан жавоб беради”. Маълумки, “Қўриқлаш” бирлашмаси ваколатли давлат органининг руҳсати билан

бошқарув идораси сифатида ҳам, фуқаролик ҳуқуқининг субъекти – юридик шахс сифатида ҳам ташкил топади. Қисқача айтганда, бирлашма фаолияти юқорида таъкидланганидек, давлат-тижоратчи ташкилотларга хос бўлган белгилар билан уйғунлашган. Шу боис унинг фаолиятини *икки томонлама таҳлил қилиш зарур*. Хусусан, давлатнинг ички функцияларидан бири бўлган – ички тартибни сақлаш, ҳуқуқбузарликларга қарши кураш каби ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини амалга оширишда “Қўриқлаш” бирлашмаси, юқорида таъкидлаганимиздек, давлат органи сифатида иштирок этади ва бунда давлат “Қўриқлаш” бирлашмасининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланади, айна пайтда “Қўриқлаш” бирлашмаси ҳам давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлади. Аммо давлат юридик шахс бўлган “Қўриқлаш” бирлашмасининг шартномавий мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги 1990 йил 31 октябрь қонуни 6-моддасининг 1-қисмига биноан, юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича ҳақ ундириб олиш, мулкый ҳуқуқ, тўла хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида унга тегишли бўлган ҳар қандай мол-мулкка қаратилиши мумкин<sup>1</sup>. Қонуннинг бу нормасига биноан, “Қўриқлаш” бирлашмаси юридик шахс сифатида ўз мажбуриятларини ўзига биркитилган умумий мулк ҳуқуқи асосида унга тегишли мол-мулк ҳисобидан бажариши шарт. “Қўриқлаш” бирлашмаси ушбу мажбуриятларни бажармаган тақдирда, унда мажбуриятлар қонунларда белгиланган тартибда мажбурий тарзда бажарилиши мумкин. Лекин “Қўриқлаш” бирлашмаси мулкидан ҳақ ундириб олишни унинг мол-мулкига қаратиш учун у бошқа шахслар олдида мажбуриятлар олган бўлиши, “Қўриқлаш” бирлашмаси шу мажбуриятни ҳақ ундиришга қаратиш учун зарур мол-мулкка эга бўлиши, шунингдек, мажбурият бажарилмагани учун қонунда ёки шартномада жавобгарлик кўрсатилган бўлиши керак. Ушбу модданинг 2-қисмига биноан, мулкдор ўзи вужудга келтирган юридик шахснинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, яъни ҳақ ундириб олишни “Қўриқлаш” бирлашмасининг фаолиятини амалга ошириш учун унинг аъзоларининг бириктириб қўйган мол-мулкига қаратилиши мумкин. Бу ҳолатда “Қўриқлаш” бирлашмаси ўз мол-мулкига эга бўлган мулкдор бўлиши шарт эмас, фақат унга хўжаликни юритиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлиши етарли бўлса, “Қўриқлаш” бирлашмасининг ходимлари ҳам

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1990. – № 31-33. – 371-м.

юримдик шахс бўлган “Қўриқлаш” бирлашмасининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

“Қўриқлаш” бирлашмасининг фаолиятини таҳлил қилиш натижасида уни тадбиркорлик шаклларида бири сифатида эътироф этиш унинг тадбиркор сифатида ҳам масъулиятини келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 9-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мажбуриятлари белгиланган, яъни тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажаришлари, бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари лозим бўлади. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 31-моддасининг 1-қисмига биноан, юримдик шахс сифатида “Қўриқлаш” бирлашмаси даромад (фойда) солиғидан озод этилади, шу боис ушбу қонунда “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомга алоҳида қонунда сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

Юримдик шахсининг муҳим белгиларидан бири унинг **фуқаролик муомаласида ўз номидан ҳаракат қилиши** ҳисобланади. “Қўриқлаш” бирлашмаси бошқа мулк шаклларидаги субъектлар билан тенг даражада фаолият кўрсатувчи мустақил юримдик шахс ҳисобланади. Шу боис, ушбу қонунда “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомда акс эттириш унинг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган муҳим қадам бўлиб ҳисобланади. “Қўриқлаш” бирлашмаси ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида юримдик шахс сифатида ўз номидан хилма-хил битимлар тузади ва хўжалик субъектлари ёки жисмоний шахслар билан ўзаро манфаатли шартномалар тузиб, ҳуқуқ ва мажбуриятлар олади. “Қўриқлаш” бирлашмаси билан бошқа юримдик шахслар ёки фуқаролар ўртасида мулкий ва номулкий муносабатларга боғлиқ низолар келиб чиқса, у фуқаролик ишлари бўйича судда ва хўжалик судларида даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этади. Амалда бундай ҳолатлар учрамоқда. Масалан, даъвогар ҳисобланувчи Фарғона вилояти ИИБ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бошқармаси, 1999 йил 1 апрелда тузилган қўриқлаш шартномасига биноан, жавобгар — Қува тумани “Шаҳристон” меъморий мажмуасини қўриқлаш, жавобгар тараф эса кўрсатилган хизматлар эвазига даъвогарнинг ҳисоб-варағига пул ўтказиб бериш мажбуриятини олган. Тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан, даъвогар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажариб келган. Лекин жавобгар кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўламай келган. Жавобгар ҳисоб-китобларни ўз вақтида тўлиқ амалга оширмаганлиги сабабли, 2000 йилнинг 1 июнига келиб жавобгарнинг қарзи

2 100 504 сўмни ташкил қилган. Шу билан бирга жавобгар шартномада кўрсатилган мажбуриятни бажармаслиги натижасида нарх-навонинг ошиши ва пулнинг қадрсизланиши сабабли, нафақат катта миқдорда моддий, балки маънавий зарар ҳам етказилган. Фарғона вилояти Хўжалик суди бу даъвони кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси ва Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларига асосланиб, даъвогарнинг фойдасига жавобгардан 2 100 504 сўм ундириш тўғрисида қарор чиқарган<sup>1</sup>. Кўрсатилган ушбу мисолда “Кўриқлаш” хизматининг даъвогар сифатида судда иштирок этаётганлиги ва Намунавий шартномада кўрсатилган жавобгарлик бандини кучайтириш лозимлигининг гувоҳи бўламиз.

Шу маънода, юридик шахс сифатида “Кўриқлаш” бирлашмаси томонидан “буюртмачи” юридик шахслар билан тузган кўриқлаш шартномалари билан боғлиқ низолар – хўжалик судида, фуқароларнинг хонадонларини кўриқлаш шартномалари юзасидан келиб чиққан низолар – фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳал этилади. Суд жараёнида эса нафақат “Кўриқлаш” бирлашмаси, балки барча “юридик шахсларнинг ишларини судда уларнинг қонун, устав ёки низом бўйича берилган ваколат доирасида ҳаракат қилувчи органлари ёки уларнинг вакиллари юритишлари, юридик шахслар органи сифатида ишда қатнашаётган ташкилотларнинг раҳбарлари эса ўзларининг хизмат лавозимлари ёки ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни судга тақдим этишлари лозим”<sup>2</sup>.

“Кўриқлаш” бирлашмасининг хоҳиш-иродаси фуқаролик ҳуқуқининг субъекти – юридик шахс сифатида битимлар тузиш ва бошқа фуқаровий-ҳуқуқий ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида намоён бўлади. Шу билан бирга, унинг хоҳиш-иродасини ходимлар жамоаси ёки органининг ўз ихтиёри билан тенглаштириб бўлмайди. Чунончи, “Кўриқлаш” бирлашмасини юридик шахс сифатидаги ихтиёри индивидуал хоҳиш-иродалар йиғиндисидан иборат эмас, балки ягона ижтимоий таркиб сифатида “Кўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатида фаолият мақсадлари ва манфаатларининг мазмунига хос тизимни ташкил этади ва, албатта, “Кўриқлаш” бирлашмасининг хоҳиш-иродаси унинг бошқа ҳаракатларни амалга ошириш эркини баён қилиш жараёнида ифодаланади.

Фуқаролик кодексидаги юридик шахсларга оид 39-модданинг 2-қисмида юридик шахсларнинг мустақил балансга ёки сметага эга бўлиши на-

<sup>1</sup> Қаранг: Фарғона вилояти хўжалик суди архивидан. 2-787-6 / 2000-сонли иш.

<sup>2</sup> Қаранг: *Шорахметов Ш.* Хўжалик процессида бошқа шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар // Хўжалик ва ҳуқуқ. – 2001. – № 5. – Б. 40.

зарда тугилган. Асосан давлат бюджети харажатларидан ва бошқа манбалар ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар сметага эга бўлади. “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 4-бандига мувофиқ, пул операцияларини юритиш ва пул маблағларини сақлаш учун банк бўлимларида ҳисоб-варақлар очиш ҳамда бу маблағларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўлса, 7-бандига биноан, ўз ишларининг натижаларини ҳисоб-китоб қилиб боради ва натижада “Қўриқлаш” бирлашмаси ўз молиявий ишларини бошқариш, моддий-техник воситаларининг умумий миқдори ва унинг вужудга келиш манбаларини умумлаштирадиган маълумотларга эга бўлади. Бошқача айтганда, “балансда юридик шахс бутун мол-мулкининг ҳажми, келиб тушадиган даромадлар, харажатлар, шунингдек, баланснинг актив ва пассив қисмлари батафсил акс этирилган бўлади”<sup>1</sup>. Ўша моддий-техник воситалар миқдорининг вужудга келиш манбаларини ва унинг қандай мақсадларда ишлатилишини бир-бирига таққослаш асосида Бирлашма моддий-техник воситаларининг баҳосини муайян муддатга белгилаш услуби “Қўриқлаш” бирлашмасининг баланси ҳисобланади, чунки бухгалтерлик ҳисобининг асоси баланслаштириш принциpidан иборатдир. Бинобарин, Бирлашма сметага эмас, балансга эга эканлиги сабабли, “Қўриқлаш” бирлашмаси ўз штатларини, айрим харажатларини ўзи белгилай олмайди. Чунки “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, штатларни белгилаш ва тасдиқлаш ваколати ИИВга берилган. Бундан кўриниб турибдики, бирлашманинг ваколатлари низом орқали муайян тарзда чекланган.

“Қўриқлаш” бирлашмаси фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда юридик шахс фаолиятида назарда тугилган мақсадларни амалга ошириш учун ҳуқуқий лаёқатга эга бўлади, лекин фуқароларга белгиланган бир қанча ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўла олмайди ҳамда фақат ўзининг устав ва низомида ёки қонунда кўрсатилган фаолият турлари билангина шуғулланади, яъни, юридик адабиётда тадқиқ қилинганидек, юридик шахсларнинг махсус субъектлиги унинг уставида ифодаланади. Ҳуқуқшунос олим И. Б. Зокиров юридик шахсларнинг махсус ҳуқуқий лаёқат, унга махсус юкланган вазифалар билан белгиланади, деб таъкидлаган бўлса<sup>2</sup>, Ҳ. Р. Раҳмонкуловнинг фикрича, махсус ҳуқуқий лаёқат юридик шахс фаолиятининг шу шахс таъсис ҳужжатларида, уставида, низомида назарда тугилган мақсадларга мувофиқ

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Раҳмонкулов Ҳ. Р.* Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 160.

<sup>2</sup> Қаранг: *Зокиров И. Б.* Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т., 1996. – Б. 55.

амалга оширилишидир<sup>1</sup>. Албатта, биз мазкур фикрларга қўшилган ҳолда, таъкидлаймизки, “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатида махсус ҳуқуқий лаёқатга эга эканлигини, шу билан бирга, давлатга қарашли ташкилот эканлиги ва фақат “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомда кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланиши мумкинлиги унинг махсус ҳуқуқий лаёқатга эга эканлигини ифодалайди. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 41-моддасининг 3-қисмида: “юридик шахсининг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади”, — деб кўрсатилиши, фикримизча, юридик шахсининг ҳуқуқий лаёқатни белгилашда устав билан бирга низом ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ваколатли идораларнинг буйруқлари)нинг аҳамияти каттадир, чунки бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқий ҳолати бирмунча мустаҳкамланиб боради.

Фикримизча, “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомда бирлашмани ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солишнинг умумий қоидалари белгиланган. Аммо биз ушбу низомга ““Қўриқлаш” бирлашмаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтганидан сўнг юридик шахс ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлади”, деган қоидани киритиб қўйишни таклиф этамиз. Шунингдек, “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 16-бандига асосан, бирлашма бошлиғи бирлашманинг ваколатларига кирувчи масалалар бўйича бошқа ташкилот, муассаса ва корхоналар билан бўладиган ўзаро муносабатларда бирлашма номидан вакил бўлиб қатнашади, деб белгилаб қўйилса, ушбу қоида фуқаролик ҳуқуқи нормаларига мос келади. Натижада “Қўриқлаш” бирлашмасининг бошлиғи, Фуқаролик кодексининг 45-моддаси талабларига биноан, юридик шахс сифатида бирлашма номидан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиб, фуқаролик бурчларини ўз зиммасига олган бўларди. Аммо бу қоидани чуқурроқ таҳлил қилсак, “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатида бирлашма бошлиғи ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган аралаш ҳуқуқлари ҳам мавжудлигини кўрамиз (“Қўриқлаш” бирлашмасининг давлат бошқарув органи сифатидаги ҳуқуқлари мулкий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида унинг органи ҳуқуқлари билан алмашган ҳолда кўрсатилган). Аҳамиятли томони шундаки, “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомда бирлашманинг ҳуқуқлари эмас, балки бирлашма бошлиғининг ҳуқуқлари

---

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 163.

мустаҳкамланган.

Шу сабабли, фикримизча, “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомга “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳуқуқлари тўғрисидаги қондани, шу билан бирга, юридик шахс сифатида бирлашманинг, ва унинг бошлиғининг ваколатлари, махсус фуқаровий-ҳуқуқий лаёқати тўғрисидаги нормаларни кiritишни тавсия қиламиз. Зеро, бозор иқтисодиётининг ривожланиши бора-сида жисмоний шахслар билан юридик шахсларни бир-биридан ажратадиган асосий белги сифатида, юридик шахснинг мулкӣ мустақиллиги ва, ким томонидан ташкил этилишидан қатъи назар, мулкӣ жавобгарлик белгиларининг амалда мавжудлиги бу ҳолатни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашни тақозо этади.

Бундан ташқари, “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг ҳуқуқий мақомини аниқ чегаралаш ва бу ўринда “Қўриқлаш” бирлашмасини “юридик шахс” ҳисобланган тегишли ички ишлар органлари ҳузуридаги “Қўриқлаш” бўлинмаларининг ўзига хос иттифоқи (уюшмаси) сифатида тегишли норматив ҳужжатларда, хусусан “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомга белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда, юқорида таъкидланган фикрларни тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйиш билан бир қаторда, “Қўриқлаш” бирлашмасининг фаолиятида учрайдиган муаммоларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида, бирлашма қошида илмӣ-текшириш марказини ва бирлашма фаолияти учун зарур техник воситаларни ишлаб чиқариш, уларни қўллаш ва такомиллаштириш учун бундай воситаларни ишлаб чиқариш ва синаш билан шуғулланадиган лабораторияни ташкил этиш зарур. Шунингдек, ўта муҳим объектларнинг қўриқланишини яхшилаш мақсадида, бирлашма қошида хизмат итлари ўргатиладиган алоҳида марказ ташкил этиш ҳам ушбу фаолиятни бирмунча ривожлантирган бўлур эди. Масалан, Россия Федерациясида бундай марказ 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, биргина 1999 йилда хизмат итлари ёрдамида 427 та жиноят очилган бўлиб, 149 та жиноятчи ушланган. Шу маънода, бундай марказни ташкил этиш ва “буюртмачи”нинг талабига биноан шартнома асосида қўриқланаётган объектда хизмат итларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

### **2.3. “Қўриқлаш” бирлашмасининг мулкӣ ҳуқуқлари**

“Қўриқлаш” бирлашмаси мулкӣ объектларига нисбатан бошқарув ор-

гани сифатидаги мулк ҳуқуқларини ҳам, юридик шахс сифатидаги мулк ҳуқуқларини ҳам кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. “Кўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 20-бандига мувофиқ, бошқарув органи сифатида унинг мулкый объектларига бошқарув аппаратини жойлаштириш учун, моддий-техник воситалар ва қуролларни сақлаш учун фойдаланиладиган хизмат бинолари ва хоналари киради. Бу бинолар маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ажратилиб, “Кўриқлаш” бирлашмаси ушбу мулкый объектларга нисбатан фақат мулк ҳуқуқининг иккита элементи, яъни мулкдан фойдаланиш ва шартнома асосида белгиланган вақтида эгалик қилиш ҳуқуқларига эгадирлар. Шунини таъкидлаш керакки, бирлашма мазкур мол-мулкларга нисбатан оператив бошқарув ҳуқуқига эга. Шу ўринда, “фойдаланиш деганда ашёнинг фойдали хусусиятларини моддий ва маънавий эҳтиёжни қондириш мақсадида олиш тушунилади. Эгалик қилиш эса – мулкый муносабатлар статикасини билдиради, яъни мулк турғун ҳолда кимнингдир тасарруфида бўлади”<sup>1</sup>.

“Кўриқлаш” бирлашмаси мулкнинг бошқа объектларига тузилган кўриқлаш шартномалари туфайли келиб тушган пул маблағлари ва улар эвазига бирлашманинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида олинган анжомлар, ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа нарсалар киради. “Кўриқлаш” бирлашмаси ушбу мулкларга нисбатан мулк ҳуқуқининг барча элементларига, яъни мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва мустақил тарзда тасарруф этиш ҳуқуқларига эга. Фикримизча, бирлашма бундай мол-мулкларга нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу ўринда, ушбу қондан “Кўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомга алоҳида банд сифатида киритиш мақсадга мувофиқ. “Кўриқлаш” бирлашмаси мулкига бундай ҳуқуқий режимнинг татбиқ этилиши, мулк ҳуқуқининг субъекти ким — юридик шахс сифатидаги “Кўриқлаш” бирлашмаси-ми ёки унинг ходимлари? — деган саволнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Биринчидан, “Кўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 4-бандига мувофиқ, “Кўриқлаш” бирлашмаси ходимлари эмас, балки “Кўриқлаш” бирлашмаси мулкый жавобгар бўлади, яъни мулк ҳуқуқи субъекти сифатида “Кўриқлаш” бирлашмаси тан олинади. Иккинчидан, “Кўриқлаш” бирлашмаси бирлашма аъзоларининг, меҳнат шартномаси асосида ишлаётганларнинг соғлиғига етказилган зарар учун ҳам жавобгар бўлади. Агар мол-мулк унинг аъзоларига тегишли

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Азизов Ҳ. Хусусий мулк ҳуқуқининг ривожланиши // Ҳуқуқ–Право. – 1998. – № 1. – Б. 76.*



бўлганда эди, бундай жавобгарлик келиб чиқмаган бўлур эди. Шу ўринда, ушбу қондан “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисида”ги низомга алоҳида банд сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 8-моддасининг 1-қисмига кўра, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонун ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади. Бундай ҳуқуқий асосларнинг бири фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар бўлиб, улар “Қўриқлаш” бирлашмасининг фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишига ҳуқуқий шароит яратади. Чунки кўп қиррали бозор иқтисодиёти даврида хўжалик тизимидаги ҳар хил тузилмаларга мулк ҳуқуқининг субъектлари (тўла хўжалик юритиш, оператив бошқариш) ҳақ-ҳуқуқларининг берилиши, уларнинг ташаббускорлигини ва ўз фаолияти якунига қизиқишини кучайтиради. Ушбу хўжалик субъектлари тўғрисида кўпгина қонунларнинг қабул қилиниши шартнома амалиётининг анча кенгайишига олиб келади<sup>1</sup>.

Шунинг учун ҳам “Қўриқлаш” бирлашмаси мулкчиликнинг бошқа ҳар хил субъектлари билан тенг ҳуқуқли асосда ўз фаолиятини, яъни ҳуқуқий лаёқатни амалга оширишида фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларнинг аҳамияти катта. Маълумки, “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 7-бандига мувофиқ, “Қўриқлаш” бирлашмаси ўз фаолиятининг йўналишини мустақил тарзда белгилаб, объектларни ва фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш шартномалари эвазига тушган даромадни мустақил тарзда тасарруф этиш ҳуқуқларига эга. Албатта, “Қўриқлаш” бирлашмаси ўз фаолиятини амалга ошириш учун ташкилотлар, муассасалар, корхоналар ва фуқаролар билан ихтиёрийлик асосида қўриқлаш шартномаларини тузади ва шартномага риоя қилинмаган ёки унинг талаблари бузилган тақдирда томонлар амалдаги қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда мулккий жавобгар бўладилар.

Шу ўринда, “Қўриқлаш” бирлашмаси ўзига қарашли мол-мулкларга нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқига эгами ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эгами деган саволнинг келиб чиқиши табиий. Маълумки, Ўзбекистон Рес-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Рахмонкулов М. Х.* Гражданско-правовой договор, проблемы свободы и необходимости в условиях переходной экономики // *Право и рынок: Теоретические проблемы развития.* – Т., 1994. – С. 35.

публикаси Фуқаролик кодексининг 178-моддасига асосан, давлат корхонаси, шунингдек, муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширадilar. Бироқ “Қўриқлаш” бирлашмаси давлат идораси бўлгани учун, давлат томонидан ўзига бириктириб қўйилган мол-мулк (маъмурий бинолар, авторанспорт воситалари, қурол-яроғлари ва ҳ.к.)ларни давлатнинг розилигисиз ижарага беришга, сотишга, гаров сифатида фойдаланишга ёки унга оператив бошқариш учун берилган кўчмас ва бошқа мол-мулкни турли усулда тасарруф қилишга ҳақли эмас. Шу билан бир қаторда, “Қўриқлаш” бирлашмаси давлатнинг, хусусан, у ваколат берган тегишли давлат органларининг розилигини олмай туриб, бирон корхона, муассасани тузиш, бошқа корхона ва бирлашмаларнинг муассиси бўлиш ҳуқуқига эга эмас ва, албатта, унинг фаолияти мазмуни бирлашманинг тузилиш пайтида белгиланиб, низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида тасдиқланади.

Аммо, давлат томонидан рухсат берилган фаолият, яъни ташкилот, муассаса, корхоналарнинг мулклари ва фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш натижасида олинган даромад ва бу даромад ҳисобига сотиб олинган мол-мулкка нисбатан, фикримизча, “Қўриқлаш” бирлашмаси хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлади.

“Қўриқлаш” бирлашмаси ўз шартномавий мажбуриятлари бўйича тасарруфида бўлган пул маблағлари, шунингдек, алоҳида балансда ҳисобга олинган мол-мулки билан жавобгар бўлади. Уларнинг етишмай қолган қисми доирасида, фикримизча, “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг қарзлари бўйича субсидиар жавобгарлик<sup>1</sup> ИИВ ва унинг жойлардаги ички ишлар бошқарма ва бўлимларига юклатилиши лозим ва аynи вақтда “оператив бошқариш ҳуқуқи мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши учун қонуний асослари вужудга келган ҳолларда (мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши тартибида) бекор бўлиши мумкин”<sup>2</sup>.

Табиийки, “Қўриқлаш” бирлашмасига қарашли бошқарма, бўлим ва бўлинмаларининг нафақат мулк ҳуқуқи, балки уларнинг фуқаровий-ҳуқуқий ҳолати қандай ва уларни қай тариқа изоҳлаш мумкин?” – деган савол ҳам

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 329-моддасига биноан, қонун ҳужжатлари ёки мажбурият шартларига мувофиқ асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишдаги жавобгарлик “**субсидиар жавобгарлик**” дейилади.

<sup>2</sup> Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т., 1996. – Б. 162.

туғилади. Албатта, тегишли давлат органининг рухсати билан “Кўриқлаш” бирлашмаси тизимида объектларни ва фуқароларнинг хонадонларини кўриқлаш мақсадида, вилоят, шаҳар ва туманлардаги ички ишлар идоралари ҳузурида кўриқлаш бошқарма, бўлим, бўлинмалари ташкил этилиши мумкин. Ушбу кўриқлаш бошқарма, бўлим ва бўлинмалари ҳам фуқаролик ҳуқуқининг субъекти – юридик шахснинг барча ҳуқуқий белгиларига эга бўлиб, ўзлари тузган кўриқлаш шартномалари орқали тушган пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этиш ҳуқуқига эгадирлар, ўзларига бириктирилган мулкни ўз низомларига мувофиқ равишда оператив идора этиш тартибида эгаллайдилар, ундан фойдаланадилар ва уни тасарруф қиладилар. Шунингдек, улар тегишли вилоят, шаҳар ва туманлардаги ички ишлар идораларига – горизонтал тартибда, юқори турувчи “Кўриқлаш” бўлим, бошқармалар ва бирлашмага – вертикал равишда бўйсундилар. Жойлардаги кўриқлаш идоралари тегишли вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларидан ажратилган мол-мулк (масалан, маъмурий бино)га, шунингдек, “Кўриқлаш” бирлашмаси ажратган мол-мулкларга нисбатан ҳам оператив бошқариш ҳуқуқига эгадирлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, “Кўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ўз фаолиятларини амалга оширишда кўриқлаш шартномаларини тузиш билан бир қаторда, олди-сотди, кредит ва ижара шартномаларидан ҳам фойдаланадилар. Уларнинг ичида энг асосийси ва кўп учрайдигани кўриқлаш шартномалари бўлганлиги туфайли, уни алоҳида боб сифатида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, улар ичида “Кўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари фаолиятида учрайдиганларидан бири олди-сотди шартномасидир.

Олди-сотди шартномаси биргина “Кўриқлаш” хизмати фаолиятида эмас, балки, умуман, бозор иқтисодиёти ривожланишининг асосий воситасидир. Чунки олди-сотди муносабатларини давлат мажбурий тарзда ўрнатмайди, балки, аксинча, бу муносабатлар ҳар бир мулкдорнинг эҳтиёжларини қондириб, мулкний аҳволини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Кўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомнинг 7-бандига биноан, “Кўриқлаш” бирлашмаси корхона ва ташкилотлардан ўзи учун зарур мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситалари сотиб олишга ҳақлидир, яъни олди-сотди шартномасининг аҳамияти шундан иборатки, “Кўриқлаш” бирлашмаси ушбу шартномадан фойдаланганда, фикримизча, барча ҳолларда харидор бўлиб қатнашади. Хусусан, у олди-сотди шартномасига мувофиқ, сотувчи ташкилот ва корхоналардан фақат ўз фаолиятида зарур бўлган мол-мулкни ва восита-

ларни ҳақ бараварига сотиб олади.

Олди-сотди шартномасини тузишда унинг шартларига алоҳида эътибор бериш лозим. Бундай шартлар бўлиб шартнома предмети, баҳоси ва шакли хизмат қилади. Баҳо сотувчи билан харидорнинг келишувига мувофиқ белгиланади, баъзи ҳолларда баҳони давлат ҳам белгилаши мумкин (Фуқаролик кодексининг 356-моддаси). Қонунларда назарда тутилган ҳолларда шартнома тегишли шаклда расмийлаштирилиши шарт, яъни шартнома ёзма, нотариал тартибда гувоҳлантирилган ёки ваколатли давлат идораларидан рўйхатдан ўтказилган бўлиши лозим. “Қўриқлаш” бирлашмаси ўз фаолиятида зарур моддий-техник воситаларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун, одатда Ички ишлар вазирлигининг моддий-техник ва ҳарбий таъминот бошқармаси билан олди-сотди шартномасини тузади.

Олди-сотди шартномасида тарафларнинг, хусусан сотувчининг харидорга сотилаётган ашё сифати ҳақида асосий маълумотларни бериш, ашёни харидорга топшириш, харидорнинг эса сотиб олаётган ашёни қабул қилиб олиш ва бунинг учун келишилган баҳодаги ҳақни тўлаш каби ҳуқуқ ва бурчлари белгиланади. Сифатсиз ашё сотилганда, харидор сотувчидан ашёни бошқасига алмаштириб беришни, ашёнинг баҳосини тегишли даражада камайтиришни ёки камчиликларни бепул тузатиб беришни, шунингдек, шартноманинг бекор бўлишини талаб қилишга ҳақлидир. Шунингдек, шартнома ёзма шаклда тузилган тақдирда, унинг ижро этилиш муддати, тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал қилиш ва бошқа шартлар ҳам кўрсатилиши мумкин<sup>1</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида “буюртмачи” ташкилот, муассаса ёки корхона, тузилган қўриқлаш шартномалари юзасидан келишилган пул суммаси ўрнига, ўзи ишлаб чиқараётган ёки ўзида мавжуд маҳсулотни “Қўриқлаш” хизматига мулк қилиб топшириш мажбуриятини олиши ҳам мумкин. Бундай ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг муҳим жиҳати шундан иборатки, бунда “буюртмачи” ташкилот, корхона ёки муассаса шартнома бўйича “Қўриқлаш” хизматининг эгалигига муайян мулкни топшириш мажбуриятини олади. Аммо, амалиётда учраётган бу ҳолатлар эса ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмаган. Шу боис, фикримизча, Фуқаролик кодексининг 703-моддасига биноан Намунавий шартнома бандларига “буюртмачи” юридик

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Мильштейн Н.* Предпринимателю о хозяйственных договорах. – Т., 1994. – С. 12–15.

шахслар “Қўриқлаш” хизмати (ижрочи)га келишилган пул суммаси ўрнига ўзлари ишлаб чиқараётган товарларни мулк қилиб топширишлари мумкин” деган қондан киришти мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, “Қўриқлаш” бирлашмасининг мулк хуқуқларини амалга ошириши бир қатор хусусиятларга эга бўлиб, унинг давлат органи сифатида тижорат билан шуғулланишига рухсат этилиши, шартномалар тузиш орқали маблағ топиши қонун ҳужжатларида белгиланган бўлса-да, аммо унинг ҳуқуқий мақомига хос барча хусусиятлар ўз аксини топган аниқ қонунчилик асосини, хусусан “Қўриқлаш тўғрисида”ги қонунни яратиш мақсадга мувофиқдир.

### **III боб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲУЗУРИДАГИ “ҚЎРИҚЛАШ” БИРЛАШМАСИ ФАОЛИЯТИДА ҚЎРИҚЛАШ ШАРТНОМАСИ**

#### **3.1. Қўриқлаш шартномаси, унинг белгилари ва хусусиятлари**

Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин кўп жабҳаларда ўзгаришлар бўлгани каби, фуқароларга ва ташкилотларга ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш соҳасида, хусусан “Қўриқлаш” хизмати томонидан ҳақ эвазига объектлар ва фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш соҳасида ҳам ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Зеро, шартнома бозор иқтисодиётига ўтиш даврида барча муносабатларни тартибга солувчи воситадир. Шу билан бирга, республикамизнинг бозор муносабатларига ўтишида “Қўриқлаш” хизматининг фаолиятини самарали амалга ошириш учун шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш, уларни давр талабларига мослаштириш, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, “шартнома тузиш маданиятини, шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтаришимиз керак”<sup>1</sup>. Зеро, қўриқлаш шартномалари объектларни ва фуқароларнинг хонадонларини турли жинойий тажовузлардан муҳофаза қилишнинг зарур воситаси бўлиб қолмоқда.

Бозор муносабатлари қўриқлаш шартномаларини ҳуқуқий тартибга солишга кескин таъсир кўрсатди. Масалан, турли мулк шаклларида асосланган ва қўриқланиши лозим бўлган кўплаб корхоналар, тадбиркорлар вужудга

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ислоҳотларни амалга оширишда қатъиятли бўлайлик // *Каримов И. А.* Бунёдкорлик йўлидан. – Т., 1996. – Т. 4. – Б. 259–260.

келганлиги, хусусан, тижоратчи дўконларнинг тинимсиз ортиб бораётганлиги сабабли, кўриқлаш шартномаларининг кўплаб тузилаётганлиги уларни ҳуқуқий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади, чунки ушбу шартномаларнинг аҳамияти кўриқланаётган объектларда жиноятчиликнинг олдини олишда бевосита намоён бўлади. Биргина 1998 йил маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, республика бўйича содир этилган ўғрилиқлар сони 2 % га ошгани ҳолда, ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида муҳофаза қилинаётган объектларда бўлган жиноий тажовузлар 27 % га қисқарди, кўриқланаётган 40 мингга яқин объект ва фуқароларнинг хонадонларига жорий йилда атиги 155 та жиноий тажовуз бўлди. Ёки 1997 йилда кўриқланаётган объектлар ва фуқароларнинг хонадонларидан атиги битта ўғрилиқ содир этилишига йўл қўйилди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1995 йилда – 11 та, 1996 йилда эса 6 та эди<sup>1</sup>. Бинобарин, кўриқлаш шартномаларини ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу маънода, “шартнома нафақат юридик факт, шу билан бирга юридик фактга асосланган, моддий ёки номоддий манфаатлар тўғрисидаги ҳуқуқий муносабат, томонларнинг ўзаро келишувларини акс эттирувчи, ифодаловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади”<sup>2</sup>. Бошқача айтганда, томонларнинг манфаатларини қондиришга қаратилган келишувни “шартнома” деб аташ мумкин. Шу ўринда Р. Иерингнинг “манфаат” тушунчасига берган таърифи эътиборга лойиқдир. Унинг таъкидлашича, “манфаат – ҳуқуқнинг моддий асоси”<sup>3</sup>. Ва қаерда “сабъ-ҳаракатлар сиёсат, ҳуқуқ, иқтисод ва бошқа соҳалардаги манфаатларни чуқур англаб олган ҳолда ташкил этилган бўлса, ўша жамиятда тараққиёт бўлади”<sup>4</sup>. Шунинг учун кўриқлаш шартномаларини тузаётган тарафлар, авваламбор, ўз манфаатларини англаб етмоғи ва бош мақсад қилиб қўймоғи лозим.

“Кўриқлаш” хизмати билан ташкилотлар ва фуқаролар ўртасида вужудга келадиган муносабатлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда, шартномалар асосида ҳам тартибга солинади. Шу боис ҳар бир фаолият натижаси ва унинг муваффақияти томонлар ўртасида тузилган шартноманинг мазмунан мукамаллигига ва қай даражада расмийлаштирилганлиги-

---

<sup>1</sup> “Кўриқлаш” бирлашмаси материалларидан. – Т., 1999.

<sup>2</sup> Рўзиев Р. Хўжалик шартномаси тушунчаси ва мазмуни // Хўжалик ва ҳуқуқ. – 1999. – № 4. – Б. 15.

<sup>3</sup> Цитата манбаи: Михайлов С. В. Интерес как общенаучная категория и ее отражение в науке гражданского права // Государство и право. – 1999. – № 7. – С. 87.

<sup>4</sup> Мамадалиев Ш. Сиёсий манфаат ва ҳуқуқ // Ҳуқуқ-Право. – 1998. – № 1. – Б. 63.

га бевосита боғлиқ бўлади. Шу ўринда нафақат шартномавий муносабатлар, балки умуман барча “ҳуқуқий муносабатлар, бир томондан, жамият ижтимоий ва ҳуқуқий ривожланишининг даражаси билан белгиланади, бошқа томондан эса, унинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини акс эттиради”<sup>1</sup>.

Шу сабабли, барча мулк шакллари кўриқлашга доир шартномавий муносабатларни такомиллаштиришда, аввало, унинг иштирокчилари шартнома муносабатларига алоҳида эътибор бериб, уларни тўғри тузиш ҳамда белгиланган мажбуриятларни бажаришга бевосита эътибор қаратишлари лозим. Чунки муайян бир фуқаро ёки ташкилотга қарашли объектни кўриқлаш фаолиятини амалга оширишда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, бажариладиган хизматлар ҳақи, муддати ва бошқа шу каби шартлар айнан шартномада аниқ акс эттирилади. Шу билан бирга, шартнома билан вужудга келтирилган ҳуқуқий муносабат давомида шартнома тарафларнинг хатти-ҳаракатлари қанчалик қонунга мувофиқ бўлган-бўлмаганлигини ҳам текшириш имкониятини беради<sup>2</sup>. Фуқаролик кодексининг 703-моддасида “ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси”га берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда, фикримизча, тарафлардан бири (“Кўриқлаш” хизмати) шартлашилган муддатда хизматлар кўрсатиш, яъни мулк ёки бошқа объектни кўриқлаш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф (“буюртмачи” ташкилотлар, фуқаролар) эса хизматларни қабул қилиб олиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишувни *кўриқлаш шартномаси* деб аташ мумкин.

Мазкур шартнома моҳиятан ва мазмунан фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар таркибига киради. Кўриқлаш шартномаси, авваламбор, тарафларнинг манфаати доирасида биргаликда ҳаракат қилиш учун ўзаро келишувни ифода этувчи юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Бошқача айтганда, ўзаро келишув бўлмаса, шартнома ҳам тузилмайди<sup>3</sup>. Эътибор қилинса, фуқаролик шартномасига берилган таъриф ҳам буни тасдиқлайди, яъни икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади (ФКнинг 353-моддаси). Умуман, шартнома нафақат расмий ҳужжат, балки биринчи галда, маънавий ҳамда моддий эҳтиёж ва манфаатларни қондириш мақсадларида томонларнинг ихтиёрий келишувларини ифодалайдиган

<sup>1</sup> Таджиханов У., Саидов А. Жамият ҳуқуқий маданияти назариясининг долзарб муаммолари // Ҳуқуқ-Право. 1998. № 1. – Б. 17.

<sup>2</sup> Қаранг: Раҳманқулов М. Роль и сущность гражданско-правового договора в условиях рыночной экономики. – Т., 1994. – С. 134–138.

<sup>3</sup> Қаранг: Завидов Б. Д. Договорное право России. – М., 1998. – С. 20.

хужжатдир, чунки эҳтиёж ва манфаат субъектив фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим ўрин тутди<sup>1</sup>. Чор Россиясининг ағдарилишига қадар, ҳуқуқ тизимида шартнома деб ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасидаги ўзаро келишувларга айтилган<sup>2</sup>. Бундан ҳозирги даврда қонунда мазмунан инқилобгача амалда бўлган фуқаролик ҳуқуқидаги шартнома шаклига қайтилмоқда, деган хулосага келиш мумкин.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмидаги барча бўлим ва боблари амалда шартномалар билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган. Умуман, бозор муносабатлари шароитида шартноманинг вазифаси ўзгармоқда<sup>3</sup>.

Шунингдек, хусусий ҳуқуқ фанида “шартнома” термини унинг турли аҳамиятини билдириш орқали ифодаланган. “Шартнома” деганда асосини мажбурият ташкил этадиган юридик факт тушунилади ва айни вақтда у мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирадиган факт мустаҳкамланган ҳужжат бўлиб ҳам ҳисобланади<sup>4</sup>. Шартнома ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган битимнинг кенг тарқалган шакли ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексиде ташкилотлар ва фуқароларнинг мулкларини кўриқлаш шартномасини ҳуқуқий тартибга солиб турувчи алоҳида боб берилмаган, лекин ташкилотлар ва фуқароларнинг мулкларини кўриқлашга оид шартномавий муносабатлар Фуқаролик кодексининг мажбуриятлар тўғрисидаги, даъво муддати, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳақидаги умумий қоидалари ва бошқа ҳуқуқий нормалари билан тартибга солинади.

Фикримизча, кўриқлаш шартномаларида тарафлардан бири тадбиркорлик фаолияти юритганлиги учун бу шартномаларни хўжалик шартномалари туркумига киритиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис, унга нисбатан

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Иеринг Р.* Цель в праве. Т. 1. – СПб., 1881. – С. 315; *Иванов Б. Г.* Основные положения теории интереса в свете проблемы отношений человека // Ученые записки ЛГУ. Психология и педагогика. – Л., 1956. – № 214. – С. 64; *Бондаренко Л.* Интерес как категория политической экономии // Экономические науки. – 1970. – № 8. – С. 19.

<sup>2</sup> Қаранг: *Шершеневич Г. Ф.* Учебник русского гражданского права. – М., 1995. – С. 304.

<sup>3</sup> Қаранг: *Раджабова Н. Н.* Правомочия организаций потребительской кооперации как юридических лиц в условиях рыночной экономики: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1997. – С. 16.

<sup>4</sup> Қаранг: *Гражданское право. Ч. I.* / Под ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого – М., 1996. – С. 428.



“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидалари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 декабрдаги № 450-Ф сонли фармойиши билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмалари томонидан объектларни кўриқлаш тўғрисидаги намунавий шартнома” қоидалари ҳам татбиқ этилади. Хусусан, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунининг қабул қилинганлиги бу соҳа бўйича қонунчилик фаолиятининг энг муҳим ютуғи ҳисобланади ҳамда келгусида объектлар ва фуқароларнинг хонадонларини кўриқлашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш йўлида қўйилган муҳим қадам бўлади.

Бинобарин, объектлар ва фуқароларнинг хонадонларини кўриқлаш соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий принциплари жумласига кўриқлаш шартномалари тузишнинг эркинлиги, тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги, шартнома интизомига риоя этиш, тарафларнинг ўзаро мулкӣ жаъвобгарлиги кабиларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 81-моддасида “хизматлар” фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида мустаҳкамланган. Ушбу моддани шарҳлаш натижасида шартнома асосида “Кўриқлаш” бирлашмасининг кўрсатаётган хизмати фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари (ашёлар, мол-мулк, пул ва қимматбаҳо қоғозлар, мулкӣ ҳуқуқлар кабилар) билан бир қаторда, фуқаролик ҳуқуқи объектларининг алоҳида гуруҳини ташкил этади, деган хулосага келиш мумкин. Бинобарин, кўриқлаш шартномалари, умуман, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари мулкӣ шартномалар туркумига киришидан қатъи назар, “мулк” тушунчаси нафақат “Кўриқлаш” бирлашмасининг шартномавий фаолиятини, балки барча ишлар ва хизматларни қамраб олмайди.

Фуқаролик кодексининг аксарият моддаларида хизматлар ҳуқуқӣ муносабатларнинг объекти, аниқроғи, мажбуриятларнинг объекти сифатида намоён бўлади. Зеро, хизмат кўрсатишдан мақсад доимий равишда фойда олиш ёки бошқа шахсий эҳтиёжни қондиришдан иборатдир<sup>1</sup>.

Умумий қоидага асосан, мажбурият — фуқаролик ҳуқуқӣ алоқа (ҳуқуқӣ муносабат) бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Степанов Д.* Услуги как объект гражданских прав // Российская юстиция. — 2000. — № 2. — С. 16.

Ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Таърифдан кўриниб турибдики, мажбуриятларнинг объекти қуйидаги икки шаклда юзага келиши мумкин: актив (ҳаракатни амалга ошириш) ва пассив (ҳаракатдан сақланиш). “Қўриқлаш” бирлашмасининг шартнома асосида кўрсатаётган хизматини фақат биринчи шаклга киритиш мумкин. Бинобарин, унинг мазмунини аниқлаш, бу ҳаракатнинг белгиларини кўрсатиш, бошқа турдаги ҳаракатлардан ажратиш зарур.

В. Н. Кудрявцевнинг фикрича, ҳаракат ягона объектга қаратилган жисмоний фаолиятлар мажмуидир<sup>1</sup>. Бу фикрдан “Қўриқлаш” бирлашмасининг хизмати ҳаракат бўлиб ҳисобланади, деган хулосага келиш мумкинми? Албатта, ҳа. Зеро, у ўзида муайян мақсад ва натижага эга бўлган бирмунча мураккаб жараёни, хусусан техник воситалар, қурол-яроғ билан ўзгалар тажовузидан кўриқлаш, муҳофаза этиш, мулк (объект)нинг дахлсизлигини таъминлаш каби ҳаракатларни намоён этади. Шу билан бирга, айтилган вақтда актив шаклда амалга ошириладиган мажбуриятларнинг объекти бўлган “Қўриқлаш” бирлашмасининг шартномавий фаолияти, бажарилиши кредитор томонидан талаб қилинадиган, аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган ҳаракатлар йиғиндисидан иборатдир. Бошқача айтганда, “Қўриқлаш” бирлашмаси томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг доимий бажарилиш жараёни унинг фаолиятида вужудга келади. Мақсад – мунтазам даромад олиш.

Таъкидлаш жоизки, “Қўриқлаш” хизмати фаолиятида тузилган шартномалар натижасида олинган мажбуриятларни бажариш кўпгина омилларга боғлиқ, яъни айрим ҳолларда юзага келган у ёки бу ҳолат натижасида амалда “Қўриқлаш” хизмати ўз шартномавий мажбуриятларини бажара олмаслиги мумкин. Лекин айрим “объектив ҳолатлар” орқали сезиларли зарарлар етказилиши ёки шартномада назарда тутилган мажбуриятлар ижро этилмасдан қолиши ҳам мумкин. Шу боис “Қўриқлаш” хизматининг нафақат шартномавий, балки бутун хўжалик фаолиятида қонунийликни таъминлаш, “Қўриқлаш” хизмати ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик фаолиятини бошқаришнинг ички механизмининг амалга ошириш зарур<sup>2</sup>. Ва шу орқали, “Қўриқлаш” хизмати томонидан фуқаролар ва корхона, ташкилот, муассасаларнинг объектларини кўриқлашга доир шартномавий мажбуриятларини бажаришга қаратилган ички хўжалик фаолиятларини тартибга солиш зарурати ва янада ривожлантириш имконияти туғилади. Табиийки, мазкур

<sup>1</sup> Қаранг: Кудрявцев В. Н. Право и поведение. – М., 1978. – С. 12.

<sup>2</sup> Қаранг: Венгеров А. Б., Мицкевич А. В. Закон и законность в хозяйственной деятельности. – М., 1973. – С. 7.

ташкилий-ҳуқуқий восита шартномавий мажбуриятларнинг сабаб ва шароитларини тиклашга самарали хизмат қилади. Шунинг учун, бирлашма таркибида “Қўриқлаш” хизмати иштирокида тузилган қўриқлаш шартномаларининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос келишини текширадиган ва таҳлил этадиган ҳамда шартномавий мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқадиган алоҳида бирлашма таркибида “юримдик бўлим” ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Фикримизча, қўриқлаш шартномаларида белгиланган мажбуриятларни бажариш ва кўзланган ижобий натижага эришиш учун “Қўриқлаш” хизматининг хўжалик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда ва ташкил этишда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур:

– “Қўриқлаш” бирлашмаси тўғрисидаги низомга бирлашма ва унинг жойлардаги бўлинмалари мансабдор шахслари ва ходимларининг объектларни ва фуқароларнинг хонадонларини қўриқлашга қаратилган фаолиятни амалга ошириш борасидаги ҳуқуқлари, бурчлари ва вазифаларини белгилаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси тасдиғидан ўтказиб амалиётга татбиқ этиш;

– қўриқлашни тўғри ва сифатли ташкил этиш, келишилган маблағни ўз вақтида тўлаш;

– шартномавий мажбуриятларни бажариш бўйича тегишли маълумотни тўплаш ва ҳисобот беришни ташкил этиш;

– мажбуриятлар бузилишининг сабабларини аниқлаш ва уларни барта-раф этиш чораларини ишлаб чиқиш, айбдорларни аниқлаш;

– шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни та-рафларга юклаш;

– шартномавий мажбуриятларни бажармаслик натижасида “Қўриқлаш” хизматиға ёки фуқаро ёхуд ташкилотға зарар етказган айбдор шахсларни жа-вобгарликка тортиш;

– “Қўриқлаш” хизмати билан манфаатдор ташкилот ва корхоналар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатилмаганлиги, пул ўтказилмаганлиги ва ҳоказолар натижасида вужудға келадиган мулкӣ жавобгарликни белгилаш;

– шартномавий мажбуриятларни самарали ва сидқидилдан бажарган барча тоифадаги ходимларни рағбатлантириш;

– “Қўриқлаш” хизмати фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида жойлардаги қўриқлаш бўлинмалари ўртасида тегишли шартномавий мажбу-риятларни сифатли ва ўз вақтида бажаришни амалға ошириш мақсадида

мусобақалар уюштириш ёхуд илғор тажриба алмашишни ташкил этиш ва ҳ. к.

Маълумки, “Қўриқлаш” бирлашмаси томонидан бажариладиган мажбуриятларнинг хусусияти хизмат кўрсатиш ва унинг эвазига ҳақ олишнинг доимийлигидир. “Қўриқлаш” бирлашмасининг хизмат кўрсатиши ва бунинг учун буюртмачининг ҳақ тўлаши бир вақтда давом этадиган жараёндир. Бундай ҳолларда “Қўриқлаш” бирлашмаси кўрсатадиган хизматларнинг самарадорлиги доимий бўлмаган муддатга сақланади. Бинобарин, “Қўриқлаш” бирлашмасининг хизматларни бир вақтда кўрсатиши, буюртмачининг эса бошқа вақтда ҳақ тўлаши жараёнини тасаввур этиш қийин.

Қўриқлаш шартномаси мукамал бўлиши учун, биринчидан, амалдаги қонунчиликка мувофиқ келиши; иккинчидан, уни тарафлар манфаатлари доирасида тузиш, учинчидан, унда қонуний ва аниқ мақсаднинг назарда тутилиши, ниҳоят, тўртинчидан, тарафларнинг манфаатлари юридик жиҳатдан мустаҳкам ва тўла акс эттирилган бўлиши лозим.

Фикримизча, қўриқлаш шартномаларини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари туркумига киритиш ва уларнинг ҳуқуқий табиати Фуқаролик кодекси 703-моддасининг 2-бандига мос келишини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Чунки объектларни, фуқароларнинг хонадонларини шартнома асосида қўриқлаш натижасида “ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” шартномаларининг объекти бўлган муайян “ҳаракат” ёки “фаолият” амалга оширилади ва қўриқлаш шартномалари орқали кўрсатиладиган бундай хизмат замирида моддий манфаатдорлик ётади. Бунда хизмат кўрсатиш (объектларни ва фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш) натижасига эмас, балки унга олиб келган “ҳаракат”га ҳақ тўланади. Умумий қоидага кўра, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномалари сингари, қўриқлаш шартномаларини ҳам оммавий шартномалар турига киритиш мумкин, негаки “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларига мурожаат қилган барча шахсларга қўриқлаш хизмати кўрсатилади. Зеро, ҳақ эвазига тузиладиган шартномаларнинг барчаси бошқа фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларга қараганда, ижрочининг жавобгарлик доираси юқори даражада бўлиши билан ажралиб туради<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 38-бобининг 704-моддасида шундай дейилган: ”Шартномада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизмат (хизматлар)ни шахсан ўзи

---

<sup>1</sup> Қаранг: Степанов Д. Услуги как объект гражданских прав // Российская юстиция. – 2000. – № 2. – С. 18.

кўрсатиши шарт”. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, кўриқлаш шартномалари бўйича: биринчидан, “Кўриқлаш” хизмати (ижрочи) кўриқлаш хизматини шахсан кўрсатишга мажбур; иккинчидан, (шартнома мазмунида бошқача қоида белгиланмаган бўлса) “Кўриқлаш” хизмати (ижрочи)дан бошқа ҳеч қандай шахс “буюртмачи”га кўриқлаш хизматини кўрсатишга ҳақли эмас; учинчидан, ФКнинг 704-моддаси “мажбуриятларни бажариш тўғрисидаги умумий қоидалар”дан истисно ҳисобланиб, агар мажбуриятни қарздорнинг шахсан ўзи ижро этишга мажбурлиги қонун ҳужжатлари, шартнома ёки мажбуриятнинг моҳиятидан англашилмаса, кредитор қарздор учун учинчи шахс томонидан таклиф қилинган ижрони қабул қилиши шарт (ЎЗР ФК 244-модда, 2-банди).

Шундай экан, қонун чиқарувчи орган харидор сифатида буюртмачининг мулкӣ ҳуқуқлари моҳиятидан келиб чиқади.

Амалдаги норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларга биноан, кўриқлаш шартномасининг тузилишини иерархик асосда 10 қисмга бўлиш мумкин:

- 1) умумӣ қоидалар;
- 2) тарафларнинг ҳуқуқлари;
- 3) “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари;
- 4) “Кўриқлаш” хизматининг мажбуриятлари;
- 5) шартнома тарафларининг жавобгарлиги;
- 6) форс-мажор;
- 7) шартномада ҳисоб-китоб шартлари;
- 8) шартноманинг кўшимча шартлари;
- 9) шартноманинг амал қилиш муддати;
- 10) тарафларнинг реквизи́тлари (манзилгоҳлари, ҳисоб-китоб рақамлари ва ҳ. к.);

Кўриқлаш шартномасининг *биринчи қисми* шартноманинг номи, имзоланиш вақти ва жойи, шартнома тарафларининг номи, шартномани имзолувчи шахсларнинг тўлиқ номини ўз ичига олади. Биринчи қисмдаги бу қоидаларнинг шартномада аниқ ва тўлиқ ифодаланиши алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, шартнома номи унинг мазмунини бир кўришдаёқ англашда муҳим ўрин тутди.

Кўриқлаш шартномасининг *иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари* шартноманинг қуйидаги муҳим шартларидан ташкил топади:

- шартнома бўйича биринчи тарафнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- шартнома бўйича иккинчи тарафнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

- тарафлар мажбуриятларининг бажарилиш жойи;
- тарафлар мажбуриятларининг бажарилиш усуллари ва йўллари.

Ушбу шартларнинг мазмуни кўриқлаш шартномасининг қандай объектга нисбатан тузилишига боғлиқ бўлади ва Фуқаролик кодекси қоидалари асосида амалга оширилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунига асосан, кўриқлаш шартномаси субъектларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- ушбу кўриқлаш шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш, бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

- кўриқлаш шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш, бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

- давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимослар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

- бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

- кўриқлаш шартномаси субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усуллари кўллаш.

Фикримизча, кўриқлаш шартномалари кўриқланаётган объектнинг турига ва хусусиятларига қараб фарқланиши мумкин. Бинобарин, кўриқлаш шартномаларини қуйидаги иккита асосий турга бўлиш мумкин:

1. “Кўриқлаш” хизмати томонидан объектларни кўриқлаш шартномаси;
2. “Кўриқлаш” хизмати томонидан хонадон (уй)ларни кўриқлаш шартномаси.

Ушбу шартномаларни ҳам мазмуни жиҳатидан, ҳам тузилиш тартиби жиҳатидан алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

### ***“Кўриқлаш” хизмати томонидан объектларни кўриқлаш шартномаси***

Маълумки, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида объектларни кўриқлаш шартномасининг аҳамияти ортиб бормоқда, чунки мамлакатимизда бозор муносабатлари тизимини шакллантириш, унинг ҳуқуқий негизларини такомиллаштириш хўжалик юритувчи субъектлар доирасини, уларнинг

ҳуқуқлари ва имкониятларини ғоятда кенгайтирди<sup>1</sup>. Шу ўринда, статистик маълумотларга назар соладиган бўлсак, “бугунги кунда “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлим (бўлинма)лари томонидан 17 мингдан ортиқ объектлар шартнома асосида қўриқланаётганлиги, 1999 йилнинг ўзида эса шартнома асосида қўриқланаётган объектларда майда ўғирликлар содир этгани учун 19332 шахс ушланганлиги ва 31,9 млн. сўмликдан ортиқ моддий-товар бойликлари олиниб, мулк эгаларига қайтарилганлиги ушбу шартноманинг аҳамияти катта эканлигидан далолат беради”<sup>2</sup>.

Ушбу шартноманинг мазмунини таҳлил қилиб унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *объектларни қўриқлаш шартномаси* қўриқлаш бўлинмалари ўз зиммасига “буюртмачи” ташкилот, муассаса, корхоналарнинг мулкани қўриқлаш, белгиланган кириш-чиқиш ва рухсатномалар бериш тартибини таъминлаш ҳамда моддий бойликларни сақлаш мажбуриятини; “Буюртмачи” ташкилот, корхона, муассасалар эса қўриқлаш ходимлари хизматлари учун қулай шароитларни яратиб бериш ва уларга белгиланган тариф асосида ҳақ тўлаш мажбуриятини олишига асос бўладиган шартномадир.

Қўриқлаш шартномаларини тузиш учун таклиф киритаётган “буюртмачи” ташкилот, корхона ва муассасалар қуйидаги икки талабга жавоб беришлари шарт: биринчидан, булар “юримдик шахс” мақомига эга бўлишлари; иккинчидан, улар тузаётган қўриқлаш шартномалари ўзларининг таъсис ҳужжат (низом, устав ва ҳ. к.)ларига зид бўлмаслиги лозим.

Айни вақтда объектларни қўриқлаш шартномасини амалий ва назарий жиҳатдан таҳлил қилган ҳолда, ушбу шартнома қуйидаги фуқаровий-ҳуқуқий белгиларга эга, деган хулосага келиш мумкин бўлади:

– объектларни қўриқлаш шартномалари консенсуал шартномаларга киради, чунки улар тарафларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзаро келишиш ва бундай келишувни лозим тартибда расмийлаштириши пайтида вужудга келади;

– шартномада иштирок этувчи тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ўзаро тақсимланишига кўра, у икки томонлама шартнома ҳисобланади. Фуқаролик кодексига мустаҳкамлаб қўйилган шартномага берилган таърифдан кўриниб турибдики, ушбу шартномада икки тараф – “буюртмачи” юридик шахс ва “Қўриқлаш” хизмати қатнашади ҳамда ҳар иккаласи маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади: “буюртмачи” – объектларни қўриқлаш

---

<sup>1</sup> Тўраев А. У. Правовое положение юридических лиц как субъектов внешне экономических отношений: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1999. – С. 25.

<sup>2</sup> Қўриқлаш бирлашмаси материалларидан. – Т., 2000.

бўйича хизмат кўрсатишни талаб қилиш ҳуқуқи ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини, “Кўриқлаш” хизмати эса – тегишли объектни кўриқлаш мажбурияти ва шартномада келишилган хизмат ҳақини тўланишини талаб қилиш ҳуқуқини олади;

– объектларни кўриқлаш шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган (пулли) шартнома ҳисобланади. Бунда ҳар доим “Кўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг объектларни кўриқлаш хизмати эвазига “буюртмачи” муайян миқдорда ҳақ тўлайди;

– объектларни кўриқлаш шартномалари, бошқа фуқаровий-ҳуқуқий шартномалардан фарқли ўларок, профилактик хусусиятга эга, чунончи, бундай шартномалар кўриқланаётган объектда ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олишга қаратилган.

“Буюртмачи”нинг тегишли моддий бойликларни кўриқлашни ташкил қилиши ва амалга ошириши объектларни кўриқлаш шартномасининг предмети бўлиб ҳисобланади.

Айрим ҳолларда, республика аҳамиятига эга бўлган объектлар Ички ишлар вазирлиги ва тегишли вазирлик ўртасидаги ўзаро келишувга биноан, “Кўриқлаш” бирлашмаси томонидан шартнома тузилади. Масалан, давлат ҳудудидаги банк идораларини кўриқлаш шартномалари, Ички ишлар вазирлиги ва Марказий банк ўртасидаги ўзаро тасдиқланган қоидаларга асосан тузилади. Яна шуни таъкидлаш жоизки, республика аҳамиятига эга бўлган ва кўриқланиши лозим бўлган объектлар рўйхатини Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Амалиётда, баъзи ҳолларда кўриқлаш хизмати билан ташкилот, муассаса, корхоналар ўртасидаги келишмовчиликларни ҳал этишда объектларни тўғри баҳолаш катта аҳамият касб этади, яъни “кўриқланаётган хона, омбор, қурилиш иншооти кабилар мустақил объектми ёки кўриқланаётган асосий объект билан биттами?” деган саволни ечиш кўриқлаш хизматининг моддий жавобгарлиги ҳақидаги муаммонинг ҳал этилишига олиб келади<sup>1</sup>.

Мавжуд қоидага кўра, ишлаб чиқариш корхонаси ўз ҳудудида жойлашган ва унга бўйсунадиган иншоотлар билан бирга, уни кўриқлашга қўйилган постлар сонидан қатъи назар, битта объект бўлиб ҳисобланади. Масалан, база, дўкон, устахона, гараж, дорихона, ресторан, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари уларга тегишли бўлган омборлар, буфетлар билан

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Волошин Н., Мальцев В.* Рассмотрение арбитражами исков к вневедомственной охране // Советская юстиция. – 1970. – № 9. – С. 13-15.



бирга битта объект бўлиб ҳисобланади.

М. А. Ўтаев кўриқланадиган объектларни муҳимлигига қараб қуйидаги олти тоифага бўлган:

**биринчи тоифа** – саноат объектлари (завод, фабрика, комбинатлар), элеваторлар, саноат моллари омборлари, универмаглар, заргарлик, махсус во-сита, саноат моллари дўконларининг 1 ва 2-разрядлилари, ломбардлар;

**иккинчи тоифа** – биринчи тоифага кирмайдиган саноат моллари дўконлари, маданий моллар, галантерия, электр моллари дўконлари, гастро-номлар, омборлар (саноат моллари ва омборлардан ташқари), саноат моллари ва озиқ-овқат омборлари, тикув устахоналари ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, колбаса ва консерва маҳсулотлари цехлари, комбинатлар ҳудудидан ташқарида жойлашган қурилиш майдончалари;

**учинчи тоифа** – бозорларда жойлашган саноат моллари, киоскалар ва дўкончалар, автодўконлар, кимёвий тозалаш пунктлари, маъмурий бинолар, гаражлар, такси, автобус, троллейбус ва трамвай парклари, музейлар;

**тўртинчи тоифа** – хўжалик моллари ва озиқ-овқат дўконлари (бунга бозорларда жойлашганлари ҳам киради), омборлар (иккинчи тоифадан ташқари), дорихоналар, новвойхоналар, сабзаот сақлаш жойлари, кир ювиш шохобчалари ва қабул пунктлари, ресторанлар;

**бешинчи тоифа** – сабзаот дўконлари ва павильонлар, ошхоналар, кафелар, чойхоналар, поликлиникалар, касалхоналар, болалар боғчалари, су-ратхоналар, сартарошхоналар;

**олтинчи тоифа** – бозор ва унда жойлашган палаткалар, павильонлар, дўкончалар, чойхоналар, ошхоналар, сартарошхона кабилар киради<sup>1</sup>.

Фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида объектларнинг муҳимлигига қараб шартномани бундай тоифаларга ажратиш мумкин эмас. Негаки, Конституциянинг 53-моддасига асосан, “давлат барча мулк шаклла-рининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза эти-лишини кафолатлайди”. Ушбу конституциявий қонданнинг амалиётга татбиқ этилиши объектларни кўриқлаш шартномасини бундай тоифаларга бўлишни рад этади. Шу боис кўриқлаш шартномаларини предмети, шартлари, кўриқлаш усуллари, субъектлари ва бошқа хусусиятларига қараб қуйидаги тоифаларга бўлиш мақсадга мувофиқ:

1) юридик шахсларга қарашли объектларни кўриқлаш шартномаси:

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўтаев М. А. Соқчилик бўлинмалари томонидан объектлар ва фуқароларнинг хонадонларини кўриқлаш шартномаси. – Т., 1997. – Б. 4–5.

а) тижоратчи юридик шахсларга қарашли объектларни кўриқлаш шартномаси;

б) нотижоратчи юридик шахсларга қарашли объектларни кўриқлаш шартномаси;

2) юридик шахс бўлмаган тадбиркорларга қарашли объектларни кўриқлаш шартномаси.

Ёхуд объектларни кўриқлаш шартномаларини шартнома предметига, хусусан кўриқланадиган мулк шаклига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) хусусий мулк ҳисобланган объектларни кўриқлаш шартномаси;

2) давлат мулки ҳисобланган объектларни кўриқлаш шартномаси ва ҳ. к.

Шуни таъкидлаш жоизки, кўриқлаш шартномаларининг объектлари кўриқланиш усулига қараб бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Масалан, банкларни кўриқлаш усули озик-овқат дўконини кўриқлаш усулларида фарқ қилиши табиий. Айтайлик, банкларни “Кўриқлаш” хизмати ходимлари ёрдамида, озик-овқат дўконини эса МКП (марказий кўриқлаш пульти)дан фойдаланиб кўриқлаш мумкин. Лекин, муҳофаза қилиниши нуқтаи назаридан, барча объектлар ҳуқуқий жиҳатдан тенгдир.

Шу ўринда, юқорида билдирилган фикрларни Намунавий шартнома бандларига тегишли тартибда киритиш, яъни объектларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уларни кўриқлаш усуллари ва шартларини алоҳида белгилаш объектларни кўриқлаш шартномаларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз. Зеро, кўплаб корхоналар вужудга келаётган ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида уларни турли жинойий тажовузлардан кўриқлаш давр талабидир.

### ***“Кўриқлаш” хизмати томонидан фуқароларнинг хонадонларини кўриқлаш шартномаси***

Маълумки, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йилларида, давлатга тегишли бўлган уй-жойларнинг хусусийлаштирилиб, фуқароларга ўтказилиши хонадон (уй)ларни кўриқлашга доир муносабатларнинг кенгайишига, ушбу шартномалар моҳияти ва аҳамиятининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Зеро, мулкчиликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш биринчи даражали аҳамият касб этади, чунки у нафақат инсон эрки, ҳуқуқини акс эттирувчи бир йўналиш ва шаклни, балки ҳуқуқ ва эрк учун ривожланган асосни ҳам таш-

кил этади<sup>1</sup>.

Маълумки, фуқароларнинг меҳнат билан топилган даромадлари ва жамғармалари, турар-жой ва ёрдамчи хўжалиги, уй-рўзғор буюмлари, шахсий истеъмол буюмлари ва бошқа хусусий мулки ҳамда мулкка ворислик ҳуқуқи қонун билан қўриқланади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикасида, мулкнинг бошқа турлари каби, хусусий мулк ҳам маъмурий, жиноий, фуқаролик ва бошқа ҳуқуқий нормалар билан муҳофаза этилади.

Фуқароларнинг хусусий мулкларини қўриқлашда ички ишлар органларининг амалий фаолияти муҳим ўрин тутди, яъни фуқароларнинг хусусий мулкларини қўриқлаш жараёнида мулкка бўлган ҳуқуқни учинчи шахс томонидан бўладиган тажовуздан ҳимоя қилиш “Қўриқлаш” хизматининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Зеро, “эл-юртимизнинг, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсоннинг эсон-омонлиги бизнинг энг катта ютуғимиз ва бойлигимиздир. Бу бойликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, қадрига етиш – барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир”<sup>2</sup>.

Маълумки, мулк эгасининг қонуний ҳуқуқи бўлган эгалик ҳуқуқи асосан учинчи шахс (масалан, талончи, ўғри ва ҳ. к.) томонидан кўпроқ бузилади. Бу эса бевосита ички ишлар органларининг фаолияти билан боғлиқдир, чунки кўп ҳолларда эгалик ҳуқуқининг бузилишига сабаб бўлади.

Ички ишлар органлари йўқотилган ёки талон-тарож қилинган мулкни излаш жараёнида, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 228 ва 229-моддаларига асосан, мулкни бошқа кишининг ноқонуний эгалигидан қайтариб олиш тўғрисидаги даъвонинг қондирилишини таъминлайди. Булар фуқароларнинг мулкни қўриқлаш шакллари бўлиб, мулк эгасининг бузилган ҳуқуқи ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган.

Бундан ташқари, фуқаролар хусусий мулклари талон-тарож қилинишининг олдини олиш ички ишлар органларининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Маълумки, содир этилаётган жиноятлар ичида кўпроқ учраб турадигани хусусий мулкларни ўғирлаш ва ва бошқа хонадонларда яширин равишда содир этилаётган талон-тарожликлардир. Фуқаролар хусусий мулкларининг ўғирланишига қарши курашни кучайтириш катта аҳамият касб этади. Хонадонларда содир этиладиган ўғриликларнинг олдини олиш

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Таджиханов У.* Конституция суверенного Узбекистана: Вопросы реализации. – Т., 1995. – С. 13.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат хизмат қилишга хизмат этсин // *Каримов И. А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Т., 1999. – Т. 7. – Б. 102.

вазифаси кўп ҳолларда “Қўриқлаш” хизматининг ходимларига юклатилган. “Қўриқлаш” хизматининг олдига фуқароларнинг хусусий мулкларини кўриқлашни ташкил қилишдек муҳим вазифа кўйилган.

Мазкур шартноманинг мазмунини таҳлил қилиб, унга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *Хонадон (уй)ларни қўриқлаш шартномасига* асосан, “Қўриқлаш” хизмати ўз зиммасига “буюртмачи” фуқароларнинг мол-мулкни кўриқлашни амалга ошириш мажбуриятини олади. “Буюртмачи” фуқаролар эса “Қўриқлаш” хизмати ходимларига сигнализация воситалари билан жиҳозланган хонадонни топшириш ва белгиланган тариф асосида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Шартномада тараф сифатида қатнашган фуқаро муомала лаёқатига эга бўлиши шарт. Бинобарин, вояга етган, яъни 18 ёшга тўлган ва қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланмаган ҳар қандай шахс шартномада тараф сифатида иштирок эта олади.

Ушбу шартнома бўйича, кўриқлаш хизмати хонадондаги мулкни кўриқлаш мажбуриятини, хонадон эгаси эса кўриқлашни ташкил қилиш ва таъминлаш билан боғлиқ харажатларни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бу шартноманинг ўзига хос томони шундаки, унда, бир томондан, фуқаролар, иккинчи томондан, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган “Қўриқлаш” хизмати унинг иштирокчилари бўлиб қатнашадилар. Шартнома хонадонни кўриқлаш шартномаси деб аталгани билан, аслида, хонадонда мавжуд бўлган моддий бойликлар шартноманинг объектини ташкил қилади. Бу, ўз навбатида, қуйидаги бир неча саволлар туғилишига олиб келади:

– “Қўриқлаш” хизмати ходимлари хонадондаги бутун мулкнинг сақланиши учун жавоб берадиларми ёки фақат шу фуқароларнинг шахсий мулки бўлган мулк учунми?

– “Қўриқлаш” бирлашмаси ходимлари фақат тузилган вақтда мавжуд бўлган мулкнинг сақланишига жавобгармилар ёки мажбурият барча мулкка тегишлими?

Намунавий шартномада матнида айтиб ўтилганидек, “хонадон эгаси хонадонда мавжуд бўлган мулкни у ёки бу нархда баҳолайди”<sup>1</sup>. Демак, шартнома матнидан хонадон эгаси ким бўлишидан қатъи назар, хонадонда мавжуд бўлган мулкнинг ҳаммаси *шартнома объекти* бўлиб ҳисобланиши келиб чиқади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органлари ҳузуридаги кўриқлаш бўлинмалари томонидан объектларни кўриқлаш тўғрисидаги намунавий шартномани тасдиқлаш ҳақида”ги 450-Ф-сонли 1992 йил 15 декабрь фармойиши.

Хонадонда мавжуд бўлган мулкни бошқа кишининг назоратсиз хонадон эгасининг ўзи баҳолайди. Агар шартнома амал қилаётган даврда хонадон эгаси яна бирор нарса, айтайлик, магнитофон, гилам олса-ю, ушбу буюмлар ўғирланса, уларни қўриқланаётган объектга қўшиш мумкинми, деган савол туғилиши, табиий.

Намунавий шартнома матнига кўра, “Қўриқлаш” хизмати ходимлари ҳар қандай ўғирланган мулк учун фақат шартнома тузилаётган вақтда белгиланган нарх доирасида жавобгардирлар, деган хулосага келиш мумкин. Масаланинг бошқача ҳал қилиниши мулклар рўйхатини қайтадан тузишни талаб қилган бўлар эди.

Хонадонни қўриқлаш шартномасининг юридик хусусияти ҳақида қуйидаги хулосага келиш мумкин: бу шартнома *икки томонлама* бўлиб, хусусан, ҳар икки томон ҳам мажбуриятга, ҳам талаб қилиш ҳуқуқларига эгадир. Хонадонни қўриқлаш шартномаси *ҳақ бараварига* тузилади, чунки икки томон ҳам мулкнинг манфаатдордир: биринчи томон – мулкнинг сақланишидан, иккинчи томон – қўриқлаётгани учун ҳақ олишдан.

Шу ўринда, шартнома реалми ёки консенсуалми, деган савол туғилади. Намунавий шартномада: “шартнома хонадон қўриқлаш учун қабул қилиниб олган вақтдан бошлаб кучга киради”, дейилган.

Бундан кўриниб турибдики, икки томон келишувининг ҳатто ёзма тарзда бўлиши ҳам, шартноманинг кучга кириши учун ҳали етарли эмас. Бунинг учун хонадонни марказий кузатув пультага қўшиб, қўриқлаш учун топшириш талаб этилади. Мана шу вақтдан эътиборан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юзага келганлиги ҳақида гапириш мумкин. Хонадоннинг қўриқлаш учун топширилганлиги учун махсус ҳужжатда белгилаб қўйилади.

Шундай қилиб, хонадонни қўриқлаш шартномасини *реал шартнома* қаторига киритиш мумкин.

Хонадонни қўриқлаш шартномасининг объектларни қўриқлаш шартномаси билан ўхшашлик томони ҳам мавжуд. Иккала шартномада ҳам “Қўриқлаш” хизмати ходимларига муайян мулкни сақлаш мажбурияти юклатилади. Иккала шартномада ҳам “Қўриқлаш” хизмати ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни, яъни давлат ва хусусий мулкни қўриқлаш вазифасини амалга оширади. Иккала шартнома ҳам, мулк шакллари қўриқлашдан ташқари, ички ишлар органларига ҳуқуққа хилоф тажовузларга қарши курашда ёрдам бериши мумкин.

Шартномалар ўртасидаги фарқ масаласига келадиган бўлсак, у кўзга

кўринарли хусусиятга эга.

Собиқ Иттифоқ даврида фақатгина юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ташкилотларгина объектларни кўриқлаш шартномасининг иштирокчилари бўла олар эдилар. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида эса “юридик шахс” мақомига эга бўлмаган, аммо тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар ҳам объектларни кўриқлаш шартномасининг субъекти бўлиши мумкин. Негаки, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, тадбиркорлар хусусий корхоналар ва бошқа объектларга эгалик қиладилар<sup>1</sup>. Хонадонни кўриқлаш шартномасида эса иккинчи томон сифатида фақат фуқаролар қатнашадилар. Кўриқлаш объектини биринчи ҳолда юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ташкилотларнинг мулки, иккинчи ҳолда эса хусусий мулк ташкил этади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда объектларни кўриқлашнинг икки томон учун мажбурий бўлган шартномасини тузиш назарда тутилган. Бинобарин, иккала томон ҳам шартнома тузишга мажбур. Объектларни кўриқлаш шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юзага келишига махсус юридик ҳужжат: маъмурий далолатнома ва шартнома асос бўлиб ҳисобланади. Хонадонни кўриқлаш шартномаси бўйича эса ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг юзага келиши учун фақат шартноманинг мавжудлиги кифоя қилади.

Маълумки, объектларни кўриқлаш техник воситалар, “Кўриқлаш” хизмати ходимларининг постлари ёрдамида ёки иккаласини бирлаштирган ҳолда, хонадонни кўриқлаш эса, асосан сигнализация воситалари ёрдамида амалга оширилади. Аммо шартнома объекти, айтайлик, 30 хонали коттеж ёки ҳовли ҳудуди ярим гектар бўлса-чи? Фикримизча, бундай ҳолларда албатта, “Кўриқлаш” хизмати постлар ташкил этиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг хонадон (уй)ларини кўриқлаш тўғрисидаги шартномани тузишнинг ўзига хос жиҳатлари ташкилотларнинг мулкларини кўриқлаш шартномасидан фарқ қилади, шу билан бирга, барча фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар ичида хонадонларни кўриқлаш шартномаси мазмунан омонат сақлаш шартномасига яқиндир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 875-моддасига асосан, омонат сақлаш шартномаси ашёни топшириш асосида тузилади, лекин, фарқи шундаки,

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 1992. – 53-м.; Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 2000 йил 25 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2000. – № 5-6. – 140-м.

фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш шартномаси бўйича фуқаро моддий бойликларни “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлимларига топширмайди, балки улар ушбу моддий бойликларни турган жойида қўриқлайдилар.

Иккинчидан, омонат сақлаш шартномаси ҳақ бараварига ёки текинга тузилиши, реал ёки консенсуал бўлиши мумкин. Хонадонларни қўриқлаш шартномаси эса доимо ҳақ бараварига ва реал тузилади. Қўриқлаш шартномаси мулкларнинг сақланишини таъминлаш шаклида бўлиб, хизмат кўрсатишга йўналтирилгандир.

Шунингдек, юқорида кўрсатилган шартномаларни субъектлар таркиби бўйича ҳам таснифлаш мумкин: омонат сақлаш шартномасида омонат сақловчи сифатида ташкилотлар ҳам, фуқаролар ҳам, қўриқлаш шартномасида эса ИИБ тизимидаги махсус ташкилот – “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлимлари иштирок этиши мумкин.

Хонадонларни қўриқлаш шартномаси пудрат шартномасига ҳам ўхшаб кетади: иккала шартнома ҳам бошқа тарафнинг топшириғини бажаришга қаратилган, лекин уларнинг мақсад ва вазифалари турлича. Хонадонларни қўриқлаш шартномаси фуқаролар мулкларининг муҳофаза этилишини таъминлашга қаратилган бўлса, пудрат шартномасиники эса янги моддий объектларни тайёрлаш ёки унга ишлов беришдан иборат.

Фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш шартномаси билан уй мулкларини суғурта қилиш шартномаси ўртасида ҳам ўхшашлик мавжуд: биринчидан, ҳар иккала шартнома ҳам фуқароларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилишга, уларга етказилган зарарни қоплашга қаратилган; иккинчидан, таққосланаётган иккала шартномада ҳам, бир томондан – фуқаролар, иккинчи томондан – ташкилотлар (“Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлимлари, суғурта ташкилотлари) иштирок этадилар; учинчидан, ҳар иккала шартнома ҳам фуқаронинг хоҳиш-иродаси асосида тузилади.

Аммо айна пайтда таққосланаётган ушбу шартномалар ўртасида қуйидаги айрим фарқлар ҳам мавжуд: уй мулкларини суғурта қилиш шартномасида ўғрилиқ натижасида етказилган зарарни қоплаш мақсад қилиб қўйилмаган, хонадонларни қўриқлаш шартномаси эса, энг аввало, фуқаролар мулкларининг ўғирланишига йўл қўймасликка (бунинг олдини олишга) қаратилган, ўғрилиқ натижасида зарар етказилган бўлса, албатта, “Қўриқлаш” бирлашмаси мулкӣ жавобгарликка тортилади.

Шунинг учун фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш шартномасини бошқа шартномалар билан таққослаганда шу ҳолат кузатиладики,

кўрилатган шартномаларнинг ўхшаш томонлари кўп бўлса-да, аммо ҳар бири мустақил фуқаровий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Айни вақтда, фуқароларнинг хонадонларини кўриқлаш шартномасининг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини таъкидлаш жоиз:

- шартноманинг профилактик йўналишга эга эканлиги;
- шартномани фақат техник воситалардан фойдаланиш орқали бажариш мумкинлиги;

– фуқароларга хизмат кўрсатиш доирасидаги шартнома эканлиги ва ҳ.к.

Шу билан бирга, фуқароларнинг хонадонларини кўриқлаш шартномасини таҳлил қилганда, Фуқаролик кодексининг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деган 38-бобининг умумий қоидалари кўзга ташланади: биринчидан, фуқароларга хизмат кўрсатиш муносабатлари (хонадонларни кўриқлаш шартномаси)да ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва баҳоси *аввалдан* келишиб олинади; иккинчидан, хизмат кўрсатиш шартномаси, шунингдек, фуқароларнинг хонадонларини кўриқлаш шартномасидан кўзланган мақсад, фуқароларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, ўйлаймизки, фуқароларнинг мулкларини ва хонадонларини кўриқлаш шартномасини тузиш жараёнида фуқароларга хизмат кўрсатишга доир умумий қоидаларни ҳисобга олиш зарур. Зеро, ишлар ва хизматлар фуқаро ва ташкилотларга кўрсатиладиган ҳуқуқий муносабатларнинг объектлари бўлиб ҳисобланади<sup>1</sup>.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясида сўзлаган нутқида бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз бу – умумий хонадонимиз – мустақил Ўзбекистонда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик эканлигини таъкидлаб ўтди. Бу мақсадни амалга оширишда “Кўриқлаш” хизматининг ўрни бениҳоя катта. Зеро, “жорий йилнинг шу даврига қадар фуқароларнинг 5 мингга яқин хонадони “Кўриқлаш” хизмати ҳимоясига олинганлиги, жами 24 мингдан ортиқ хонадон шартнома асосида кўриқланаётганлиги, биргина 1999 йилнинг ўзида кўриқланаётган фуқароларнинг хонадонларида 115та ўғирликнинг олди олинганлиги бунинг яққол мисолидир”<sup>2</sup>.

Шундай қилиб, “Кўриқлаш” бирлашмаси таркибида шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таҳлил этадиган ва унинг фаолиятини тако-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Ибратов Б.* Служба быта и права потребителя. – Т., 1992. – С. 35–40; *Беленков Р.* Гражданское право. – М., 1998. – Ч. 1. – С. 37.

<sup>2</sup> “Кўриқлаш” бирлашмаси материалларидан. – Т., 2000.



миллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқадиган ”таҳлилий бўлим”ни ташкил этиш, Намунавий шартнома бандларига Фуқаролик кодексининг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” боби қоидаларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Негаки, бутун дунёда нафақат “бююртмачи” ташкилот, корхона, муассаса ва фуқароларнинг мулкларини қўриқлаш соҳасида, балки барча хўжалик муносабатларининг шаклланишида шартнома асосий ўрин тутди, чунки у орқали томонлар ўзларининг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларини бошқалар бузмаслигини талаб қилиш ҳуқуқига ва худди шундай ўзлари ҳам жавоб бериш мажбуриятига эга бўладилар.

### **3.2. Қўриқлаш шартномасини тузиш асослари ва тартиби**

Бозор иқтисодиёти шароитида нафақат қўриқлаш шартномалари, балки, умуман, барча шартномаларнинг натижаси бевосита уни тузиш тартибига боғлиқ. Шу боис ҳам объектларни ва фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш шартномаларини тузиш асослари ва тартибини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, қўриқлаш шартномаларининг тарафлари “Қўриқлаш” хизмати ва “хўжалик органи”<sup>1</sup> ҳисобланади. Бунда “бююртмачи” сифатида фуқаролар ва юридик шахслар қатнашиши мумкин.

*Амалиётда шартнома қуйидаги тартибда тузилади:* “Бююртмачи” “Қўриқлаш” хизматига ёзма равишда мурожаат қилади. Мурожаат қабул қилинганидан сўнг “Қўриқлаш” хизмати ва “бююртмачи” юридик шахснинг вакилларида иборат муассасалараро комиссия тузилади, қўриқланиши лозим бўлган объектлар кўздан кечирилади ва далолатнома тузилади. “Бююртмачи” тегишли мулк (объект)ларнинг қўриқланиши учун зарур шароитни яратиши ва ҳақ тўлаши шарт.

Фуқаролик кодекси 364-моддасининг 3-қисмида, шартномалар тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақидаги таклиф) йўллаши ва иккинчи тарафнинг уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилиши белгилаб қўйилган.

Қўриқлаш шартномаларини тузишда тарафлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига киритилаётган янгиликлардан шартноманинг шак-

---

<sup>1</sup> Бундан кейин “хўжалик органи” иборасини “бююртмачи” сўзи билан алмаштирган ҳолда ишлатамиз. Чунки “бююртмачи” сўзи кенг маънода ишлатилиб, бунга ташкилот, муассаса, корхона ва бошқа ҳуқуқ субъектлари киради.

лига нисбатан назарда тутилган талабларга эътибор бериши лозим. Негаки, “унда шартнома тузиш учун таклифларни жўнатиш ва қабул қилишда ҳозирги замонда алоқа ўрнатиш воситаларининг ривожланган бўлиши ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги ҳисобга олинди”<sup>1</sup>. Қўриқлаш шартномалари шаклини танлашда тарафларга чегара белгиланган эмас. Умуман, шартнома учун қонунда муайян бир шакл белгилаб қўйилмаган бўлса, у битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин. Фуқаролик кодекси 370-моддасининг 4-қисмига кўра, “бююртмачи” ташкилот, муассаса, корхона ва фуқаролар томонидан йўлланган таклифни (офертани) акцептлаш учун олган “Қўриқлаш” хизматининг (акцептантнинг) шартномага тегишли маълум ҳаракатларни бажариши қўриқлаш шартномасини тузишга берган розилиги деб ҳисобланади.

“Қўриқлаш” хизмати томонидан тузиладиган қўриқлаш шартномаси, “Намунавий шартнома”нинг 22-бандида назарда тутилганидек, ёзма шаклда тузилади.

Фуқаролик кодексининг 364-моддаси, шунингдек, Намунавий шартноманинг қоидаларига мувофиқ, агар тарафлар ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари юзасидан шундай ҳолларда талаб қилинадиган шаклда келишувга эришилган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Албатта, қўриқлаш шартномаларини тузиш учун бир тараф иккинчи тарафни мажбур қила олмайди, чунки шартномавий муносабатларга кирувчилар эркин ва тенг ҳуқуқлилик принципига асосланади<sup>2</sup>. Бинобарин, ҳеч қайси тараф қўриқлаш шартномаларини тузишга мажбур қилинмайди. Бироқ, айрим ҳолларда (масалан, ИИВ ва тегишли вазирлик ўртасида тасдиқланган қоидаларга биноан, қуйи бўғинлар учун), мажбурий шартнома ҳам тузилиши мумкин. Бунда Фуқаролик кодексининг 377-моддасига биноан, қўриқлаш шартномаларини тузиш ўзи учун мажбурий бўлган тараф оферта олган кундан бошлаб 30 кун ичида бошқа тарафга акцепт тўғрисида, акцептдан воз кечиш ҳақида ёки бошқача шартлар асосида акцептлаш ҳақида (шартнома лойиҳасига ўзининг эътирозлари баённомасини қўшган ҳолда) билдирмоғи лозим. Башарти, қўриқлаш шартномаларини тузиш оферент (“бююртмачи” ташкилот ва фуқаролар) учун мажбурий бўлса-ю, у таклифларига бошқача шартлар асосида акцептлаш олса (шартнома лойиҳасига эътирозлар баённомаси билан

---

<sup>1</sup> Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ. Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 495.

<sup>2</sup> Қаранг: Эгамбердиев Э. Мулкий муносабатлар ёхуд шартнома муносабатлари // Ҳаёт ва қонун. – 2000. – № 10. – Б. 16-20.

бирга), у ҳолда бу тараф билдириш – хабарнома олинган ёки акцепт муддати тамом бўлган кундан бошлаб, 30 кун ичида келишмовчиликларни бартараф этиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли бўлади. Шунингдек, “шартнома тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф уни шартнома тузишга мажбур этиш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақли. Шартнома тузишдан асоссиз бўйин товлаётган тараф шу туфайли етказилаётган зиённи бошқа тарафга тўлаши шарт”<sup>1</sup>.

“Қўриқлаш” хизмати ўз фаолияти билан фақат шартнома тузган фуқароларнинг ёки корхона, ташкилотларнинг мулкларини эмас, балки, ички ишлар органларининг муҳим бўғини сифатида, ўзларига бириктирилмаган объектларни ҳам қўриқлашлари лозим бўлади. Лекин, шуни инобатга олиш зарурки, бириктирилмаган объектларни қўриқлаш фаолияти объектларни қўриқлаш бўйича ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди, балки уларнинг мулкчиликнинг барча шакллари муҳофаза қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш каби конституциявий вазифаларидан келиб чиқади. Масалан, 1998 йилда Қашқадарё вилояти Китоб тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимининг ходими милиция сафдори З. Исаев иштирокидаги тезкор гуруҳ олиб борган тадбирлар натижасида ип-йигирув фабрикаси яқинида фуқаро А. А. 180 грамм наркотик модда – марихуанани 20 минг сўмга сотаётган пайтда қўлга тушган<sup>1</sup>. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ушбу ҳолларда “Қўриқлаш” хизмати ходимларининг жиноятларнинг олдини олиши уларнинг шартномавий мажбуриятларидан эмас, балки ички ишлар идоралари ходими сифатидаги вазифаларидан келиб чиқмоқда. Бундай вазиятларда “Қўриқлаш” хизмати етказилган зарар учун моддий жавобгарликни бўйнига олмайди. “Буюртмачи” юридик шахс ёки фуқаро объектни қўриқлаш тўғрисида шартнома тузганидан сўнггина, бу объектларнинг қўриқланишини ташкил қилади ва таъминлайди.

Амалиётда қўриқлаш шартномаларини ўзгартириш ва бекор қилиш ҳоллари ҳам кўплаб учраб туради. Умуман, бозор муносабатларига ўтиш давридаги ўзгарувчан шароитда шартнома тузилганидан кейин тарафлар унинг айрим шартларини ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки шартномани бекор қилишни истаб қолишлари табиий.

Фуқаролик кодексининг 382-моддасида қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қўриқлаш шартнома-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т., 1996. – Б. 290.

си тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкинлиги, бунда шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки қўриқлаш шартномасининг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Демак, умумий қоидага кўра, қўриқлаш шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш тарафларнинг ўзаро келишуви бўлгандагина амалга оширилади.

Агар манфаатдор тараф қўриқлаш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш зарур деб ҳисобласа, бу ҳақда Намунавий шартнома қоидаларига биноан иккинчи тарафни камида 15 кун олдин хабардор қилиши зарур. Лекин, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддасига биноан, манфаатдор тараф шартномани муддатидан олдин бекор қилиш зарур деб ҳисобласа, иккинчи тарафни камида 30 кун олдин хабардор қилиши лозим ва бу муддатни Намунавий шартнома бандларига киритиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг битимлар ҳақиқий эмаслигининг оқибатларига бағишланган 114-моддаси 2-бандига асосан, ҳақиқий бўлмаган қўриқлаш шартномалари бўйича хизматлар кўрсатилганда, тарафларнинг икки томонлама реституцияси (ҳуқуқда “реституция” сўзи тиклаш маъносини англатади) даврида, бошқа тарафга унинг қийматини пул билан тўлаши шарт ва бу иборани Намунавий шартнома қоидаларига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Қўриқлаш шартномасининг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби, агар шартномада белгиланмаган бўлса — номуайян муддатга, агар белгиланган бўлиб, тарафлар бунга эътироз билдирмаса — яна ўша муддатга тузилган ҳисобланади (Намунавий шартноманинг 22-банди).

Тажрибадан маълумки, объектларни қўриқлашга доир шартномавий муносабатларнинг юзага келиши учун иккита юридик факт асос бўлиб хизмат килади. Биринчидан, керакли маъмурий ҳужжат расмийлаштирилиши лозим. Маъмурий ҳужжат объектларни қўриқлаш тартибини белгилайди. Республика ва вилоят аҳамиятига молик объектларни республика ИИВ ва вилоят ички ишлар бошқармаси белгилайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳужжат тегишли вазирлик билан келишилган ҳолда расмийлаштирилади. Иккинчидан, “Буюртмачи” ва “Қўриқлаш” хизмати ўртасида фуқаровий-ҳуқуқий мажбуриятларнинг юзага келиши учун юридик факт, яъни шартнома тузилиши зарур. Одатда шартнома тузиш ташаббуси, энг аввало, “Буюртмачи” юридик шахслардан чиқади. Улар бу ҳақда “Қўриқлаш” бўлинмаларига ёзма

---

<sup>1</sup> “Қўриқлаш” бирлашмаси материалларидан. – Т., 1999.

равишда мурожаат қиладилар.

Бўлинма раҳбари ёзма ахборотни олиб, “Буюртмачи”нинг айрим шартларни бажаришига оид масалани кўриб чиқади. Бу шартлар қонун ҳужжаларида белгиланган бўлиши керак. “Буюртмачи” юридик шахснинг раҳбари ва кўриқлаш бўлинмасининг бошлиғи объектни қабул қилиш ва топшириш юзасидан комиссия тузадилар. Комиссия объектларни кўриб чиқади, объектни қабул қилиш ва топшириш юзасидан ўз фикрини билдиради ҳамда уни шартномада қайд этади.

“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 13-моддасига биноан, шартнома юридик шахс раҳбарининг имзоси ва, асосийси, муҳр билан тасдиқланмоғи лозим. Шу билан бирга, 14-моддага асосан, агар тарафлар ўртасида тегишли ҳолларда талаб этилган шаклда шартноманинг барча муҳим шартлари бўйича келишувга эришилган бўлса, кўриқлаш шартномаси тузилган деб ҳисобланади. Мазкур қонунга асосан, кўриқлаш шартномаси тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш таклифи) йўллаши ва иккинчисининг акцепт (таклифни қабул қилганлик ҳақидаги жавоб) юбориши йўли билан тузилади<sup>1</sup>.

Агар кўриқланиши лозим бўлган объект қабул қилиш ва топширишга тайёр бўлса, томонлар шартнома тузадилар. Шартнома Намунавий шартнома бандларига асосан, қуйидаги зарур қисм (реквизит)ларни ўз ичига олиши зарур: умумий қоидалар; тарафларнинг ҳуқуқлари; “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари; “Кўриқлаш” хизматининг мажбуриятлари; шартнома тарафларининг жавобгарлиги; форс-мажор ҳолатлари; шартномада ҳисоб-китоб шартлари; шартноманинг қўшимча шартлари; шартноманинг амал қилиш муддати; тарафларнинг реквизитлари (манзилгоҳлари, ҳисоб-китоб варақлари) ва ҳ. к.

Шартномага кўриқланадиган объектлар тартиби, тавсифи, кўриқлаш йўриқномаси ва бошқа ҳужжатлар илова тарзида қўшилади.

**Хонадонни кўриқлаш шартномаси** бир йил муддатга тузилади. Бу шартномани тузиш таклифи (оферта), авваламбор, хонадон эгасидан чиқади, яъни уй эгаси “Кўриқлаш” бўлимининг бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилганидан сўнг, бу хонадонни МҚП (марказий кўриқлаш пульти)га улаш ишлари амалга оширилиши зарур ва бунинг учун кетган харажатларни хонадон эгаси қоплаши керак. Жавобгар хонадон эгаси шартнома амал

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – № 9. – 170-м.

қилаётган давр ичида хонадонни қўриқлаш учун “Қўриқлаш” хизмати ходимларига истаган вақтида топшириши мумкин.

Хонадонни қанча вақт қўриқлашни хонадон эгаси ҳар бир ҳолда алоҳида белгилайди. Бу бир неча ой, ҳафта, кун ёки соат бўлиши мумкин. Хонадонни эгалари уйдан чиқиб кетмай туриб ҳам қўриқлаш мумкин (масалан, кечаси). Амалиётнинг кўрсатишича, ушбу вариант одатда кўпроқ қўлланилади. Шартноманинг биз сўз юритаётган тури дам олишга ёки таътилга кетаётган шахслар учун жуда катта аҳамият касб этади.

Хонадонни қўриқлаш учун тўлов ўзаро белгиланган тариф бўйича ҳар ойда амалга оширилади. Яъни “Қўриқлаш” хизматидан бир йилда бир ой (таътил вақтида) фойдаланадиган хонадон эгаси ҳам, ҳар куни (ишга кетаётиб, дўконга, театр ва бошқаларга кетаётиб) фойдаланадиган хонадон эгаси ҳам 12 ой учун бир хилда ҳақ тўлайди. Кейинги ўринларда шартноманинг ҳар хил турини кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир. Бу шартномалар турлари хонадоннинг амалда қўриқланаётган вақтига қараб тузилади ва тариф ҳам шунга қараб белгиланади. Шу маънода, хонадон (уй)ларни қўриқлаш шартномасида кўрсатиладиган “нарх”ни республикамизда ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари томонидан келишилган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада Россиянинг баъзи шаҳарларида тўпланган тажриба эътиборга молик. Масалан, 2000 йилда бундай тартиб амалга оширилаётган Москва шаҳрида амалдаги қўриқлаш шартномасига биноан хонадон эгаси томонидан ойига 50 рубль атрофида, Мурманск шаҳрида 180 рубль тўланади. Албатта, шу ўринда “нима учун бир хил ишга ҳар хил баҳо белгиланади?” деган саволнинг туғилиши табиий. Бундай баҳонинг белгиланиши қўриқлаш бўлинмаларининг МҚП (марказий қўриқлаш пульти)га уланган хонадонларнинг сонига тескари пропорционал равишда боғлиқ. Туман ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси МҚПга тузилган қўриқлаш шартномасига биноан қанчалик кўп хонадонлар уланса, шартнома баҳоси ҳам шунчалик арзон бўлади.

Шунингдек, бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий принципларидан бири – “кучли ижтимоий сиёсат” принципи амалга оширилаётган бир пайтда, кам таъминланган оилалар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан тузиладиган ўзаро қўриқлаш шартномаларида “нарх”нинг белгиланишида имтиёзлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Масалан, Карелия Республикаси ИИБ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмаси томонидан хонадон (уй)ларни қўриқлаш шартномаларида ўртача 110 рубль белгиланган бўлса, Улуғ Ватан

уруши қатнашчилари ва ногиронларига, Чернобиль фалокатидан жабрланганларга шартнома баҳосини 50 фоизгача камайтириш имтиёз сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, амалиётда МҚПга уланган хонадонга сигнал бўйича “Қўриқлаш” хизмати ходимларининг ўз вақтида етиб келмаслик ҳоллари ҳам кўплаб учрайди. Фикримизча, бундай ҳолларнинг олдини олиш мақсадида, хонадонларни қўриқлаш шартномаларини узоқда жойлашган туман ички ишлар идоралари ҳузуридаги “Қўриқлаш” бўлинмалари билан эмас, балки, қайси туманда жойлашганлигидан қатъи назар, яқинроқдаги “Қўриқлаш” хизмати билан тузиш ёки, “худудий” принцип бузилмаслиги учун, ҳар бир аҳоли пунктида МҚП (марказий қўриқлаш пульслари)ни ташкил этиш зарур. Бу қондани Намунавий шартнома бандларида ҳам белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ, чунки бу амалиётда “Қўриқлаш” хизмати ходимларининг хонадонларга ўз вақтида етиб боришларига ёрдам беради.

Умуман олганда, қўриқлаш шартномалари томонларнинг хоҳиш-иродасини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бир қаторда, жавобгарликларини ифодаловчи ҳужжат бўлганлиги учун, уларни юридик ва техникавий нуқтаи назардан тўғри расмийлаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки нафақат қўриқлаш шартномалари, балки барча шартномалар хўжалик судида тарафлар ўртасида баҳс-тортишув вужудга келганда муҳим исбот-далил бўлиши билан бир пайтда, айбдор тараф жавобгарликдан қочиб кета олмаслигини, жабрланувчи тараф эса ҳимоя воситаси эканлигини тушуниб етади<sup>1</sup>.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги қонунчилик асосларига, хусусан Фуқаролик кодексининг шартнома тўғрисидаги умумий қоидаларига, шунингдек “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун талабларига мос равишда махсус “Қўриқлаш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ҳамда “Ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари томонидан объектларни қўриқлаш тўғрисида Намунавий шартнома”ни қайта ишлаб, амалиётга татбиқ этиш, “Қўриқлаш” хизматининг масъул ходимлари томонидан корхоналар, ташкилот, муассасаларда ва фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш – қўриқлаш шартномаларини янада такомиллаштиришда, “Қўриқлаш” хизмати фаолиятини ривожлантиришда муҳим кадам бўлур эди. Зеро, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов аниқ таърифлаганидек, “қонунчилик ва меъёрий асосларни шакллантириш жамиятни ўзгартириш ва

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Дашков Л. П., Брызгалов А. В.* Коммерческий договор: от заключения до исполнения. – М., 1995. – С. 23.

ислоҳ этиш жараёнидан олдинроқ юриши керак”<sup>1</sup>. Бунинг учун биринчи галда, барча соҳалардаги раҳбар ходимлар, барча мутахассислар ҳуқуқий билимларни эгаллаши керак. Иккинчидан, матбуот, телевидение ва радио орқали бериладиган маърифий мавзудаги кўрсатув ва материалларни кўпайтириш зарур<sup>2</sup>. Бу соҳада эса “Қўриқлаш” хизматининг ходимлари ўз ҳиссаларини кўшишлари лозим.

### **3.3. Қўриқлаш шартномасининг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Юқорида кўриб чиққанemizдек, қўриқлаш шартномасининг алоҳида икки тури бўйича ҳам ҳар икки тарафда ҳуқуқ ва мажбуриятлар келиб чиқади. Ушбу шартномаларда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, чунки шартноманинг бажарилиши ёки лозим даражада бажарилиши тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бевосита боғлиқдир.

#### ***Объектларни қўриқлаш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари***

Объектларни қўриқлаш шартномасининг тарафлари норматив ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 15 декабрдаги 450–Ф-сонли фармойиши билан тасдиқланган Намунавий шартнома қоидаларида назарда тутилган бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Чунончи, **“Қўриқлаш” хизмати:** моддий бойликларни қўриқлашни ташкил этиш, қўриқланадиган объектларга бегона кишиларнинг киришига йўл қўймаслик; объектларда кириш-чиқиш тартибини ташкил қилиш, моддий бойликларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилишини назорат қилиш; иш куни тугаши билан “буюртмачи” ташкилотга объектлардан ҳамма чиқиб кетганлигини хабар қилиш; “буюртмачи” ташкилот билан ҳамкорликда объектда техника воситаларини татбиқ этиш ва улардан фойдаланиш; ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини таъминлаш ва ёнғин чиқиб қолган тақдирда ёнғинни ўчириш қисмларига хабар қилиш, ёнғинни бартараф этиш учун барча чораларни кўриш; айрим белгиланган ҳолларда “буюртмачи”

---

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда // Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. – Т., 1999. – Т. 7. – Б. 383.

<sup>2</sup> Қаранг: Воҳидов З. Ҳуқуқий давлат мезони // Ҳуқуқий демократик ислохотлар. – Т., 1997. – Б. 35.



ташкilotдан мухр ва пломбаларни қабул қилиш; шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш; хўжалик судига ўзининг бузилган ёки даъво қилинаётган ҳуқуқларини ёхуд қонуний манфаатларини ҳимоя этишни сўраб мурожаат этиш; кўриқланадиган объектларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шартларга, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга аниқлик киритишга мажбур бўлади. Шу ўринда, фикримизча, объектларни кўриқлаш шартномаси “ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” шартномалари туркумига кирганлиги боис, “Кўриқлаш” хизмати, Фуқаролик кодексининг 705-моддасига кўра, “бююртмачи” ташкilotлардан шартномада назарда тутилган пул суммасини ўз вақтида тўлашни “Кўриқлаш” хизмати талаб қилишга ҳақли бўлса, 704-моддасига биноан, шахсан ўзи хизмат (хизматлар)ни кўрсатиши лозим бўлади. Ва айнан ушбу моддани белгилашда парламент харидор сифатида “бююртмачи”нинг мулкый ҳуқуқлари устунлигидан келиб чиққан, деган хулосага келиш мумкин<sup>1</sup>.

Шу билан бир қаторда, “Кўриқлаш” хизматига шартнома бўйича *қўшимча мажбуриятлар*, хусусан, ёнғинга қарши ишларни амалга ошириш; маҳсулотларни ташиш вақтида кўриқлаш ва пул маблағлари билан бораётган кассирларни кўриқлаб бориш; айрим ҳолларда (масалан, фавқулодда ҳолат, айтайлик, террористик ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида) қўшимча равишда тарафларнинг ўзаро келишувига биноан маълум муддатгача постлар қўйиш каби вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

Бундан ташқари, тарафларнинг ўзаро келишувларига мувофиқ, Намунавий шартномага зид булмаган бошқа қўшимча мажбуриятлар ҳам белгила- ниши мумкин.

**“Бююртмачи” ташкilotларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига** асосан қуйидагилар киради: кўриқланадиган объектларни техник воситалар билан таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш, “Кўриқлаш” хизмати ходимларининг нормал фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, масалан, хонани таъмирлаш, сув, ёруғлик билан таъминлаш, иситиш ва ҳ.к.); объектларни белгиланган ҳолда топшириш, мустаҳкам қулфлар билан ёпиш ва омборларнинг эшикларини пломбалаш, сигнализацияни улаш; объектларнинг лозим бўлган жойларида телефон алоқасини йўлга қўйиш; “Кўриқлаш” хизмати ходимлари учун хоналарни қайта таъмир- лаш ҳамда кўриқлаш хусусиятини ўзгартириш ва постларни алмаштиришни тақозо этадиган тадбирлар ҳақида ўз вақтида хабар бериш; ёнғинга қарши тадбирни амалга ошириш, объектларда ёнғинга қарши чораларни кўриш; хар

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Завидов Б. Д.* Договорное право России. – М., 1998. – С. 216.

ойда кўриқлашга тариф асосида шартномада кўрсатилган муддатлар ва тартибда ҳақ тўлаш; шартномада кўрсатилган мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш; кўриқланадиган объектларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шартларга, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга аниқлик киритиш ва ҳ. к. Бундан ташқари, “буюртмачи”нинг айби билан “Кўриқлаш” хизмати кўрсатадиган хизматни бажариш имкони бўлмаганда, “буюртмачи” кўрсатилган хизмат эвазига тўла ҳажмда ҳақ тўлаши лозим<sup>1</sup>.

Айни вақтда, “Буюртмачи” ташкилотларга шартнома бўйича *қўшимча мажбуриятлар* юклатилиши ҳам мумкин. Чунончи, уларга “Кўриқлаш” хизмати ходимлари учун турар-жой бериш; ходимлар ва уларнинг оилаларини поликлиника, касалхона, санаторий, болалар боғчаси, дам олиш уйи ва бошқалар билан таъминлаш кабилар киради.

Бундан ташқари, томонларнинг ўзига хос муҳим ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд, яъни “Кўриқлаш” хизматининг ходимлари шартномада белгиланган тартибга амал қилиш мажбуриятига, техника воситаларидан фойдаланиш юзасидан “буюртмачи”га кўрсатмалар бериш ҳуқуқига, “буюртмачи” ташкилотлар эса кўриқчилар амалга оширадиган руҳсатномали ва объект ичидаги режимни белгилаш ҳуқуқига эга (Намунавий шартноманинг 4-банди).

Шу ўринда, фикримизча, объектларни кўриқлаш шартномаси бўйича “буюртмачи” ташкилот, муассаса ва корхоналар (қарздор)нинг “Кўриқлаш” хизмати (кредитор) олдида ўз мажбуриятларини моддий жиҳатдан бажариши уларнинг ўз мажбуриятларини юридик жиҳатдан ҳам бажарганлигини аниқлатмайди. Бошқача қилиб айтганда, “буюртмачи” ташкилот, муассаса ва корхоналар ўз мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқловчи ҳужжат (масалан, шароитларнинг яхшиланганлиги ёки пул ўтказилганлиги ва ҳ.к.) билан расмийлаштиригандан кейингина “Кўриқлаш” хизмати зиммасидаги ана шу мажбуриятларидан халос бўлади. Демак, “ҳар бир шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятнинг бажарилганлигини тасдиқлаш унинг ҳужжат билан расмийлаштирилишини талаб қилади”<sup>2</sup>.

### ***Фуқароларнинг хонадонларини кўриқлаш шартномаси бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари***

<sup>1</sup> Қаранг: *Беленков Р.* Гражданское право. – М., 1999. – Ч. 2. – С. 70.

<sup>2</sup> Қаранг: *Рўзиев Р.* Тадбиркорлик фаолиятида шартноманинг аҳамияти ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш масалалари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Т., 1999. – №” 6. – Б. 95.

*“Қўриқлаш” хизмати ходимларининг мажбуриятларига қуйидагилар киреди:*

1) фуқаролар хонадонларидаги мулкларнинг сақланишини таъминлаш, қўриқлаш сигнализациясининг аҳволини доимий кузатиб бориш ва “тревога” сигнаliga ўз вақтида жавоб бериш. Бу сигнал қабул қилиниши биланоқ қўриқланаётган объектга етиб бориш, хонадонга бегона шахсларнинг киришига, мулкнинг ноқонуний ташиб кетилишига йўл қўймаслик;

2) сигнализация воситаларини соз ҳолда сақлаш;

3) хонадонни қўриқлашни ўз вақтида марказий кузатув пультага қабул қилиш.

*Хонадон эгасининг мажбуриятларини қуйидагилар ташиқил этади:*

– қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган кириш ва айвон эшикларини, дераза ва уларнинг танбаларини соз ҳолда сақлаш; хонадонда таъмирлаш ишлари амалга оширилганда, сигнализация созлигини текшириш учун қўриқлаш хизмати вакилини чақириш; телефон аппаратининг жойи ўзгартирилган бўлса, сигнализация воситаларини текшириш учун “Қўриқлаш” хизматининг техник мутахассисини чақириш;

– хонадонни қўриқлаш хизматига топшириш олдидан деразалар, дарчалар, эшикларни қулфлаб, ёпилганлигини текшириш ва қўриқлаш сигнализацияси улагичини “қўшилган” ҳолга ўтказиб қўйиш;

– хонадонни қўриқлашга топширишдан олдин, сигнализация ишлашини пулт орқали текшириш;

– сигнализациянинг ишлаётганлиги ҳақида кечиктирмасдан қўриқлаш хизматига хабар қилиш;

– хонадонни қўриқлашга топшириш учун телефон орқали ўзининг фамилияси ва унга бириктирилган рақамни хабар қилиш (буни қайд қилиш учун хонадонни марказий кузатув пультага қабул қилган навбатчи хабар қабул қилинган кун ва вақтга доир маълумотларни ёзиб олиши керак);

– агар хонадон ундан чиқиб кетмаган ҳолда қўриқлашга топширилган бўлса (кечаси), телефондан фойдаланмаслик (чунки телефон трубкасининг кўтарилиши пултда “тревога” сигнали чалинишига сабаб бўлади);

– хонадон эшиги очилиши биланоқ сигнализация улагичини “ўчирилган” ҳолга ўтказиб қўйиш; марказий кузатув пультага телефон қилиб, ўзининг келганлигини, фамилияси ва телефон рақамини айтиб қўйиш;

– қўриқланаётган “объект”га милиция наряди киришига тўсиқ бўладиган эшик, подъезд, дарвозалар калитларининг нусхаларини “Қўриқлаш” хизмати ходимларига топшириш. Агарда калит топширилмаган

ва ўғрилиқ “объект” эшиги, деразаси ва шу кабиларни бузмасдан содир этилган бўлса, “Қўриқлаш” хизмати ходимлари моддий жавобгар бўлмайдилар.

– бегона кишиларга сигнализация воситаларидан фойдаланиш сирларини, “объект”га берилган пулът номерини айтмаслик;

– “Қўриқлаш” хизматининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят билан мурожаат қилиш<sup>1</sup>.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасининг “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 1996 йил 26 апрель қонуни 4-моддасининг<sup>2</sup> талабларидан келиб чиққан ҳолда, Намунавий шартноманинг бандларига “буюртмачи” юридик ва жисмоний шахсларнинг қуйидаги ҳуқуқларини белгилаш, мақсадга мувофиқдир:

– хизмат ҳақида, шунингдек, “Қўриқлаш” хизмати ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

– хизматни эркин танлаш ва унинг етарли даражада сифатли бўлиши.

Нафақат “Қўриқлаш” шартномаси, балки, умуман, “шартнома битимининг бир кўриниши ҳисобланар экан, унга нисбатан битимга оид барча қонунлар, жумладан, ФКнинг 9-бобидаги қоидалар татбиқ этилади”<sup>3</sup>. “Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга асосан, юқорида кўриб чиқилган ҳар иккала шартномада, шунингдек Намунавий шартномада қўриқлаш шартномаси тарафларининг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ:

– қўриқлаш шартномасини тузиш ва бажариш муносабати билан бир-бирларидан зарур маълумотлар ҳамда бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

– қўриқлаш шартномасини тузиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

– бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш, бошқача айтганда, “буюртмачи” ташкилот, муассаса, корхоналар билан тузиладиган қўриқлаш шартномалари юзасидан уларнинг тўлов қобилиятини аниқлаш;

– давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илти-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган қарор ва хатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги 1995 йил 30 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1995. №9. 183-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1996. № 5-6. 59-м.

<sup>3</sup> Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Умумий қисм. – Т., 1996. – Б. 281.

мосномалар билан мурожаат этиш ва шикоятлар бериш ҳамда улардан асосли ёзма жавоблар олиш;

– кўриқлаш шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш;

– қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда кўриқлаш шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш;

– тузилган кўриқлаш шартномалари бўйича зиммага олинган мажбуриятларни ўз вақтида тегишли тартибда бажариш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, кўриқлаш шартномасида иштирок этувчи тарафларнинг юқорида таъкидланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини Намунавий шартномада белгилаш амалиётда “Кўриқлаш” хизмати билан “бююртмачи” юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган кўриқлаш шартномаларининг мукамал бўлишида муҳим ўрин тутаети.

### **3.4. Кўриқлаш шартномасини амалга оширишда тарафларнинг жавобгарлиги асослари ва шартлари**

Маълумки, ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири, шунингдек, жамиятимиз ҳаётининг энг муҳим принципларидан бири қонуннинг устунлиги ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, “асосий ижтимоий, энг аввало иқтисодий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча қатнашчилари эса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгар бўлади”<sup>1</sup>. Бозор механизмининг энг асосий хусусиятларидан бири хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида уларнинг иқтисодий жавобгарлиги ва тўлиқ иқтисодий мустақиллиги асосида қонун ва шартномалар интизомига риоя қилиш ҳисобланади<sup>2</sup>. Қонун ва шартномаларнинг асосида эса кўп ҳолларда фуқаролар ва юридик шахслар зиммасига юкланган мажбуриятлар ётади<sup>3</sup>. Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, шу даврга қадар нафақат “Кўриқлаш” хизмати, балки бутун ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаровий-ҳуқуқий шартномалардан келиб чиқадиган жавобгарликлари ўрганилмасдан, хусусан уларнинг маъмурий бошқарув соҳасидаги, яъни ҳуқуққа хилоф хизмат ҳаракатлари учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., 1996. Т.1. Б. 321.

<sup>2</sup> Қаранг: *Ўша жойда*. – Б. 320.

<sup>3</sup> Қаранг: *Зокиров И. Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи*. Умумий қисм. – Т., 1996. – Б. 242.

нинг шарт-шароитлари ўрганилган<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, тузилган қўриқлаш шартномаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳоллари мавжуд бўлганлиги боис, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Фуқаролик кодексининг 333-моддасида фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Мазкур моддага асосан, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавобгар бўлади. Бирок, қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Умуман, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий мақсади, аҳамияти шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида ёхуд ҳуқуқбузарлик оқибатида етказилган зарарни мулкий муносабатларнинг иштирокчиларидан ундиришдан иборат. Зеро, зарарни ундириш товар-пул муносабатларига асосланган ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг зарурий шarti бўлиб ҳисобланади<sup>2</sup>.

Хусусан, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик институти асосан “Қўриқлаш” хизматининг ходимлари меҳнат мажбуриятларини бузганда қўлланилади. Биринчидан, у етказилган мулкий зарарни қайта тиклаш хусусиятига эга. Иккинчидан, “Қўриқлаш” хизмати фаолиятини такомиллаштиришнинг амалий воситаси ҳисобланиб, нафақат ходимнинг шахсий жавобгарлиги масаласини, балки “Қўриқлаш” бирлашмаси ёки унинг жойлардаги бўлинмаларининг жавобгарлигини белгилаб беради. Зеро, “Қўриқлаш” хизмати ўз фаолиятида муайян белгиланган объектни қўриқлаш, жамоат тартибини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш каби мажбуриятларга эга бўлиб, қонунчиликка риоя қилиш бунда муҳим ўрин тутади<sup>3</sup>.

“Қўриқлаш” хизматининг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлиги нафақат шартномали, балки шартномадан ташқари, яъни зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳам бўлиши мумкин. Биринчиси, “Қўриқлаш” хизматининг шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари натижасида етказилган зарарни ундиришдан иборат. Бундай ҳолларда ушбу жавобгарлик тегишли қонун билан тартибга

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Маркова М. Г.* Ответственность органов внутренних дел за вред, причиненный неправильными служебными действиями их работников. – М., 1980. – С. 5.

<sup>2</sup> Қаранг: Советское и иностранное гражданское право (проблемы взаимодействия и развития) / Под ред. В. П. Мозолина. – М., 1989. – С. 250.

<sup>3</sup> Қаранг: *Губарев А. И.* Правовое положение рядового и начальствующего состава органов внутренних дел. – Л., 1974. – С. 38–51.

солиниши ва томонлар ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ белгиланиши лозим. Иккинчиси, шартномавий муносабатлардан ташқари, Фуқаролик кодексининг 57-бобида кўрсатилган “Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар” институти қоидалари билан тартибга солинади.

Таъкидлаш жоизки, қарздор айбсиз ҳолда ўз мажбуриятини бажаролмай қолган, деб топилиши учун айби йўқлигини исботлаши лозим. Негаки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 333-моддасининг 3-бандига биноан, “тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади”. Шу боис, фикримизча, ушбу қондан Намунавий шартномага алоҳида банд сифатида қуйидаги таҳрирда киритиш мақсадга мувофиқ:

“Кўриқлаш” шартномаси бўйича томонлар ўзларига юклатилган мажбуриятларини лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) – табиий офатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олсалар, жавобгарликдан озод қилинадилар. Бундай ҳолларда эса мажбуриятларни бажариш муддати, амалдаги кўриқлаш шартномасига биноан, фавқулодда ҳолатлар юз берган вақт доирасида кечиктирилади”. Аммо қарздорнинг пули йўқлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди.

Бундан ташқари, мажбуриятни қасддан бузганлик учун жавобгарликни бартараф қилиш ёки чеклаш тўғрисидаги аввалдан келишилган шартнома у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий ҳисобланмайди. Чунки қарздорнинг олинган мажбуриятини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги қонунга хилоф ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳисобланади. Шу боис, А. А. Костин, А. И. Яфаев, Ю. К. Толстой, В. М. Деревяго, О. Оқюлов, Ф. Сайфуллаев ва Р. Беленковлар<sup>1</sup> таъкидлаб ўтганларидек, нафақат “Кўриқлаш” шартномаси

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Костин А. А., Яфаев А. И.* Обязательства из причинения вреда. Гражданское и торговое право капиталистических государств. – М., 1993. – С. 429; *Гражданское право. Ч. 2.* / Под. ред. А. П. Сергеева, Ю. К. Толстого. – М., 1997. – С. 699-704; *Медведева Т. М.* Возмещение вреда, причиненного правоохранительными органами: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 1984. – С. 14; *Деревяго В. М.* Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный незаконными действиями государственных организаций, а также должностных лиц: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 1985. – С. 11–12; *Оқюлов О.* Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Т., 1999. – № 6. – Б. 75–76.; *Сайфуллаев Ф.* Ўзбекистон

бўйича, балки умуман фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг юзага келиши учун куйидаги ҳолатлар келиб чиққан бўлиши талаб этилади:

а) қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, яъни кўриқлаш шартномаси шартларини бузганлик (бажармаганлик, уларга риоя қилмаганлик);

б) зарарнинг мавжудлиги;

в) қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида келиб чиққан зарар ўртасида сабабли боғланиш бўлиши;

г) қарздорнинг (ёки зарар етказувчининг) айби бўлганлиги. Албатта, фуқаровий-шартномавий муносабатлар одатдаги нормал кундалик муносабатлар бўлгани сабабли, айбнинг намоён бўлиши ҳам ўз хусусиятларига эга. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига асосан, қарздор (шартнома бўйича зиммасига юклатилган шахс) мажбуриятни бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни исботлаши, ўзининг айбсиз эканлиги фактини тасдиқлаши лозим<sup>1</sup>. Таъкидлаш жоизки, “фуқаролик ҳуқуқида юридик жавобгарлик шакллари бир-биридан ажратиш борасида ягона конструкция йўқ бўлиб, хусусан етказилган зарар учун жавобгарлик асослари ва мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик асослари бир-биридан фарқ қилади”<sup>2</sup>. Чунончи, бу борада ҳуқуқшунос олим О. Оқюлов фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш асосларининг таркибий қисми сифатида “жавобгарлик субъектининг мавжуд бўлиши” лозимлигини таъкидлаган<sup>3</sup>.

“Кўриқлаш” шартномасидан келиб чиққан мажбуриятнинг бажарилмаганлиги натижасида иккинчи тарафга зарар етказиш барча ҳолларда ҳуқуққа хилоф ҳаракат деб топилади. Зеро, қарздор хатти-ҳаракатининг ҳуқуққа хилоф эканлигини белгилаш вақтида қандай шартлар мавжуд бўлганлигини аниқлаш жуда муҳим. Чунки, “шартнома бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида ва лозим даражада бажарилишини, шартнома интизомига риоя қилинишини таъминлаш иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ғоят катта аҳамият касб этади”<sup>4</sup>.

---

ССРнинг гражданлик ҳуқуқи. Махсус қисм. – Т., 1988. – Б. 202.; *Беленков Р.* Гражданское право. – М., 1999. – Ч. 2. – С. 138–140.

<sup>1</sup> Қаранг: *Эгамбердиева Н.* Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шартлари // Қонун ҳимоясида. – 2000. – № 5-6. – Б. 17.

<sup>2</sup> Қаранг: *Оқюлов О.* Правовой статус интеллектуальной собственности: Автореф. дис. ... д-ра. юрид. наук. – Т., 2000. – С. 37.

<sup>3</sup> Қаранг: *Оқюлов О.* Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Т., 1999. – № 6. – Б. 75–76.

<sup>4</sup> Қаранг: *Исмоилов Н. М.* Правовые проблемы залога, как способа обеспечения исполнения обязательств: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 1999. – С. 25.



Агар “Қўриқлаш” шартномаси бўйича тарафларнинг талаби етказилган зарарни ундиришга қаратилган бўлса, қарздор фақат айбли деб топилган ҳоллардагина мулкӣ жавобгарликка тортилади. Баъзи ҳолларда қарздор ўзининг айби учунгина эмас, балки бошқа шахснинг ҳаракати учун ҳам жавобгар деб топилиши мумкин. Масалан, Фуқаролик кодексининг 334-моддасига мувофиқ, учинчи шахсларнинг ҳаракатлари учун қарздор жавобгар ҳисобланади. Яъни қарздор учинчи шахснинг айби орқали олган мажбурияти бажарилмаганлиги учун кредитор олдида жавобгар деб топилади. Чунончи, объектларни қўриқлаш шартномаси бўйича томонлардан бири – хўжалик органи юқори турувчи органнинг айби билан шартнома шартларига мувофиқ, ўз вақтида “Қўриқлаш” хизматига пул тўламаса ёки тегишли банкдаги ҳисоб-варағига пул ўтказмаса ёхуд “Қўриқлаш” хизмати олган ўз мажбуриятларини ходимларнинг айби билан бажарилмаганлиги учун мулкӣ жавобгарликка тортилиши мумкин.

Дарҳақиқат, “Қўриқлаш” шартномасида кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик фуқаровий-ҳуқуқӣ жавобгарликнинг келиб чиқишига, яъни шартнома мажбуриятини айбли ҳолда бажармаган томон жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Фуқаролик кодексининг 333-моддасида кўрсатилганидек, айб қасд ёки эҳтиётсизлик (бепарволик) шаклида бўлиши мумкин.

Айбнинг қасд шаклида, шахс тузилган “Қўриқлаш” шартномаси орқали олган мажбуриятларини онгли равишда лозим даражада бажармайди. “Қўриқлаш” хизмати ва “буюртмачи” (ташкilotлар ва фуқаролар)нинг шартнома мажбуриятларини қасдан бажармаслиги уларнинг фуқаровий-ҳуқуқӣ жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, айбнинг қасд ёки эҳтиётсизлик шакли ёхуд даражаси қандай бўлишидан қатъи назар, қарздор шартнома мажбуриятини бажармаганликда ёки лозим даражада бажармаганликда айбдор деб топилса, келиб чиққан зарарни, айбона (неустойка)ни тўлашга мажбур бўлади. Негаки, “Қўриқлаш” шартномаси асосида келиб чиққан мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик шартнома интизомини бузиш ҳисобланади. Унинг натижасида кредиторга нафақат моддий, балки маънавий зарар ҳам етказилади. Чунончи, бундай ҳолатлар фуқароларнинг хонадонларини қўриқлаш шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни бажармаганликда яққол намоён бўлади.

Умуман олганда, айб фуқаровий-ҳуқуқӣ жавобгарликка тортишнинг

зарурий шарти бўлиб ҳисобланади<sup>1</sup>. Шу боис, “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатидаги айбини аниқлаш унинг жавобгарлигини белгилашда алоҳида аҳамият касб этади. Яъни бу ўринда айб тўғридан-тўғри фуқаронинг эмас, балки юридик шахснинг айби кўринишига эга”<sup>2</sup>.

Фикримизча, кўпинча “юридик шахсларнинг жавобгарлик шартлари ва ҳатто, унинг элементлари, юридик шахснинг ходимлари ўртасида бўлиниб кетган бўлиши мумкин. Хусусан, амалиётда “Қўриқлаш” бирлашмасининг ходимлари ёки вакиллари шартномавий мажбуриятларни бузишлари (ноқонуний буйруқ, қонунга хилоф шартномани тузиш ёки имзолаш, бажарувчига тегишли хабарни ўз вақтида етказмаслик ва ҳоказо) натижасида мулкӣ муносабатларнинг бошқа иштирокчиларига зарар етказилиши мумкин. Аммо ходим тўғридан-тўғри зарар етказган тақдирда ҳам суд юридик шахсни мулкӣ жавобгарликдан озод этмайди<sup>3</sup>. Шу билан бирга, бу ўринда жавобгарликка тортишда тўғридан-тўғри зарар етказувчининг эмас, балки юридик шахснинг айби муҳим<sup>4</sup>.

Шу мақсадда, тегишли ходимлар аниқланган тақдирда ҳам, умумий қоидага биноан, улар ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бузганликлари учун жабрланувчи олдидан эмас, балки юридик шахс олдидан жавоб берадилар. Бу ўринда “Қўриқлаш” бирлашмасининг ҳам юридик шахс сифатида жавобгарлиги, ҳам унинг мансабдор шахслари ёки ходимларининг жавобгарликлари намоён бўлади. Шу боис, ҳозирги кунда давлатимизда нафақат “Қўриқлаш” хизмати, балки бутун ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат бурчларини бажариш жараёнида етказилган зарар учун моддий жавобгарлигини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат, хусусан, тегишли қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда, кўпгина ривожланган давлатларнинг, хусусан Россия Федерациясининг қонунчилик тажрибасига<sup>5</sup> таянган ҳолда, фикримизча, “Қўриқлаш” хизмати ходимлари ҳуқуқни

---

<sup>1</sup> Қаранг: Советское и иностранное гражданское право (проблемы взаимодействия и развития) / Под ред. В. П. Мозолина. – М., 1989. – С. 251.

<sup>2</sup> Қаранг: *Матвеев Г. К.* Основания гражданско-правовой ответственности. – М., 1970. – С. 218, 232.

<sup>3</sup> Қаранг: *Флейшиц Е. А.* Ответственность государственных органов за имущественный вред, причиненный должностными лицами. – М., 1948. – С. 23.

<sup>4</sup> Қаранг: *Бахрах Д. Н.* Имущественная ответственность государственных органов за вред, причиненный действиями их должностных лиц гражданам // Советское государство и право, – 1968. – № 11. – С. 22.

<sup>5</sup> **Изоҳ:** Россия Федерациясида 1999 йил 12 июлда “Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Қаранг: *Курочкина В.* Материальная ответственность сотрудников органов внутренних дел // Российская юстиция. – 2000. – № 3. – С. 38.

муҳофаза қилувчи орган, хусусан ички ишлар органлари вакиллари бўлганлиги учун республика парламенти – Олий Мажлис томонидан Фуқаролик кодексининг 989—991-моддалари ва тегишли қонунлар асосида “Ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида”ги ёхуд махсус “Ички ишлар идоралари ходимларининг моддий жавобгарлиги тўғрисида”ги қонунларни қабул қилиш нафақат “Қўриқлаш” хизмати ходимларини, балки бутун ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларни мулкӣ жавобгарликка тортишда муҳим ҳуқуқӣ асос бўлур эди.

Шунингдек, “Қўриқлаш” бирлашмаси жабрланувчининг талабини қондирганидан сўнг зарар етказишда қатнашган шахсларга нисбатан регресс даъвосини билдириш ҳуқуқига эга бўлади. Бу шахслар унинг келтирган зарарини умумий қоида (ФКнинг 254-моддаси) бўйича тенг ҳиссада тўлайдилар. Бинобарин, ушбу қоида асосида Намунавӣ шартноманинг 13-бандида кўрсатилган қоидани қуйидаги таҳрирда ифодалаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз: *“Айбдор шахслар аниқланган тақдирда “Қўриқлаш” хизмати, мулкӣ зарарни ундириш мақсадида, уларга нисбатан регресс даъво қилиш ҳуқуқига эга. Бу шахслар келтирилган зарарни тенг ҳиссада тўлайдилар”*.

Шу билан бирга, “айрим ҳолларда биргалашиб зарар етказган шахсларнинг жавобгарлиги улардан ҳар қайсиларининг айбларига яраша белгиланиши мумкин”<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, “Қўриқлаш” хизмати билан манфаатдор хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тузилган шартнома мажбуриятларини бузиш натижасида юзага келган оқибатларни бартараф этиш мақсадида ҳуқуқӣ воситаларни қўллаш қуйидаги ташкилий-ҳуқуқӣ йўналишларни белгилашни талаб қилади:

– шартномавий мажбуриятларни бажариш натижаларини кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш ва унинг ҳуқуқӣ ҳолатини белгилаш;

– манфаатдор ташкилотдаги шарт-шароит билан шартнома мажбуриятларини бузиш натижасида вужудга келган оқибат ва айбдор шахслар билан ўзаро боғлиқ жойларини таснифлаш ва таҳлил этиш;

– ички хўжалик ҳисоби билан ташкилотлараро хўжалик ҳисоби тизими ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш, шунингдек, мулкӣ жавобгарликни белгилаш.

Шу ўринда, “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Махсус қисм. / Ҳ. Р. Раҳмонкулов, И. Б. Зокировларнинг умумий таҳрири остида. – Т., 1999. – Б. 349.

бўлинмалари билан “буюртмачи” корхона, ташкилот, муассасалар ўртасида тузилган кўриқлаш шартномалари шартларининг у ёки бу сабабга кўра бажарилмаслиги натижасида келиб чиққан низолар қайси судда кўрилиши ва қандай тартибда ҳал этилиши ҳақида саволлар туғилиши табиий.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида фуқаровий-ҳуқуқий муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Албатта, фуқаровий-ҳуқуқий шартномаларнинг субъектларини судда ҳуқуқий ҳимоялаш қонуний асосга эга. Бунда, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нормалари муҳим ўрин тутди. Хусусан, Конституциянинг 111-моддасига кўра, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва бошқа даражадаги хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Шу боис, “Кўриқлаш” бирлашмаси ва “буюртмачи” корхона, ташкилот, муассасалар ўртасида тузилган кўриқлаш шартномалари юзасидан келиб чиқадиган хўжалик низолари Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида ҳал этилади.

Шу билан бирга, хўжалик судлари “Кўриқлаш” шартномаларини тузиш, ўзгартириш, бекор қилиш юзасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда ва шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини қўллашда, Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексларнинг умумий қоидалари билан бир қаторда, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун, Президент фармонлари, ҳукумат қарорларига ҳамда бу масалаларини махсус тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилишлари лозим.

Хўжалик низоларини судда кўришнинг ўзига хос муаммолари устида илмий ва амалий иш олиб бораётган ҳуқуқшунос олим Ш. Н. Рўзиназаровнинг фикрича, нафақат “Кўриқлаш” шартномаларининг субъектлари, балки барча хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда талабномалар билдириш тартибда ҳимоя қилишлари ҳам мумкин. Бу тартибнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, объектларни кўриқлаш шартномаларининг субъектлари судга мурожаат этмасдан туриб, талабномалар билдириш орқали бу-

зилган ҳуқуқларининг ҳимояланишида таъминланишлари мумкин<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасига асосан, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларини бузган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан талабнома билдиришга ҳақли. Талабнома ёзма шаклда билдирилади. Уни хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки унинг ўринбосари имзолайди.

Талабнома буюртма ёки қимматли хат тарзида телеграф, телетайп орқали, шунингдек, талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Талабнома олган “Кўриқлаш” бирлашмаси ёки “буюртмачи” (ташкилот, корхона, муассаса) бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт. Талабномага жавобни хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки унинг ўринбосари имзолайди ва муҳр билан тасдиқлайди.

Талабноманинг тўлиқ ёки қисман тан олинганлиги тўғрисидаги жавобда тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, талабнома берган тараф жавоб олганидан сўнг 20 кунлик муддат ўтгач, қарздор тан олган суммани банк муассасасига ихтиёрий равишда ўтказди.

Агар талабномани тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, талабнома билдирган тараф жавоб олгандан сўнг 20 кунлик муддат ўтгач, банк муассасасига қарздор тан олган суммани сўзсиз тартибда ўтказиш тўғрисидаги фармойишни тақдим этишга ҳақли бўлади, фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади.

Умумий қоидага кўра, тараф рад (қисман рад) жавобини олган тақдирда ёки талабномасига белгиланган муддатда жавоб олмаган тақдирда, шунингдек, талабнома билдирмай ҳам хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда “Кўриқлаш” шартномаси субъектлари ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик судларига даъво аризасини тақдим этиб, суднинг даъвони таъминлаши учун чораларни кўради.

Албатта, кўриқлаш шартномаларининг субъектлари даъво аризасини хўжалик судига ёзма шаклда беради. Аризани даъвогар ёки унинг вакили им-

---

<sup>1</sup> Қаранг: Рўзиназаров Ш. Н. Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Т., 2000. – № 7. – Б. 61–64.

золайди. Даъвогар даъво тақдим этганда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг ҳамда унга илова қилинган ва бу шахсларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юбориши шарт. Даъво аризасига қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади. Хўжалик процессуал кодексида белгиланган тартибда бир неча даъво талаби бирлаштирилиши ва ажратилиши, қабул қилиниши ёки рад этилиши ёхуд қайтарилиши мумкин. Шунингдек, даъво аризаси юзасидан ёзма фикр билдиришга ва қарши даъво тақдим этишга йўл қўйилади.

Хўжалик судининг амалий фаолиятдан кўриниб турибдики, қўриқлаш шартномалари субъектларининг шартномада кўзда тутилган ҳуқуқ ва манфатларини ҳимоя қилишда энг муҳим масала уларнинг даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳисобланади.

Амалиётдан маълумки, нафақат “Қўриқлаш” бирлашмаси билан шартномавий муносабатларга киришаётган “бююртмачи” ташкилот, корхона, муассасаларда, балки аксарият хўжалик юритувчи субъектларда юридик хизматнинг самарали йўлга қўйилмаётганлиги сабабли, улар ўз вақтида судга мурожаат қила олмаётганлиги, даъво аризасининг мазмуни ва шаклига қўйиладиган талабларга етарли даражада риоя этмаётганлиги, ўзаро талабнома билдириш орқали низони ҳал қилаётганлиги, фикримизнинг далилидир<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 102, 103-моддаларида, суд буйруқ бериш бўйича талаблардан бири сифатида ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида қоидалар белгиланган. Аммо тузилган қўриқлаш шартномалари юзасидан субъектлар суд буйруғи асосида қарзни ундириш бўйича хўжалик судларига ариза билан мурожаат қилмаяптилар. Натижада Хўжалик процессуал кодексида белгиланган нормалардан самарали фойдаланилмаяпти. Шу боис, хўжалик суди амалиётида “Қўриқлаш” хизмати олдида “бююртмачи” корхона, ташкилот, муассасалар дебиторлик қарзларининг кўп бўлишига қарамай, бундай тартибда низони ҳал қилишга етарли эътибор берилмаяпти. Негаки “Қўриқлаш” хизмати ўз вақтида хўжалик судларига мурожаат қилмаяпти. Бинобарин, бу низолар билан боғлиқ ишлар хўжалик суди амалиётида камдан-кам учрайди. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Рўзиназаров Ш. Н.* Қишлоқ хўжалик тадбиркорлик субъектларининг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи асослари // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Т., 2000. – № 7. – Б. 63.

жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги 1938-сонли 1998 йил 4 март фармони<sup>1</sup>, Вазирлар Маҳкамасининг ушбу фармоннинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақидаги 177-сонли 1998 йил 24 апрель қарори<sup>2</sup> “Қўриқлаш” хизмати ва “бююртмачи” ташкилот, муассаса, корхоналар ўртасидаги шартномавий муносабатларнинг аниқ ишлаши учун қўлланма бўлиб хизмат қилиши ва ташкил этилиши лозим бўлган “юридик бўлим”нинг асосий иш фаолиятларидан бири бўлмоғи зарур.

Замонимиз нафақат “Қўриқлаш” бирлашмасида, балки барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида юридик хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқий ишларни фаоллаштиришни ҳам тақозо этмоқда. Шу билан бирга, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида юридик хизмат кўрсатиш ушбу соҳа бўйича мукамал билимга эга бўлган ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашни ҳам талаб этади. Шу ўринда, ҳуқуқшунос олим Ф. Х. Отахоновнинг<sup>3</sup> фикрига қўшилган ҳолда, ушбу хўжалик юритувчи субъект – “Қўриқлаш” бирлашмаси қошидаги юридик хизматнинг вазифалари этиб куйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

– қўриқлаш шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек, талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш;

– шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб бориш;

– қўриқлаш шартномалари бажарилиши устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилиш;

– хўжалик юритувчи субъект раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган қўриқлаш шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текшириш;

– тайёрланган қўриқлаш шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча ишлаш учун қайтариш; шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этиш.

Судлар “Қўриқлаш” шартномасига оид низоларни ҳал этишда шартно-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари. – 2000. – № 4. – Б. 201–204.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами. – 1998. – № 4. – 17-м.

<sup>3</sup> Отахонов Ф. Х. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда юридик хизматнинг роли // Мустақил Ўзбекистон: ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари. – Т., – 2000. – № 7. – Б. 71.

мавий ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга, тадбиркорлик соҳасида ҳуқуқий маданиятни оширишга, “Қўриқлаш” шартномаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифода этувчи ва мажбуриятларни бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарликни белгиловчи асосий ҳужжат бўлиб қолишига ҳар томонлама кўмаклашишлари ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллашда шартнома субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тегишинча ҳимоя этишлари, томонларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини таъминлашлари керак. Зарарни қоплаш билан боғлиқ низоларни ҳал этишда шуни эътиборга олиш керакки, мавжуд зарар таркибига фақатгина тегишли шахс томонидан аниқ етказилган зарарларгина эмас, балки шахсининг бузилган ҳуқуқини тиклаши учун қилган ёки қилиши лозим булган харажатлар ҳам киради (ЎЗР ФК 14-моддасининг 2-қисми). “Бундай харажатларнинг зарурийлиги ва уларнинг тахминий миқдори хизмат кўрсатишдаги камчиликларни бартараф этишга кетадиган смета (калькуляция) сифатидаги ва мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик даражасини белгиловчи шартнома, асослангирилган ҳисоб-китоб каби бошқа далиллар билан тасдиқланган бўлиши керак”<sup>1</sup>.

Шу билан бирга, Фуқаролик кодексининг 326-моддасига мувофиқ, агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятларини бузиш оқибатларига номутаносиблиги аниқ кўриниб турса, суд неустойкани камай-тиришга ҳақли.

Маълумки, шартнома шартлари бузилган тақдирда тарафлар мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида шартномада уларнинг жавобгарлиги назарда тутилади. Шу боис қўриқлаш шартномасини юқорида таъкидланганидек, қўриқланаётган объект бўйича томонларнинг мулкӣ жавобгарлигини алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

### ***Объектларни қўриқлаш шартномаси бўйича томонларнинг мулкӣ жавобгарликлари***

Ушбу шартнома бўйича томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги, юқорида таъкидлаганимиздек, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг умумий асосларидан ташқари, Намунавий шартноманиннг 10-бандида белгиланган куйидаги махсус шартларнинг бўлишини тақозо этади:

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг “Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг жавобгарлик тўғрисидаги қоидаларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 77-сонли 1999 йил 5 февраль қарори // Хўжалик ва ҳуқуқ. – 1999. – № 3. – Б. 2.



- объектнинг ҳақиқатан ҳам “Қўриқлаш” хизмати қарамоғида бўлиши;
- қўриқланаётган объектда ўғрилик содир этилганлиги ёки бегона кишилар томонидан хўжалик мулкининг йўқотиб юборилганлиги ёхуд унга шикаст етказилганлигига доир тасдиқланган маълумотнинг борлиги;
- суриштирув, тергов ёки суд органлари томонидан ўғрилик ёки қўриқланаётган объектга бегона кишиларнинг кирганлиги фактининг аниқланиши ва ҳоказо.

Албатта, қарздорнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш учун тергов-суриштирув ҳамда суд органлари жавобгарликнинг умумий ва хусусий асосларини белгилаб олишлари лозим.

Одатда ҳар бир шартномада жавобгарлик – келишилган шартларнинг бирини бажармаган тарафга нисбатан айбона (неустойка) кўринишидаги жазо белгиланиши билан ифодаланади. Чунончи, Намунавий шартноманинг 7-бандида “буйортмачи” ташкилот (жавобгарлиги тўғрисида) “Қўриқлаш” хизматига ўз вақтида хизмат ҳақи тўламаганлиги туфайли ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган сумманинг 5% миқдоридан жарима тўлаши кераклиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, шартномада, қўриқлаш хизмати ходимларининг қўриқланаётган объектлардаги мулкни ўғирлаш орқасидан келтирилган зарар учун мулкий жавобгарлиги назарда тутилган. Ва бу фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликларнинг юзага келиши учун юқорида таъкидланган талаблардан ташқари, умумий ва махсус шартлар мавжуд бўлиши зарур. Жумладан, *умумий шартларга* қуйидагилар киради:

1) зарарнинг мавжуд бўлиши. Бунда зарар деганда, мулкнинг ўғирланиши туфайли фуқаролар ёки ташкилотларга келтирилган моддий, молиявий зарар тушунилади, яъни бундай зарар Фуқаролик кодексининг 14-моддасига асосан ҳақиқий зарар деб тушунилади;

2) “Қўриқлаш” хизмати фаолиятининг ноқонунийлиги. Бу ноқонунийлик, асосан, ўз вақтида марказий кузатув пультага уламаганликда, қўриқланаётган объектга ходимларнинг ўз вақтида бормаслигида намоён бўлади. Шунингдек, ноқонунийлик жиноятчиларни ушлаш учун керакли тадбирлар ўтказилмаганлигида ҳам юзага келади;

3) “Қўриқлаш” хизмати фаолияти билан келтирилган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш;

4) “Қўриқлаш” хизмати ходимларининг айби.

Айни пайтда *махсус шартларга* эса қуйидагиларни киритиш мумкин:

– ўғрилик факти милиция ёки тергов идоралари томонидан аниқланиши лозим;

– тергов идоралари ўғрилик объект марказий кузатув пультага

қўриқлаш учун топширилган давр мобайнида содир этилганлигини аниқлашлари керак.

Фикримизча, мана шу умумий ва махсус шартлар мавжуд бўлган ҳоллардагина қўриқлаш хизмати ўғирланган мулк учун моддий жавобгар бўлади. Ушбу қоидаларни Намунавий шартнома қоидаларига алоҳида банд сифатида киритиш “Қўриқлаш” хизматини мулккий жавобгарликка тортиш масаласига бироз бўлса-да ойдинлик киритган бўлур эди.

Қўриқлаш шартномасининг (тузилиши жиҳатдан) *бешинчи қисмига* тааллуқли бўлган шартлари қўриқлаш хизматининг қўшимча мажбуриятларидан ташкил топади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- қўриқланаётган объектда ёнғинга қарши ишларни амалга ошириш;
- айрим ҳолларда келишувга мувофиқ қўриқланаётган объектда қўшимча равишда 10 кунгача пост қўйиш ва ҳ. к.

Ушбу шартларнинг мазмуни шартноманинг қандай объектга нисбатан тузилишига боғлиқ бўлади.

Қўриқлаш шартномасининг *еттинчи гуруҳ шартлари* сифатида тарафларнинг юридик манзили ва тўлов ҳақидаги, шартнома нусхасининг сони, шартнома матнига тузатишлар киритиш тартиби ҳақидаги маълумотлар ҳамда тарафлар вакилларининг имзолари зарурлигини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, қўриқлаш шартномасининг амалда бўлиш муддати ҳам ана шундай шартлар жумласидан бўлиб, бу муддат тарафларнинг мажбуриятларни бажариш муддати кўрсатилган тақдирда ҳам аниқ белгиланиши шарт. Чунки тарафлар шартномани бажаришдан бош тортган тақдирда талабнома ва даъво билдириш учун асос бўладиган даъво муддатининг ўтиши ушбу шартнома амал қилиш муддатининг тугаши билан белгиланади (ЎЗР ФКнинг 154-моддаси). Шу ўринда таъкидлаш лозимки, шартноманинг мазкур шартлари ҳам унинг қонуний расмийлаштирилишини ва ҳар томонлама мукамал бўлишини таъминлашга кўмаклашади.

Амалиётда, бир тарафнинг баъзи сабабларга кўра, ўз зиммасидаги мажбуриятларини бажара олмаслиги тўғрисида иккинчи тарафни хабардор қилиш орқали қўриқлаш шартномасини бекор қилиш ҳоллари ҳам учраб туради. Шартномани бу тарзда бекор қилиш, қонунчилик нормаларига мувофиқ шартномани бекор қилиш эмас, балки қарздор тарафнинг ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортиши деб ҳисобланиши ва унга нисбатан мажбуриятларини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қоидаларнинг қўлланилиши тўғри бўлади (ЎЗР ФКнинг 24-боби).

Қўриқлаш шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик қуйидаги кўринишларда намоён бўлади.

1. *Қўриқлаш хизматининг:*

- моддий бойликларни қўриқлашни ўз вақтида ва тўғри ташкил қилмаганлигида;
- қўриқланаётган объектни ўз вақтида марказий кузатув пультага уламаганлигида;
- ходимларнинг қўриқланаётган объектга ўз вақтида бормаганлигида;
- белгиланган бошқа мажбуриятларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ бажармаганлигида ва ҳ. к.

2. *“Буюртмачи” ташкилот, муассаса, корхона ва фуқароларнинг:*

- қўриқлаш хизматининг нормал фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермаганлигида;
- сигнализацияни қўриқланаётган объектга ўз вақтида уламаганлигида;
- “Қўриқлаш” хизматига ҳақни белгиланган тариф асосида ёки ўз вақтида тўламаганлигида.

Қўриқлаш шартномаси бўйича етказилган зарарни ундириш учун зарар кўрган тараф, зарар айнан мажбурият бузилганлиги натижасида етказилганлигини, етказилган зарарнинг миқдорини ҳамда иккинчи тарафнинг айби борлигини исботлаб бериши лозим бўлади. Демак, қўриқлаш шартномаси бўйича, бир тарафга зарар етказилиши иккинчи тарафни жавобгарликка тортишнинг зарурий шarti бўлиб ҳисобланади.

Лекин баъзи ҳолларда, айбнинг бор ёки йўқлигидан қатъи назар, мажбурият бузилганлиги учун жавобгарлик вужудга келади. Айтайлик, “Қўриқлаш” хизмати фаолиятида яна бир муаммоли ҳолат вужудга келмоқда, яъни қўриқланаётган айрим катта-катта корхона, завод ва фабрикалар ҳудудларида уларнинг ўзларига қарашли бўлган ошхона, буфет, омборхоналар мавжуд. Агар бу жойларда ўғрилиқ содир бўлса, етказилган моддий зарарни ким тўлайди, деган табиий савол туғилиши мумкин.

Ошхона, буфет ва омборхоналар алоҳида объект ҳисобланади. Бундай ҳолларда, “Қўриқлаш” хизмати ушбу корхона, ташкилот ҳудудида жойлашган алоҳида объектларни қўриқлашга доир шартномани корхона, ташкилотнинг ўзи билан тузса бўлади ва, албатта, шартномада қўриқланиши лозим бўлган ҳар бир объект алоҳида кўрсатилиши лозим. Бундай ҳолларда “Қўриқлаш” хизмати “буюртмачи” ташкилотга етказилган зарарни, яъни ўғирланган товар-моддий бойликларни Намунавий шартномага кўра тўлиқ қоплайди. Зеро, Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар институтида тўлиқ ундириш принципи асосий ўрин эгаллайди<sup>1</sup>. Тўлиқ ундириш ин-

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Малеин Н. С.* Возмещение вреда, причиненного личности. – М., 1965. – С. 4; *Шминова М.* Судебная практика по делам о возмещении вреда, причиненного поврежде-

ституту иқтисодий жиҳатдан етказилган зарар миқдори билан жавобгарлик ўлчовининг тенглашувини ҳамда ташкилотлар ўртасида юзага келадиган муносабатлардаги хўжалик ҳисоб-китобини ифодалайди.

Бизнинг фикримизча, “Қўриқлаш” хизматини жавобгарликдан озод қилиш ҳоллари, яъни “Намунавий шартнома”нинг 15-бандида кўрсатилган шартлар озод бўлиш учун етарли асос бўлиб хизмат қилмайди.

Шартноманинг 15-банди мазмунига кўра, “Қўриқлаш” хизмати ўғрилиқ “буюртмачи” ташкилотларнинг шартнома шартларини бузиши натижасида содир этилган тақдирдагина жавобгарликдан озод бўлади, лекин ўшанда ҳам “Қўриқлаш” хизмати ўз бурчларини лозим даражада бажарганлигидан гувоҳлик берувчи далилларни тақдим этиши шарт.

Умуман олганда, нафақат қўриқлаш, балки барча шартномалар юзасидан тарафларнинг жавобгарликларини кўриб чиқишда Фуқаролик кодексининг қуйидаги асосий нормаларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир:

– юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий мақоми қандай бўлишидан қатъи назар, фуқаролик муомаласида қатнашувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги, яъни шартномада иштирок этувчи тарафларнинг жавобгарлиги тенг бўлиши лозим (ЎЗР ФКнинг 1-моддаси);

– агар тўланиши лозим бўлган айбона (неустойка) кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд уни камайтиришга ҳақли (ЎЗР ФКнинг 326-моддаси);

– зиммасига мажбуриятни бажариш вазифаси юклатилган учинчи шахсларнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қарздор жавоб беради (ЎЗР ФКнинг 334-моддаси).

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қўриқлаш шартномаларида кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки талаб даражасида бажармаганлик учун фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг қонуний тарзда белгиланиши ўз-ўзидан шартнома муносабатлари иштирокчиларининг масъулиятини оширади, шахсларни қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаб, қонунчиликни мустаҳкамлаш билан бир вақтда, шартнома мажбуриятларининг белгиланган вақтда бажарилишини кафолатлайди. Шу ўринда, Намунавий шартнома – томонлар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда, яъни объектларни қўриқлашда катта ўрин тутаяди, лекин амалиётда уни такомиллаштириш ва қўллаш талаб қилинади.

Бунинг учун юқорида билдирилган фикрларни ваколатли давлат органлари томонидан “Қўриқлаш” хизмати фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартиб-

---

нием здоровья // Советская юстиция. – 1974. – № 24. – С. 7; Ческис Г. Определение вреда, связанного с повреждением здоровья // Советская юстиция. – 1975. – № 12. – С. 8.

га солиб турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш объектларни ва фуқароларнинг хонадонларини қўриқлашга доир шартномавий муносабатларни янада мустаҳкамлайди, деб ўйлаймиз. Шу билан бир қаторда, “Қўриқлаш” бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган шартлари бўйича вужудга келган баҳс-тортишувлар фақат фуқаровий-ҳуқуқий тартибда ваколатли суд органларида ҳал қилинади.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	3
-------------	---

### *I боб*

#### *“Қўриқлаш” хизмати ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳуқуқий асослари*

1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида “Қўриқлаш” хизмати ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий мақомининг ривожланиши.....	17
1.2. “Қўриқлаш” бирлашмасининг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари.....	30

### *II боб*

#### *Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмасининг фуқаровий-ҳуқуқий ҳолати*

2.1. Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмаси — фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар субъекти .....	36
2.2. “Қўриқлаш” бирлашмасининг юридик шахс сифатида ташкил топиши ва ҳуқуқий ҳолати.....	47
2.3. “Қўриқлаш” бирлашмасининг мулкӣ ҳуқуқлари.....	62

### *III боб*

#### *Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги “Қўриқлаш” бирлашмаси фаолиятида қўриқлаш шартномаси*

3.1. Қўриқлаш шартномаси, унинг белгилари ва хусусиятлари.....	69
3.2. Қўриқлаш шартномасини тузиш асослари ва тартиби.....	93
3.3. Қўриқлаш шартномасининг тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	101
3.4. Қўриқлаш шартномасини амалга оширишда тарафларнинг жавобгарлиги асослари ва шартлари.....	107

**Холмўминов Жума Тоштемирович,**  
*юримдик фанлари доктори*  
**Нарматов Нуриддин Соатмурадович,**  
*юримдик фанлари номзоди*

**“ҚЎРИҚЛАШ” ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ  
ФУҚАРОЛИК–ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

**Ўқув қўлланма**

Мухаррир  
Техник мухаррир

---

Босишга рухсат этилди 2004 й. Нашриёт-ҳисоб табоғи \_\_\_\_.  
Тиражи \_\_\_\_ . Буюртма № \_\_. Баҳоси шартнома асосида.

---

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
700197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.*